

560

ТАФАККУР



ИЖТИМОИЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

№2

ТАФАККУР 2/2008




Maqsud SHAYXZODA — 100



*Бекрӯс эди ӯ — шеър лочини!
Хаёли ба мисли Қўрагонийдек.
Тар тарих эврилса, тўғраи тоқини
Унга кийинсарди Султон Улғбек.*

Абдулла ОРИПОВ

MUVAFFAQIYAT BOLALARI



Бизни курсдош десаям бўларди — у кўшни факультетда ўқиган, холос. Бироқ ялпи лекцияларда деярли қатнашмасди, умуман, беш йил мобайнида мен уни кўрган бўлсам олти-етти мартагина кўргандирман. Жони танига сизмаган жамоатчи эди-да: аввал факультет, сўнгра университет ёшларига серкалик қилди. Қачон қараманг, шавқ билан слёту семинар, спартакиадаю олимпиада, турниру турнеларга бош бўлиб юрарди. Доимо башанг, пурвиқор, сертараддуд.

Университетни битиргач, у дарров аспирантурага жойлашиб, номзодлик паттасини жадал қўлга киритди. Кейин орқасини совитмасдан фан докторлигига ҳам етди, профессор. Чандон жон койитмай, риёзат чекмай, яхмалак отгандек силлиққина. Барига жамоатчи-кайвонилиги қўл келди, демак, бари — жамоатчилик асосида. Бу жабҳада ҳам, қаранг, бир талай поғоналарни енгилгина ҳатлаб ўтди. Зина босиб эмас, йўқ, бамисоли лип этиб лифтда чиқди-қўйди. Эндиликда у киши муҳтарам устоз, номдор арбоб, илмий жамоатчиликка инобатли қози. Янги ашулаларга ҳам жон-дили билан қўшилиб, ажабтовур яккахон бўлиб кетган. Келинг, бу ёғига ўтмайлик — таниб қолишингиз мумкин, балонинг ками кам!

Ие, шунақа тезкор, фаол, омадёр кишилар ҳам бўлади-ку, дерсиз? Бўлади, бор, қандини урсин! Аммо қаҳрамонимизга келсак, унвону даража, мавқею мартаба, эъзозу эътибор жойида-ю, илмга қўшилгудек кирои хиссадан нишона ҳам топилмайди-да, шуниси чатоқ. Негаки, анови юксак чўққиларга нарвон бўлган илмий мавзулар бугун тарих ахлатхонасида моғор босиб қолган. Лекин асло бўш келиш йўқ. Бу тоифа ҳаётда дейсизми ёки илм майдонидами, фақат ютиб ўрганган, ҳар қандай ютқиқиқни бир ҳамла билан ютукқа айлантиради — мудом ошиғи олчилиги шундан.

Майли, у-ку ютган бўлса ютгандир, лекин илм-фан, жамият ютқазибди-да? Бунисига нима дейсиз? Нуқул равон, сип-силлиқ йўлларни кўзлаб ялтирабгина юрадиган, гоҳо телевизорларда тин олмасдан “мақсадга мувофиқ” матнларни чайнаб тўтикушдек сайрайдиган бугунги айрим чаққон йигитчаларни кўрганда одамни хавотир босади: ўша собиқ курсдошимизнинг содиқ издошларидан — мувоффақият болаларидан эмасмикан бу? “Устоз”нинг-ку давру даврони ўтиб бўлаёзди, энди бугиналари ҳам ҳозирги имконияту бемалолчиликлардан бебилиска улуш уриб қолмасмикан? Яна улар ютсин-у, жамият ютқазсинми?

Тўғриси, бу мулоҳазаларимиздан ҳасад ҳиди келаётганга ўхшаяпти. “Акамизнинг ўзи ҳаётда хийла бой берган омадсиз бир шўрпешона бўлса керак-да”, деб ҳам ўйлар кимдир. Балки, балки. Бундай эмаслигини исботлаш учун эса яна бир саҳифа қоғоз қораламоқ лозим бўлади. Шартмикан?

Ахмед Абдулла



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят:

Дамин ЖУМАҚУЛ
(масъул котиб)
Шоҳ САНАМ
(бўлим мудир)
Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудир)
Наргиза УСМОНОВА
(саҳифаловчи)

Журнални безашда Машраб
НУРИНБОЕВ олган суратлардан
ва Рауль МИРҲАЙДАРОВ
коллекциясидан фойдаланилди.

Жамоат кенгаши:

Дилором АЛИМОВА
Абдулла АЪЗАМ
Хуршид ДАВРОН
Нуриддин ЗАЙНИЕВ
Баҳодир ЗОКИР
Нажмиддин КОМИЛ
Султонмурод ОЛИМ
Хайридин СУЛТОН
Нурисломо ТҶУХЛИЕВ
Абдурахим ЭРКАЕВ
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ
Муртазо ҚАРШИБОЙ
Фарҳод ҲАМРОЕВ
Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.


Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Шеърий асарлар журналнинг ўз ташаббуси билан чоп этилади.

Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй



Журнал андозаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2008 йил 17 март кўни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 /₁₆ 6 босма тобок. 4379-бўйртма. Нашр адади 3200 нусха.

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Улуғбек САИДОВ. Оломон маданияти.....4

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Кўпайсин АЛИЕВА. Шахс ва жамият: манфаатлар уйғунлиги..... 10

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Барно ҲАМРОҚУЛОВА. Тарбия — жамият иши..... 14

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Баҳодир ЗОКИР. Эркинлик ғояси такомилли ёхуд демократия тарихига бир назар..... 18

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Ижод бошқа, таъма бошқа. Шоир ва таржимон Фахриддин НИЗОМ билан суҳбат..... 26

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА. Баҳорлари кетиб борар, билмаслар..... 36



SAHI FALARIDA

саҳифаларида

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Валентин РАСПУТИН. Француз тили сабоқлари. *Ҳикоя*.....42

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Жўра ФОЗИЛ. Китоб сотмоқчи бўлган одам. *Ривоят*.....66

БОҚИЙ САРЧАШМАЛАР


Мўмин ҲОШИМХОНОВ. Машрабни англаш.....69

НАВОИЙ СОҒИНЧИ

Суйима ҒАНИЕВА. “Навоий, англаки, боби вафо ёзилмайдур...”.....72



Сергей ШИРОКОВ. *Цирк*




ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ. Китоблар билан баҳс.....74

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Турсунмурод МАМАТҚОБИЛОВ,
Холмурод ХИДИРОВ. Ижтимоий ғимоя —
тараққиёт асоси.....82
Хайрулла УМАРОВ. Барқарорлик ва
хавфсизлик кафолати.....83
Шаҳодат МУРОДОВА. Космополитизм
тантана қиладими?.....84
Умид ЭГАМБЕРДИЕВ. Давлат сиёсати-
нинг мустақил тури.....86
Матлуба ҚАХҲОРОВА. Фаолиятни
йўналтирувчи куч.....87
Жаҳонгир ҒАНИЕВ. Тикланаётган
қадриятлар.....88
Севара ТҶХТАЕВА. Шахс масъулияти.....89
Назира НОРЖИГИТОВА. “Катта террор”
фожиалари.....90
Уйғун ЖУМАЕВ. Ўтмишимизга оид
қимматли манба.....92
Фаррухбек ОЛИМОВ. Навоий ҳам
адашганми?.....93
Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуни.....95

OLOMON MADANIYATI



Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоёвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ

Ғарб файласуфи Альбер Швейцер “Воқеликни шакллантирадиган омиллар ичида бирламчиси — маънавият ва ахлоқдир. Қолган барчаси озми-кўпми иккиламчи омилдир”, деган эди. Инсоният тарихига, хусусан, глобаллашиб бораётган бугунги дунёда содир бўлаётган воқеаларга диққат билан назар ташланса, бу гапларга қўшилмасликнинг иложи йўқ.

Албатта, глобаллашув жараёнлари ишлаб чиқаришни энг янги, илғор технологиялар асосида қайта жиҳозлаш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситаларини ривожлантириш, одамларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган илмий, техник ва бошқа ахборотларни жамлаш ва тақсимлашга, айниқса, юксак меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиб, бу борада чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Бу эса ўз навбатида

турли мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувига, жаҳон иқтисодийети тизимига интеграциялашувига хизмат қилмоқда. Бироқ глобаллашув кишилиқ тамаддуни тараққийсининг табиий меваси экани ва унинг ижобий жиҳатлари бисёрлигини инкор этмаган ҳолда, ҳозирги вақтда у кўпгина ихтилоф ва зиддиятларни келтириб чиқараётганини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди. Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, маданият ва унинг ўзаги бўлган маънавий-ахлоқий қадриятларни асраб-авайлаш долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим. Чунки бугунги кунда улар ҳар қандай мамлакат, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам тараққийнинг шарти, жамият маънавий-ахлоқий соғломлигининг кафолати, кучли давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади.


Азиз журналхон, бугунги кунда бутун дунёни домига тортиб бораётган глобаллашув жараёни, бу ҳодисанинг фойдали ва зарарли жиҳатлари ҳақида илмий анжуман ва йиғилишларда, оммавий ахборот воситаларида турлича фикрлар билдирилаётганидан яхши хабардорсиз. Жумладан, "Тафаккур" журнали саҳифаларида ҳам бу мавзуга оид мақолалар чоп этилмоқда. Чунончи, социолог олим Баҳодир Зокирнинг "Ғарб тамаддуни: инқироз аломатлари" (2007 йил 2-сон), филология фанлари номзоди Олим Тошбоевнинг "Оммавий маданият таҳдиди" (2008 йил 1-сон) мақолаларида ана шу мавзуга боғлиқ долзарб масалалар ёритилган эди. Журналнинг бу сонида чоп этилаётган тадқиқотчи олим Улуғбек Саидовнинг мақоласида глобаллашув жараёнининг миллий маданиятларга таъсири ҳақида фикр юритилади.



Аmmo бу жараёнда Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: "Ўзбекистон халқининг миллий руҳиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг хусусиятини ҳам эътиборга олиш зарур. Бу ҳол ижтимоий онг даражасида одамларнинг янгиликларга, кадриятлар тизимини ўзгартиришга, қарор топган меъёрларни, уларнинг хатти-ҳаракат қоидалари ва андозаларини барбод қилишга олиб келадиган туб ўзгаришларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда намоён бўлади" (И. Каримов. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., "Ўзбекистон", 1996, 293-бет*). Бизнингча, жаҳон тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг миллий менталитети ва глобаллашиб бораётган дунёдаги янгилиниш, ўзгаришларни инобатга олган ҳолда айtilган мазкур фикрлар глобаллашув жараёни ва бугунги ҳаёт зиддиятларини тўғри англашга ёрдам беради. Глобаллашув жараёни билан боғлиқ зиддиятлар, аввало, маданият соҳасида яққол намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан глобаллашувга бутун дунёни қамраб олган маданий инқилоб деб таъриф бериш ҳам мумкин.

Маълумки, бугунги кунда жаҳондаги бирор бир сиёсий муаммо ёки хавфсизлик масаласи Ғарб мамлакатлари, хусусан, АҚШ, Англия ва Франция иштирокисиз ҳал этилмайди. Дунёдаги иқтисодий муаммоларни ечишда ҳам Ғарбнинг нуқтаи назари устувор. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ёки

Халқаро валюта жамғармаси қабул қилган қарорлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, аввало, Ғарб мамлакатлари манфаатларини ифода этади. Ана шундай халқаро иқтисодий ташкилотлар орқали Ғарб янада кўпроқ фойда кўради. Шу тариқа бошқа давлатларни ўз манфаатига мақбул иқтисодий сиёсат юритишга мажбур этади. Рус олими В.Иноземцев бу ҳақда тўхталиб, қуйидагиларни ёзган эди: "Глобаллашув, аслини олганда, кўкларга кўтариб мақталаётган умуминсоний кадриятларга таянув-



чи ягона тамаддуннинг шаклланиш жараёни эмас, балки мутлақо ўзга ҳолатни — жамиятнинг “ғарбона” модели экспансиясини ва дунёнинг ана шу моделга мослашишини ифодалайди. Бугун глобаллашув деб аталаётган жараёни ғарблаштириш дея аниқроқ ифодалаш мумкин” (В.Иноземцев. *Ветернизация как глобализация и “глобализация” как американизация. “Вопросы философии”, 2004, №4, стр. 60*).

Албатта, Ғарбдаги илм-фан ютуқларини ўрганиш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ҳар қандай давлат тараққиёти учун зарур. Аммо модернизациялаш йўлида Ғарб маданияти ва қадриятларини ҳам тўлиғича ўзлаштиришга ҳаракат қилган мамлакат баъзи муаммоларга дуч келиши шубҳасиз. Авваламбор, бундай “тажриба” натижасида қайси маданиятга мансублиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган, ўзлигини англашдан маҳрум этилган жамият, ички зиддиятлари бисёр давлат шаклланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда қадимий тарихга эга бўлган мамлакатлар маданий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда, давлат ва жамиятнинг модернизациялаш йўлини танламоқда. Хусусан, япон ислохотчилари бундан қарийб бир аср олдин “япон руҳияти, ғарб технологияси” деган қоида асосида ўз йўлини белгилаб олган эди. Шу боис Япония миллий ўзлигини, тарихий-маданий илдизларини йўқотмасдан, юксак тараққиётган давлатга айланди. Бундай ҳолатни “глобал фикрла, локал ҳаракат қил” тамойилига суяниб иш тутган Жануби-шарқий Осиёдаги Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея каби мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин. Улар маънавий жиҳатдан ғарблашмай туриб ҳам тараққиётга эришди.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада қатъий йўл тутилмоқда. Яъни, халқимизнинг бой тарихи, ўзига хос миллий қиёфаси, маданий мероси ва маънавий қадриятларини сақлаб қолиш ҳамда мустақамлаш иқтисодий тараққиёт жараёнида давлатимизнинг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Табиийки, бундай пухта ўйланган тараққиёт йўли Ғарбдаги айрим сиёсий кучларни

қониқтирмайди. Маълумки, ҳозирги пайтда шаклланиётган биркутбли дунёда АҚШ этакчиликни даъво қилаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Америкалик таниқли сиёсатчи Г.Киссенжер 1999 йил 12 октябрда Ирландиянинг Дублин шаҳридаги Тринити коллежида ўқиган маърузасида бу ҳақда шундай деган эди: “Одатда глобаллашув деб аталаётган ҳодиса, аслини олганда, Қўшма Штатлар ҳукмронлик ролининг шунчаки бошқача номланишидир” (*“Вопросы философии”, 2003, №3, стр. 80*).

Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳакамлик даъвоси билан чиқаётган АҚШ дунёга эгаллик қилишнинг энг нозик ва шу билан бирга кучли воситасини ишга солмоқда. Бу — маданият соҳасида гегемонликка интилишдир. Шу сабабли у турли миллат, давлатларни маданий, маънавий асосларидан маҳрум этишга, манкуртликни глобал миқёсда ёйишга интиломоқда. “Ватанни севиш учун бунга ундаб турадиган нимадир бўлиши керак, дейди Э.Берк” (П. Бьюкенен. *Ғарбнинг ҳалоқати. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2007, 1-сон, 14-бет*). Ўзини, ўзлигини англамаган, маданиятидан, тарихидан маҳрум этилган манкуртда, табиийки, Ватан туйғуси ҳам бўлмайди.

Глобаллашувнинг замонавий “либерал”-лари “демократия”, “инсон ҳуқуқлари” каби муқаддас қадриятларни ниқоб қилиб, соддадил халқларни миллий манфаатлари, азалий қадриятлари, ахлоқий меъёрлари ва кўпасрлик анъаналаридан изчиллик билан узоқлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Глобаллашувнинг америкалик назариётчиларидан бири Энтони Гидденс бундай башорат қилади: “Анъана ва одатларнинг ҳаётимизга таъсири кундан-кун камайиб бормоқда, бу ижобий жараёндир, чунки у инсонга шу пайтгача эришилмаган шахсий эркинликни ҳаёда этади” (Giddens A. *Runaway World: How Globalisation is Reshaping Our Lives*. New York, Routledge, 2000, p.17). Бу сўзлар замиридаги асл мақсадни англаш мушкул эмас.

Ҳўш, ҳозирги вақтда глобаллашув тарафдорлари томонидан миллий маданият ўрнига қандай маданият таклиф этил-

моқда? Умумжаҳон маданияти дея таъкидланаётган америкача яшаш тарзи, аёнки, даромадни максимал кўпайтириш ғоясига садоқат асосида шаклланган, “Макдональд” ёки “Кока-кола” сингари компаниялар тимсолида ўз ифодасини топган “оммавий маданият” номи билан тарғиб этилаётган бу маданиятни, аслида, “истеъмолчилик маданияти” деб аташ тўғрироқ бўларди.

Кези келганда, “истеъмол”, “истеъмолчи”, “истеъмолчилик маданияти” ва “истеъмолчилик кайфияти” каби тушунчалар ўртасидаги фарққа ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Биз яшаш учун озиқ-овқат, сув истеъмол қиламиз, кийим-бош харид қиламиз, бошпана — уй кураамиз. Шу маънода, албатта, инсон — истеъмолчи. Бироқ “истеъмолчилик маданияти” кишидаги энг тубан майлларга суянади, уларни кўзгаёйди, одамда истеъмолчилик кайфиятини уйғотишга интилади. Бундай кайфиятдаги кимса эса ҳамма нарсага шахсий манфаат нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлиб қолади. Эзгулик, мурувват, меҳр-муҳаббат, ватан, халқ, ўзгалар тақдири учун жавобгарлик сингари туйғу ва тушунчалар “қоринни тўйдирмайдиган” қуруқ гап сифатида хаёлдан чиқариб ташланади. Шунинг учун ҳам ғарбликларда “Кишининг ҳамёни қаерда бўлса, юраги ҳам ўша ерда” деган ярим ҳазил, ярим чин ибора кўп қўлланади.

Аслида, маданият инсон фаолиятининг ички мазмунини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсон фаолиятининг асосий маъно-мазмунини ўзини эркин ижодкор шахс сифатида рўёбга чиқариш, заррама-зарра тўплаб инсонийлик дунёсини яратиш ва шу асосда оламни ҳам инсонийлаштиришдан иборат. Шундай экан, истеъмолчилик кайфиятининг ўзагини ташкил этган “оммавий маданият” ҳақиқий маданиятнинг моҳиятига зид ва ётдир. У инсонни маънан мажруҳ этадиган, унинг маънавий дунёсини бузадиган, охир-оқибат жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган бир махлуқ даражасига тушириб қўядиган, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир. Шунинг учун ҳам бундай маданиятни “оломон маданияти” дейиш мумкин.

Сўнги йилларда ЮНЕСКО ташкилоти жаҳондаги турли халқларнинг моддий-маданий обидаларини асраш билан бирга, уларнинг санъати, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари каби номоддий маданиятини сақлаб қолишга ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Ғарб либосидаги “оммавий маданият” хуружи табиий равишда турли миллат ва халқларни, миллий маданиятларни ҳимояланишга чоғлайди ва зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлади. “Жаҳон маданияти — 2000” мавзудидаги ЮНЕСКО маърузасида шу хусусда, жумладан, бундай дейилади: “Инсоният маданий мерос ҳақидаги ўз тушунчасини унинг мазмун доирасига аъана ва урф-одатлар каби номоддий феноменларни ҳам киритиш орқали кенгайтириши лозим... Акс ҳолда, глобаллашув жараёни маданиятларнинг ўзига хослиги, ранг-баранглигини инкор этишга олиб келиши ва демакки, маданиятлар ўртасида зиддиятлар чиқариши мумкин”.

Америкалик олим С.Хантингтон “Тамаддунлар тўқнашуви” китобида гарчи АҚШ ва умуман, Ғарб дунёси манфаатларини кўзлаб фикр юритса-да, миллий маданият мамлакат тараққиётига хизмат қилишини таъкидлаб бундай ёзади: “Маданиятнинг ғарблашишини модернизациялаш ва иқтисодий ривожланишнинг зарур шarti ҳам, муқаррар натижаси ҳам деб бўлмайди. Аксинча, модернизация миллий маданиятга бўлган қизиқининг қайта уйғонишига ёрдам беради... Жамият миқёсидаги модернизация мамлакатнинг умумий моддий фаровонлиги ва ҳарбий салоҳиятининг ўсишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, маданий мероснинг кадр-қимматини тасдиқлаган ҳолда, одамларни ўз маданиятига кўпроқ ишонч билан муносабатда бўлишга ундайди. Шунинг учун ҳам Ғарбдан ташқаридаги кўпгина жамиятларда маҳаллий-маданий анъаналарга қайтиш ҳолатлари кузатилмоқда” (С. Хантингтон. *Запад: уникальность, а не универсальность. Манба: <http://www.russ.ru/journal/perestot/97-10-15/hantin.htm>*).

Фақат юксак маънавиятга, бой маданий меросга суянган халқ ва давлатгина

тараққиётга эришиши мумкин экани бугунги кунда тобора ҳақиқатга айланиб бормоқда. Президент Ислом Каримов истиқлолимизнинг дастлабки давридаёқ "Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас, улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган", дея таъкидлаган ҳамда "Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсақда, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ", дея хулоса қилган эди (И.Каримов. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., "Ўзбекистон", 1996, 26-бет*).

Бугунги кунда Фарб давлатлари тараққиётининг турли соҳаларида, хусусан, маданий ҳаётда юз бераётган инқироз жараёнларига ҳолис ёндашаётган мутахассислар уларнинг ҳалокат томон бораётганини таассуф билан қайд этмоқда. Масалан, америкалик таниқли файласуф ва сиёсий шарҳловчи П.Бьюкененнинг сўнги йилларда нашр қилган китоблари сарлавҳасининг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди: "Буюк хоинлик: Америка суверенитети ва ижтимоий адолат глобал иқтисодиёт тангрисига қурбон этилгани ҳақида" (1998); "Фарбнинг ҳалокати: аҳолининг камайиши ва муҳожирликнинг кўпайиши мамлакатимиз ва тамаддунимизга қандай таҳдид солмоқда?" (2001); "Ўнларнинг сўлларга айланиши" (2004).

Хусусан, "Фарбнинг ҳалокати" китобида АҚШда вужудга келган вазиятни чуқур ва атрофлича таҳлил этар экан, муаллиф ўз юртининг, умуман, Фарб дунёсининг таназулини, аввало, маданиятнинг емираётгани, азалий урф-одатларнинг йўқолиб бораётгани, асрлар давомида эъзозлаб келинган қадриятларнинг топталаётгани билан изоҳлайди ва бундай бузғунчиликка сабаб бўлган "маданий инқилобчилар"ни "замонамиз толибонлари" деб атайди (Б.Зокир. *Фарб тамаддуни: инқироз аломатлари. "Тафаккур" журнали, 2007 йил, 2-сон, 12-23-бетлар*).

Фарблик яна бир тадқиқотчи Артур

Шлезингернинг қарашлари ҳам Бьюкененнинг фикрларига ҳамоҳанг. "Американинг тарқоқлиги" китобида у истехзо билан бундай дейди: "Халқни йўқ қилиш йўлида дастлабки қадам қўйилди — уни хотирасидан жудо этиш бошланди. Кейинги босқичда унинг китоблари, маданияти ва тарихи йўқ қилинади. Сўнгра кимдандир янги китоблар ёзишни, янги маданият ва тарихни ўйлаб топишни илтимос қилсангиз, бас, халқ аста-секин ўзлигини ҳам, қандай пайдо бўлганини ҳам, кимларнинг авлоди эканини ҳам унутати-қўяди".

Фарб мутахассисларининг ўз мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлар ҳақидаги ана шундай фикр-мулоҳазалари асосида хулоса қилиш мумкинки, глобаллашув жараёнини бошқариб, дунёга эгаллик қилишга интилаётганлар ўзгалар учун тайёрлаган "ошни ўзлари айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичишга" мажбур бўлмоқда.

Бу ҳолатлар ўта мураккаб бўлган глобаллашув жараёни ва у билан боғлиқ зиддиятларнинг яна бир томониға ишора қилади. АҚШ бошчилигидаги Фарб мамлакатлари билан қолган дунё ўртасида янгитдан юзага келган қарама-қаршиликни инкор этмаган ҳолда, Жан Бодрийярнинг куйидаги фикрида жон бор, дейиш мумкин: "Ҳеч қандай дин ёки "тамаддунлар тўқнашуви" амалда йўқ, шундай экан, Америка билан ислом ўртасидаги муносабатлардан кўра муҳимроқ бўлган ҳодисалар ҳақида гапирмоқ лозим. Юқоридаги масалаға урғу берилишидан мақсад — юзага қалқиб чиққан қарама-қаршиликнинг тўғрилиги борасида тасаввур уйғотиш ва куч ишлатиш учун ўзига йўл очишдир. Аслида, биз ўзига қарши курашаётган ғолибона глобаллашувнинг гувоҳи бўляпмиз... Бу эса дунёнинг ўзи, бутун Ер курраси глобаллашувға қаршилик кўрсатаётганини билдиради".

Бу қаршилик инсониятнинг тарихий тараққиётини белгилайдиган мустаҳкам маънавий асосға таянади. Турли миллат ва халқларнинг кенг маънодаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик идеаллари шак-шубҳасиз мавжуд ва уларға суянган ҳолда одамлар ҳаётини тартибға солиш ҳамма даврларда ҳам инсонпарвар жами-

ятнинг асосий белгиларидан бирини ташкил этган. Етакчиликни даъво қилаётган давлатлар беҳисоб даромад олиш пайида истеъмолчилик кайфиятига қаратилган тубан қадриятларни асл қадрият сифатида дунё халқларига тақдим этаётган ҳозирги шароитда унга қаршилик кўрсатиш ҳамда миллий, маданий-маънавий илдизларни сақлашга интилиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этади.

Аслини олганда, глобаллашувнинг маданиятлараро муносабатлардаги энг долзарб аънаналари унчалик янги ҳам эмас. Жаҳондаги тарихий жараёнларда азалдан бир-бирига зид, аммо бир-бирини тақозо этган ва тенг асосга эга икки майл — бир томондан, маданиятларнинг мулоқотга, яқин муносабатларга интилиши, иккинчи томондан, уларнинг этномаданий ўзига хослигини сақлашга, ташқи таъсирдан ҳимояланишга интилиш хос бўлган. Аммо бизнинг давримизда бу аъналар зиддиятли кўриниш касб этаётгани билан хатарлидир. Архун Аппадурани шу хусусда бундай фикр билдирган: “Бугунги глобал муносабатларнинг марказий муаммосини маданий гомогенизациялаш ва маданий гетерогенизациялаш ўртасидаги ихтилоф ташкил этади” (*Appadurai A. Dsiuncture and difference in the global cultural econome/ Robertson R. White K.E. (ed) Gglobalisation. Critical concert in sociology. Volume 1, London, 2003, p.p. 251-264*).

Бу ўринда шуни эътиборга олиш лозимки, ҳозирги шароитда миллий маданиятлар эмас, балки Ғарб (Америка) ва қолган дунё халқлари тамаддуни маданий мулоқотнинг асосий омили сифатида майдонга чиқмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, америкалик файласуф Фредерик Жей-мисоннинг бугунги кунда гап глобаллашув

ҳақида эмас, дунёни америкалаштириш ва шу асосда “маданий унификациялаш” (бирлаштириш) ҳақида бораётгани тўғрисидаги фикри муайян асосга эга.

Қисқа қилиб айтганда, ҳозирги вақтда глобаллашув жараёнининг асосий муаммоларидан бирини маданиятлараро мулоқот масалалари ташкил этади. Жаҳон миқёсида рўй бераётган ва “маданий инқилоб” тусини олаётган ўзгаришлар натижаси ўлароқ бир-бирига зид ва айни пайтда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки хил ҳаракат кўзга ташланмоқда. Булар — кишилик маданиятининг ранг-баранглигини инкор этиш тарзида маданий унификациялашга (бирлаштиришга) ва унга қаршилик кўрсатиш асносида бошланган маданий идентификациялашга (ажралишга), аниқроғи, давлат ва халқларнинг маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга қаратилган интилишдир.

Аммо шуни ҳам ёдда тутмоқ лозимки, бугунги жаҳон тарихи — ер куррасидаги тақдир муштарак бўлган барча халқларнинг ўтмиши, тараққиёти, маданий бойлиги ва аъналарини қамраб олган умумий, яхлит жараёндир. Ноёб ўзига хослик негизидаги бундай бирлик, аслида, дунё яхлитлиги, унинг нақадар ранг-баранг ва бетакрор эканининг ёрқин ифодасидир. Қолаверса, бу инсоният маданияти оламининг доимий ҳаракатда бўлган мураккаб тизим сифатидаги яшовчанлигининг энг муҳим белгисидир.

Шу боис қачонки, одамзод дунёнинг ранг-баранглигига асосланган ана шу бирлик ва яхлитликни англаса, ўз ҳаётида миллийлик ва умуминсонийликни оқилона уйғунлаштира олса, интеграциялашув жараёни янада ишончли ва самарали бўлади.

SHAXS VA JAMIYAT: MANFAATLAR UYG'UNLIGI

Ҳар бир инсон ўзига хос хулқ-атвор ва ўзгача маънавий олам соҳибидир. Бу эса қадимдан инсон тақдири билан боғлиқ соҳаларда алоҳида фазилатларга эга кишиларни танлаш ва тарбиялашни тақозо этиб келган. Бу борада донишманд боболардан асрлар оша синовдан ўтган бебаҳо тажрибалар бизга мерос қолган. Соҳибкироннинг “Темур тузуқлари”, Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Восифийнинг “Бадойе ул-вақое”, Бобурнинг “Бобурнома”, Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарлари комил инсон тарбияси сир-асрорларидангина эмас, Ватан, миллат, давлат ва жамият равнақи йўлида фидойи, мард кишиларни танлаш ва уларга суянишнинг шарқона тажрибаларидан ҳам воқиф этади, адолатли жамият қуриш хусусида бебаҳо тавсиялар беради.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу бой маънавий мерос бугунги кунда миллий давлатчилигимизни етук кадрлар билан мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда Президент Ислом Каримов “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги

қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжишимизда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”, дея таъкидлаган эди.

Давлат равнақи кўп жиҳатдан бошқарув тизимида фаолият юритаётган кишиларнинг зиммадаги вазифани садоқат билан адо этишига боғлиқ экани тарихан исботланган. Шу боисдан ҳар бир давлатда кадрлар ахлоқий савиясини ошириш, ана шу мақсад йўлида хизмат қиладиган муассасалар тармоғини яратиш, бу борада муайян меъёрлар, қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилиши юзасидан назорат ўрнатиш бошқарув самарадорлигини оширишнинг зарур чора-тадбирларидан ҳисобланади. Зеро, маънавий-ахлоқий қадриятларга садоқатли шахсларнинг давлат тизимида хизмат қилиши жамият, давлат ва миллат истиқболини таъминлайди.

Шу ўринда, аввало, “давлат хизмати”, “раҳбар”, “давлат хизмати этикаси” каби тушунчаларга тўхталиб ўтсак. “Давлат хизмати” фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун қулай

шароитлар яратишга йўналтирилган ижтимоий амалиётнинг алоҳида туридир. “Раҳбар” эса ана шу амалий фаолият билан шуғулланувчи, қонунда белгиланган талабларга бўйсунувчи шахс бўлиб, у давлат ва жамият муносабатларининг мутаносиблигида муҳим ўрин эгаллайди. “Давлат хизмати этикаси” давлат аппаратурининг у ёки бу тизимида хизмат қилаётган шахснинг қонун-қоидалар билан белгилаб қўйилган фаолият меъёрлари мажмуидан иборат.

Шахс давлат хизматига ўтар экан, унинг зиммасига бошқа фуқаролардан фарқли ўлароқ алоҳида масъулият юкланади. Энди унинг фаолияти шахсий манфаатга эмас, юрт, халқ манфаатига йўналтирилган фаолиятга айланади.

Хўш, “шахсий манфаат” билан “жамият манфаати” тушунчаларининг умумий ва ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? Бундай фарқли, аммо бир-бирини тақозо этувчи ва тўлдирувчи манфаатларда мутаносибликка эришиш шахс ва жамиятга нималар беради? Аксинча, мутаносибликдан чекиниш қандай оқибатларга олиб келади. Донишманд боболаримизнинг бу борадаги қарашлари башариятнинг тафаккур ҳазинасидан ўрин олган бўлиб, бугунги кунда ҳам инсоният тамаддуни ривожига хизмат қилаётир.

Шахсий манфаат деганда, инсоннинг ўзи ёки ўзига яқин кишиларга фойда келтирадиган қарор қабул қилиб, уни амалга ошириши тушунилади. Бунда шахснинг биологик, физиологик ва ижтимоий индивид сифатидаги эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Жамият манфаати йўлидаги фаолиятда эса жамият, давлат ва барча фуқаролар фойдаси кўзланган бўлади. Шахсий манфаатга қаратилган фаолият маҳсулидан бир ёки бир неча киши наф кўрса, жамият манфаатини мақсад қилган фаолият натижасидан минглаб, миллионлаб инсонлар баҳраманд бўлади.

Маълумки, ўзида шахсий манфаат ва жамият манфаатини уйғунлаштира олмаган киши давлат хизматида узоқ вақт

ишлай олмайди. Жамоатчилик фикри унинг масъулиятли вазифага нолайик эканини ошкор этмай қўймайди. Шунинг учун ҳам масъул шахс, аввало, нафс тарбияси мактабини ўтаган бўлиши керак. Бу борада Шарқ мутафаккирларининг қарашлари ибратга лойиқ.

Алишер Навоий ҳазратлари бир газида шу хусусда бундай дейди:

*Чун менга лутф этти шах девонда муҳр,
Бу эди элдин куйи муҳр урмоғим.*

*Ким гурури нафси саркаш манъиға,
Барчадин бўлғай қуйи ўлтурмоғим.*

*Чун шикасти нафс хосил ўлмади,
Мундин ўлди муҳрни синдурмоғим.*

Токи инсон нафсини жиловлай олмас экан, таъма уни мудом ёлғон ва фосиқликка судрайверади. Айниқса, давлат хизматидаги инсон, раҳбар таъмадан йироқ бўлиши зарур. Сарой муҳрдори давраларнинг тўрини эмас, пойгагини кўзлашмоғи, нафсини ҳам шунга мувофиқ тутмоғи лозим. Агар у нафсидан голиб бўлолмас экан, “муҳрни синдурмоғ”и афзалдир. Таъмагирлик — инсонга нолайик хулқдир. Нафс кутқусида тубанлашиш, ўзни ўтга-сўвга уриш шоир наздида, ўзни маънан ўлдириш, маҳв этишдир.

*Ажал чун муқаррардур ўлмак учун,
бас, таъмадин,
Недур юз ғам ўтиға куйдурмак ўзни,*

*Чу туғмоқдур ўлмак учун, бас, не яъни
Алардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни.*



Шунингдек, давлат хизматидаги киши хушомад ва тавозелардан ҳам эҳтиёт бўлгани маъқул. Чунки бундай муносабатдан ҳам қандайдир манфаат ёки илинж кўзланган бўлади. Киши хушомад ва тавозега безътибор бўлсагина комилликка кадам кўяди, дея уқтиради Навоий:

*Тавозе яхши, аммо яхшироқдур
Агар даф этса ани аҳли давлат.*

*Эрур ҳам авф хўбу хўброқ ул,
Ки зоҳир бўлғой эл топқонда қудрат.*

*Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил
Агар йўқтур анинг ёнида миннат.*

*Ҳаким инсони комил дебтур ани
Ки бўлғай зотида бу неча хислат.*

Навоий уч кишига уч иш ярашмаслигини, касб, мансаб ва даража маълум ишлардан тийилишни тақозо этишини таъкидлайди:

*Уч кишидин уч иш ёмон кўринур,
Сенга арз айлай аҳли дунёдин:*

*Шохдан — тундлик, ғанидан — бухл,
Молга майлу хирс — донодин.*

Дарҳақиқат, тундлик, баджаҳллик шоҳга, яъни раҳнамо, раҳбар инсонга ярашмайди. Чунки одамлар унинг хузурига чора излаб келади. Тундлик, баджаҳллик, хилватнишинлик эл-улусдан ажралиб қолишга сабаб бўлади, ижтимоий иллат ва тангликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига монелик қилади. Оқибатда шоҳ зиммасидаги вазифани рисоладагидек адо этолмайди. Салтанатда ҳал этилмаган муаммолар кўлайса, шоҳ ҳам яхши ном қозонолмайди, ҳукмронлиги узоққа чўзилмайди. Бу фикр давлатимиз раҳбарининг, “Етакчи, раҳбар биринчи галда пок ва шижоатли, азму қарор соҳиби бўлиши лозим... Нопок раҳбарнинг қилмишларини назорат органлари билмаслиги мумкин, аммо халқ билади. Халқ билган куни бундай раҳбар назар-

дан қолади, халқ назаридан қолиш эса — агар жиндек виждони бўлса, ўлим билан баробардир” (*Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашида “Иқтисодий ислоҳот — масъулиятли босқич” мавзусида сўзланган нутқидан. 1994 йил 15 март*), деган сўзларига нақадар ҳамоҳанг.

Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарида “Кимки подшоҳ хизматида кирса ва давлат ишлари билан банд бўлса, унинг сийрату нияти, мақсад-муддаоси подшо ноини улуглаш ва мамлакат ободлигига қаратилган қонунқоида, одобу ахлоққа бўйсунуши керак”, дея таъкидланади.

Кошифий давлат хизматидаги киши тўрт тамойилга амал қилмоғи лозимлигини уқтиради. Бундай масъулиятли ишга бел боғлаган одам, аввало, Ҳақ таоло буйруғига мувофиқ иш кўриши, яъни ҳар бир масалани ҳал этишда Яратганнинг ризосини кўзлаши, ҳақиқатга хилоф иш қилмаслиги, нафс қутқусига берилмаслиги зарур.

Иккинчидан, давлат хизматидаги шахс ҳар қандай шароитда ҳам ҳукумат томонида туриб фаолият юритиши даркор. Кошифий бу ўринда камтарлик, итоаткорлик, меҳнат ва машаққатларга сабрлилик, хайрли ишларга хуш калом билан даъват этиш, ўзидан юқори лавозимдаги раҳбарларга арз қилиш вақтини билиш, маошга қаноат, шикоятбозликдан қочиш, ўзи фаолият кўрсатаётган идоранинг ички сирларини сақлаш каби ахлоқий масалаларни қоида сифатида қайд этади.

Учинчидан, давлат хизматидаги киши тартиб-қоидаларга бўйсунмоғи зарур, хусусан, рухсат этилмаган нарсани олмаслик, буюрилмаган жойга бирор бир нарса бермаслик, қўлдан келганча ёмонликнинг олдини олиш, мумкин қадар барчага яхшилик қилиш, ўз қудратига маҳлиё бўлиб, ўзгаларни ранжитиб қўймаслик каби.

Тўртинчидан, давлат хизматидаги киши халқ, яъни раият номидан иш олиб бориши даркор. Бу эса камбағалларни химоя қилиш, уларнинг машғулотида ха-

лал бериб, зарар етказмаслик, золимлар зулмини қайтариб туриш каби жиҳатларда кўринади.

Кошифийнинг фикрича, давлат бошқарувининг асосий мақсади — халқ фойдасини кўзлаб иш юритишдир. Демак, айтиш мумкинки, аждодларимиз ҳам давлат хизматиغا кираётганлар учун махсус қўлланма яратган, бу масала қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини доимо эътиборда тутган.

Истиклол туфайли янгитдан, замонавий асосда барпо этилган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлаш зарурати маъмурий ахлоқни ҳам ҳар жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этди. Бу эса давлат хизматчилари олдига ахлоқий тамойиллар ва анъаналарга онгли равишда, оғишмай амал қилиш талабини қўяди. Жамиятнинг турли соҳаларини ислоҳ қилиш давлат хизматининг, жумладан, давлат хизматчисининг ҳам обрў-эътиборини ошириш имкониятини яратмоқда.

Мамлакатимизда давлат хизмати учун кадрлар тайёрлаш масаласига истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу ишга,

Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, мустақилликни мустаҳкамлаш, “турли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг қалити” сифатида аҳамият берилмоқда.

Юртбошимиз “Ислоҳот — аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир” деб номланган нутқида: “Бошқарув тизимини такомиллаштириш — бевосита раҳбар маънавияти, унинг шахс сифатидаги камолоти, етук ва комил инсонлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда”, деган эди. Шунинг учун турли тоифа ва даражадаги кадрлар тайёрлашда уларнинг қобилияти, билим даражаси, тажриба ва кўникмаси билан бирга, маънавий қиёфасига ҳам жиддий эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий-маъмурий эҳтиёжни инобатга олиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Ушбу қонуннинг ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши, шунингдек, давлат хизмати ахлоқ кодекси яратилиб, амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда давлат хизмати асосларининг мустаҳкамланишида, тизимнинг муносиб кадрлар билан таъминланишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.



Сергей ШИРОКОВ. *Каравон*

TARBIYA – JAMIYAT ISHI

Педагогларнинг хулосасига кўра, инсоннинг қандай шахс бўлиб етишиши 15 фоиз ҳолларда ирсиятга, 40 фоиз ҳолларда муҳитга, 45 фоиз ҳолларда тарбиянинг таъсирига боғлиқ бўлар экан. Социологлар эса бу борада асосан уч омил — ирсият, психофизиологик ҳолат ҳамда шахснинг билим даражаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Одамзод, гарчанд жисмоний жиҳатдан соғлом бўлса-да, унинг етук шахс сифатида вояга етишида муайян ижтимоий муҳит, инсонлар билан мулоқотда яшаш жуда муҳим экани аллақачон исботланган. Демак, шахс жамият бағрида шаклланади.

Этнология ва социология фанларида болаларни ҳар хил тарбия усуллари орқали жамиятга қўшиш жараёни “социализация” дейилади. Яъни, бола жамиятга секин-аста мослашиб, ижтимоийлашиб боради. Бу жараён жамият ва ён-атрофдаги кишиларнинг мунтазам таъсири орқали амалга ошади. Айниқса, бола хатти-ҳаракатларининг оила, мактаб, маҳалла, дўстлар, жамоа томонидан назорат қилиниши унинг хулқ-атворини бошқаришнинг энг муҳим воситасидир.

Шу боис муҳит ва тарбия, ижтимоий назорат усулларининг ўзгариши табиий равишда кишиларнинг феъл-атвори, ўзаро муносабатлари ҳам ўзгаришига олиб келади. Масалан, бир-бир ярим аср илгари яшаган аجدодларимизнинг табиати, одат-кўникмалари ҳозиргидан бирмунча фарқ қилган. Улар ўғрилиқ, бировнинг ҳақиға хиёнат қилиш, порахўрлик каби иллатларга нисбатан ўта муросасиз бўлган. Бу ҳақда чор Русияси вакили, Туркистон халқлари турмуш тарзини пухта ўрганган В.И.Туган-

Мирза-Барановский: “Ўғрилиқ уларда қотилликдан ҳам оғир жиноят ҳисобланади”, деб ёзган. Туркистондаги босқинчилик юришлари қатнашчиси Н.И.Гордеев ҳам юртимизда “бировга қасддан айб қўйиш, тухмат қилиш каби ҳолатларни мутлақо учратмаганини” қайд этган. Лекин, салкам бир ярим аср давом этган мустамлакачилик даврида миллий хусусиятларимизга ёт бўлган қарашларнинг ёйилиши, кўҳна қадриятларимиздан узоқлашишимиз натижасида, турмуш тарзимиздан айрим



номақбул одатлар ҳам ўрин олди. Бу ҳол, айниқса, миллий ўзлигимиз, маънавиятимиз, тилимиз ва эътиқодимиз беаёв топталиши оқибатида кучайди.

Яқин ўтмишга мансуб бу “қора кўланка” бизни ҳамон таъкиб этиб турганидан кўз юмиб бўлмади, албатта. Шу сабабли ҳозирги кунда учраб турган баъзи салбий ҳолатларни фақат моддий қийинчиликлар билан изоҳлаш тўғри эмас. Аслида, бунинг сабабини узоқ вақт онгимизга сингдирилган шўро мафқураси, қолаверса, маълум муддат халқимиз шуурида рўй берган маънавий бўшлиқдан қидириш зарур.

Файласуфларнинг эътироф этишича, шахснинг шаклланиш жараёнида икки ҳолат кўзга ташланади: бир томондан, жамият шахсга таъсир кўрсатади, иккинчи томондан эса шахс ҳам ижтимоий муҳитга таъсир қилади.

Фарзанд дунёга келгач, шубҳасизки, унга илк тарбия берувчи муҳит оиладир. Шу нуқтаи назардан, Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга: “Баркамол фарзанд соғлом оилавий муҳитда вояга етади. Бунга эришиш учун, биринчи навбатда, тарғиботташвиқот ишларини кучайтиришимиз, авваламбор, ота-оналарнинг онгини, уларнинг фарзандларига бўлган муносабатини ўзгартиришимиз, лозим бўлса, ота-оналарнинг ўзини тарбиялашимиз керак” (И.Каримов. *Соғлом авлод — бизнинг келажагимиз. Т., “Абу Али ибн Сино”, 2000, 55-бет*).

Дарҳақиқат, азал-азалдан биз учун оила муқаддас. Инсон умрининг мазмунмоҳияти ҳам кўп жиҳатдан оила қуриш, фарзандлар бахту камолини кўриш, муҳаббат қариндош-уруғ, ёру биродарлар даражасида бўлиш билан белгиланади. Луғатларимизда “шахсий бахт” деган сўз ҳам, тушунча ҳам йўқ, чунки биз ёлғизликни бахтсизлик деб биламиз. Кексаларнинг “Ёлғизлик фақат Оллоҳга хос”, дея таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

Инсон ҳаётининг илк йилларида олган тарбияси унинг шахс бўлиб шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилади. Рухшуносларнинг фикрича, инсон онгининг 80 фоизи беш ёшга қадар шаклланиб бўлар экан. Педагоглар ҳам беш ёшга қадар бўлган тарбия бутун тарбиявий жараён-

нинг 90 фоизини ташкил қилади, дея қайд этади. Ҳар икки соҳа мутахассисларининг яқдил эътирофига кўра, беш ёшдан сўнг қайта тарбиялаш жараёни бошланар экан. Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой ҳам болаликнинг дастлабки даври



унинг онгида ҳал қилувчи босқич эканини таъкидлаб, “беш ёшли боладан менагача бўлган масофа атиги бир қадам, чақалоқдан беш ёшли болагача бўлган масофа эса ақл бовар қилмас даражада узоқдир”, деб ёзган эди. Илмий хулосаларга кўра, 5-6 яшар болалар ақл-фаросат ва идрок бобида катталардан қолишмайди, уларда катталардаги тажриба ва билим етишмайди, холос. Лекин биз аксарият ҳолларда уларнинг бундай қобилиятини, афсуски, ҳисобга олмаймиз. Айрим ёшларимизда мустақил фикрлаш даражасининг пастлиги ҳам балки шундай муносабат оқибатидир.

Бола тарбияси соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибасини танқидий ўрганиш ҳам зиён қилмайди. Масалан, Англияда тарбиячилик жуда масъулиятли ва нуфузли касб ҳисобланиб, бир неча босқичдан иборат танловдан ўтганларгина тарбиячи сифатида ишга олинар экан. Японларда ҳам тарбия жараёнида энг катта эътибори боғча ёшидаги болаларга қаратилади. Бизда эса, эски тузум давридан оқ билимдон ва малакали тарбиячилар етишмаслиги сабабли, ўта масъулиятли бу иш билан кўпинча боқувчи-энагалар шуғулланиб келган. Пойтахтдаги бир-иккита намунали боғчани ҳисобга олмаганда, аксарият мактабгача таълим муассасаларидаги аҳвол ҳали ҳам талабга жавоб бериш даражасида эмас. Хусусий боғчалар тармоғи эса, афсуски, жадал ривожланаётгани йўқ.

Маълумки, таълим соҳасининг асосий ўзаги — бошланғич таълим. Мазкур соҳада ҳам муаммолар талайгина. Президентимиз бу ҳақда тўхталиб, “...боланинг дунёқарashi, диди, салоҳияти шаклланидиган

бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктирилиб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади”, деб таъкидлаган эди (И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т., “Шарқ”, 1999, 13-бет).

Кейинги йилларда бошланғич синфларни қўшиб юбориш ҳисобига уларнинг қисқартирилиши, ўқитувчилар сони камайтирилиши ижобий натижа бермади. 40-47 нафар ўқувчи бўлган синфда тажрибали, моҳир педагог ҳам кўнгилдагидек дарс ўтолмаслиги аён. Бунинг устига, 45 дақиқада ана шунча боланинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланиш, уларнинг ўзига хос қобилиятини аниқлаш имконсиз. Ваҳоланки, бу ёшдаги болалар билан иложи борича индивидуал тарзда ишлаш, ҳар бирининг фикрини тинглаш лозим. Акс ҳолда, болада мустақил фикрлаш ва уни эркин ифодалаш маалакаси шаклланмайди.

Президентимиз ташаббуси билан “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури каби ўта муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу соҳа ривожини учун улкан имкониятлар яратмоқда. Бугунги кунда таълим соҳаси мамлакатимизда бутунлай янгича мазмун-моҳият касб этиб бормоқда. Шу боис кейинги вақтда ўқувчиларда пухта билим эгаллаш, олий маълумотли бўлишга интилиш анча кучайди. Бу ҳол ота-оналар ўз фарзандини намунали мактаб ва лицейларда ўқитиш, хориж тилларини ўргатиш, улар учун қўшимча машғулотлар белгилаш ва ўқитувчи ёллаш каби замонавий таълим усулларида фойдаланаётганида ҳам намоён бўлмоқда. Бу эса тармоқда амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли нафақат таълим-тарбия жараёни, балки одамларнинг онгу тафаккури ҳам тубдан ўзгараётганидан далолат беради.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний мактабни “бутун халқ тарбиясининг бир бўлаги” деб атаган эди. Асрлар давомида ворислик асосида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқона тарбия аънаналари катта таъсир кучига эга. Халқ педагогикаси халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одат ва маросимлар, тарихий тажрибалар негизда шаклланиб келган.

Лекин, бугунги кунда ёш авлодни вояга етказишда халқона аънавий тарбиянинг ўзи етарли эмас. Ҳозирги вақтда ота-оналар, тарбиячи ва мураббийларнинг этика, психология, педагогика соҳаларидан хабардор бўлиши талаб қилинади. Бусиз фарзанд тарбиясини яхши йўлга қўйиб бўлмайди. Бундан 30-40 йиллар илгари ота-оналар бундай билимга эга бўлмай туриб ҳам халқ аънаналари негизда хуш ахлоқли, меҳр-оқибатли фарзандларни тарбиялай олган. Чунки ўша вақтларда бола асосан оила, нари борса, маҳалла муҳитида тарбияланган. Маҳалла муҳити мактабдаги таълим-тарбия маълум маънода оилавий тарбияни тўлдиришга хизмат қилган. Қолаверса, ўқитувчилик обрўли касб ҳисобланган. Мактаб жамоасининг асосий қисмини эркаклар ташкил этган. Бундан ташқари, шаҳарларда ҳам мактабга маҳалланинг таъсири кучли бўлган. Ҳозир эса, тараққиёт натижасида ҳаёт мезонлари ҳам шиддат билан ўзгариб бормоқда. Гарчи кейинги йилларда “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” тамойилига биноан юртимизда анча-мунча ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, бу ҳамкорлик ўз имкониятларини ҳали тўлиқ намоён қила олгани йўқ.

Ахборот асри саналмиш ҳозирги замонда болаларнинг оила, мактаб ва маҳалладан ташқарида ҳам ахборот олиш имконияти борган сари кенгайяпти. Бу эса уларнинг хулқ-атворида, онгу идрокига таъсир этувчи янги бир муҳитни шакллантирмоқда.

Интернет сайтлари, хорижий кино ва мультфильмлар, қолаверса, турли компьютер ўйинлари бола дунёқарашига, унинг хулқ-атворида баъзан салбий таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўтказилган тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, компьютер ўйинлари болаларнинг аксарият қисмини жалб қилиб улгурган. Дунё болаларини оҳанрабодек ўзига тортаётган компьютернинг болалар соғлигига зарари ҳақида ҳам бугунги кунда кўп гапирилмоқда. Ҳатто компьютер қироли Билл Гейтснинг ўзи ҳам қизига бир кунда 45 дақиқадан ортиқ компьютерда ишлашга рухсат бермас экан. Албатта, тараққиётга қарши туриб бўлмайди, бу мақбул иш ҳам эмас, лекин унинг салбий оқибатла-

рини инобатга олиш ва ўз вақтида барта-
раф қилиш ҳам зарур. Балки компьютер-
хоналар, интернет кафеларга кирувчилар
ёшини чегаралаш ва бу масалани тартиб-
га соладиган қонунлар тизимини ишлаб
чиқиш керакдир.

Сирасини айтганда, урбанизация
шароитида оилавий ҳаётнинг анонимлиги,
тасодифларга мойиллиги, чуқур динамиз-
ми билан боғлиқ ҳолда ёшлар ахлоқини на-
зорат қилишнинг қийинлашуви, “кўча таъ-
сири”нинг борган сари кучайиши натижа-
сида оиладаги тарбиявий муҳит ҳам ўзга-
ради. Оқибатда ота-оналар тарбия бораси-
да янгидан-янги муаммоларга дуч келади.

Болага тўғри муносабатда бўлиш, тар-
биявий тадбирларнинг мақбул йўлини тан-
лашда унинг ёш ва индивидуал хусусият-
ларини ҳисобга олиш, айниқса, муҳимдир.
Болани шахс сифатида тан олиш унда
ўзини ҳурмат қилиш, ўз-ўзини англаш,
мустиқил фикр юритиш кўникмалари
шаклланишига туртки бўлади.

Болалар 6-7 ёшга қадар беихтиёр кат-
талар хулқ-атворига тақлид қилади, чун-
ки уларда ҳали зарур ҳаётий тажриба
шаклланмаган бўлади. Агар нима яхшию
нима ёмон экани ўз вақтида тушунтирил-
маса, тақлид сифатида бошланган хатти-
ҳаракатлар одат тусига кириб қолиши
мумкин. Шу ўринда ҳаётий бир воқеани
мисол сифатида келтирсак. Намунали са-
налган мактабларнинг бирида синф раҳ-
бари ота-оналарга нохуш бир ҳолатни
сўзлаб беради. Маълум бўлишича, 7-синф
ўқувчиларининг баъзилари иккитадан кун-
далик тутган экан: бири “аъло” ва “яхши”
бахолар, бошқаси эса “ўрта” ва “ёмон” ба-
холар учун. Ота-оналарга одатда фақат би-
ринчи кундалик кўрсатилган. Бир томон-
дан, боланинг ўз ота-онасини алдаётга-
ни, иккинчидан эса, унда баҳо ва билим
ҳақида нотўғри тасаввур шаклланаётгани
кишини ташвишга солади. Ўқувчиларнинг
чуқур билим эгаллашга эмас, яхши баҳо
олишга интилаётгани ачинарлидир. Таас-
суфки, бундай “касаллик” талабалар ора-
сида ҳам жадал тарқалмоқда.

Замонавий педагогикада ҳам, халқо-
на тарбия аъналарарида ҳам ўсмирлик —
бола тарбиясидаги энг мураккаб давр си-
фатида тилга олинади. Бу даврда болан-
нинг феъл-атворидаги кескин ўзгаришлар

унинг организмида юз бераётган мурак-
каб анатомик-физиологик ва руҳий-эмо-
ционал жараёнлар билан боғлиқ тарзда
кечади. Бундай ўзгаришлар ўғил болалар-
да 13-16, қизларда эса 12-15 ёшларда юз
беради. Мутахассисларнинг фикрига кўра,
миянинг ўсиши ва жинсий безларнинг ри-
вожланиши билан боғлиқ ҳолатлар ўсмир-
ни толиқтиргани сабабли у таъсирчан ва
серзарда бўлиб қолади. Шундай экан, ота-
оналар ҳам, тарбиячилар ҳам бундай
ҳолатларни инобатга олиб иш тутиши
зарур. Ўғил боланинг ўсмирлик даврида-
ги тарбияси билан оилада ҳам, мактабда
ҳам асосан эркаклар шуғуллангани маъ-
кул. Айниқса, тарбияда авторитет — оби-
рўли кишининг таъсиридан фойдаланиш
мақсадга мувофиқдир. Негаки, айнан шу
даврда болалар ўзига намуна бўладиган
шахсни идеал этиб танлайди ва унга ҳар
жиҳатдан ўхшашга ҳаракат қилади. Турли
жиноий ғуруҳларга қўшилиб қолиши, уй-
дан бош олиб қиқиб кетиши ёки гиёҳванд-
лик иллатига мубтало бўлиши ҳам кўпин-
ча боланинг шу даврда эътиборсиз, назор-
атсиз ташлаб қўйилиши оқибатидир.

Педагогларнинг фикрича, 5-6 ёшдан
15-16 ёшга қадар ҳам болани қайта тар-
биялаш имконияти мавжуд. Лекин бу анча
мураккаб кечадиган жараён ҳисобланади.
Чунки ота-оналар, ўқитувчи ва мураббий-
лар олдида боладаги ёмон қилиқлар сте-
реотип шаклига кириб бўлгандан сўнг
уларни ўзгартиришдек мураккаб вазифа
туради. Демак, болада салбий хусусият-
лар турғун характер касб этмасдан, унинг
шахсини тўлиқ қамраб олмасдан туриб,
зарур чораларни кўриш талаб этилади.
Агар ўз даврида болаларни ҳам жисмо-
ний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб
тарбиялай олсак, ўрта махсус ва олий таъ-
лим босқичида бутун куч-ғайратни улар-
ни қайта тарбиялашга эмас, мутахассис-
лиги бўйича чуқур билим эгаллашига сарф
лаган бўлардик.

Бугун барчамиз бир ҳақиқатни теран
англаб олишимиз лозим — ёшларимизнинг
том маънода баркамол бўлиб улғайиши,
ўзидаги куч-салоҳиятни тўлиқ намоён
этиши уларга берадиган таълим-тарбия-
миз, яратадиган шарт-шароитимиз ва жа-
миятимиздаги соғлом муҳитга ҳар жиҳат-
дан боғлиқдир.

Баҳодир ЗОКИР



ERKINLIK G'UYASI TAKOMILI

YOXUD

**DEMOKRATIYA
TARIXIGA BIR NAZAR**

Биринчи мақола¹

Кундалик ҳаётдаги ўзаро суҳбатларда “эркинлик” тушунчаси ҳақида сўз борганда, ақсарият одамларга у ўта жўн туюлади. Бизнингча, бу ҳол унинг теран фалсафий мазмун-моҳияти, жамият ҳаётидаги аҳамияти, эркинлик ҳар бир инсон учун олий қадрият эканини тўлиқ англамаслик билан изоҳланса керак. Таникли инглиз тарихчиси Жон Актоннинг таъкидлашича, “Эркинлик ғояси азалдан, дин сингари, эзгу ишларга ундовчи кучли омил бўлиб келган. Барча замонларда бу ғоянинг душманлари — жаҳолат ва ақидапарастлик, босқинчилик ва айшишрат майли, ҳокимиятпарастлик ва қашшоқлик унинг тараққиётига тўсқинлик қилган. Халқлар босқинчилар зуғумидан халос бўлишга интилган даврларда у тақиқланган, яшаш учун тинимсиз кураш кетаётган кезларда кишилар нақадар бебаҳо неъматни шунчаки емакка алишиб юбораётганини англаб етмаган” (Жон Актон. *История свободы в античности. Полис, 1993, №3, стр. 108*).

Дарҳақиқат, бу кенг қамровли тушунча инсоният тараққиётининг барча даврларида жамики давлатлар, жамиятлар ва кишилар учун ғоят муҳим аҳамият касб этган. Шу боис у ижтимоий борлиқнинг туб моҳиятини ифода этувчи мезон ҳамда башариятнинг тадрижий тараққиёт жараёни билан узвий боғлиқ тушунча сифатида талқин этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хўш, эркинлик ғояси ҳақидаги дастлабки тасаввурлар қачон ва қаерда пайдо бўлган? Ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти жараёнида вужудга келган таълимотларда бу ғоя қандай талқин этилган? Уларнинг бугунги кундаги аҳамияти нимада?

Гегель эркинлик ҳақидаги илк тасаввурлар дастлаб Шарқда шакллангани ва у золимлик кўринишида намоён бўлганини (Унинг наздида, ҳар қандай ишга қодир бўлган подшоҳлар — чинакам ва чексиз эркинликка эга бўлган кишилардир. Барчанинг ҳуқуқсизлиги ва таҳқирланиши — тахтда ўтирган золим ҳукмдорнинг мутлак

¹ Мазкур мақолалар туркуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни мувофиқлаштиришни ривожлантириш кўмитасининг “Шарқ ва Ғарб ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси тақомили: муштараклик ва ўзига хослик” гранти асосида тайёрланди.

эркинлиги, яъни ўзбошимчалиги билан боғлиқ бўлиб қолади. Бу ўринда эркинлик салбий маъно касб этиши яққол намоён бўлади. Чунки, бунда бошқаларнинг ҳуқуқсизлиги ва ҳимоясизлиги эвазига биргина киши мутлақ эркинликка эга бўлади.) эътироф этган бўлса-да, эркинлик ҳақидаги дастлабки фалсафий қарашлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи сиёсий институтлар (Спарта ва Афина демократияси, Солон ва Перикл ислохотлари, Рим ҳуқуқи) айнан Фарбда, аниқроғи, қадимий Юнонистонда вужудга келган. Бироқ бу фикр Гегель қарашлари тарихий ҳақиқатга зид деган маънони аңлатмайди. Юнон демократияси ҳақида сўз борганда, у кулдорлик жамияти негизига вужудга келгани, аҳолининг катта қисми (қуллар, аёллар) фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилгани, ҳокимиятнинг аристократия ва тирания шакллари демократик тизим барпо этиш борасидаги дастлабки қадам бўлгани, қисқаси, ғоят мураккаб ва зиддиятли тараққиёт йўлини босиб ўтгани эътиборга олиниши зарур. Қолаверса, илмий адабиётларда антик давр демократиясига нисбатан турлича, баъзан бир-бирининг тамоман акси бўлган ёндашувлар ҳам илгари сурилган. Масалан, романтик ёндашув вакиллари антик давр демократия тартиботини буюк донишмандлар ва қонун ислохотчилари фаолияти, юнонлар даҳоси маҳсули сифатида талқин этади ҳамда Грецияни Фарб маданиятининг бешиги деб ҳисоблайди. Ижтимоий-иқтисодий ёндашув тарафдорлари эса демократик ҳокимият ўрнатиш борасидаги интилишларни юнон жамияти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, чунончи, колонизациялашув жараёни, денгиз савдосининг жадал ривожланиши ҳамда фуқаролар моддий фаровонлигининг ошиши билан боғлайди. Лекин, шуниси аниқки, порох ва қоғозни айнан хитойликлар кашф этгани ҳақиқатга қанчалик мос бўлса, юнонларнинг халқ ҳокимиятини барпо этиш, эркинлик ғоясини илгари суриш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш борасидаги хизматлари ҳам шунчалик ҳақиқатдир. Бизнингча, юнон демократиясига қандай муносабат билдирилишидан қатъи назар, давлатчиликнинг бу шаклига хос барча камчиликларни инкор этмаган ҳолда, у жаҳон тараққиёти тарихида ёрқин саҳифа сифатида баҳоланишга, таҳлил ва тадқиқ этилишга муносибдир.

Зеро, унинг тажрибаси ва сабоқлари бугунги кунда ҳам эркинлик ғояси такомилли, одамзоднинг эркин жамият сари интилиши, бир сўз билан айтганда, инсоният тараққиётига хизмат қилишига шубҳа йўқ. Қуйида биз ана шу жараённинг ўзига хос хусусиятлари, антик даврда вужудга келган эркинлик ҳақидаги илк тасаввурлар, ўша замонларда яшаб, ижод этган мутафаккирлар, фаолият юритган давлат арбоблари илгари сурган қарашларнинг айрим муҳим жиҳатларига тўхталамиз.



Солон ислохотлари

Юнонистон сиёсий тарихи ва фалсафасига оид адабиётларнинг аксариятида антик давр демократияси, бу борада яратилган ва жорий этилган дастлабки қонунчилик тизими милoddан олдинги V асрда полис-шаҳар — Афинада вужудга келган бошқарув тизими ҳамда тахминан 492-439 йилларда яшаб, фаолият юритган машҳур сиёсий арбоб, файласуф ва шоир Солон ислохотлари билан узвий боғлиқ экани таъкидланади.

Дарҳақиқат, ўша даврда Юнонистон полис-шаҳарларида ижтимоий-мулкий зиддиятлар кескинлашган, зодагонлар зуғумидан азият чекаётган ва қарзга ботган деҳқонлар норозилиги тобора кучайиб бораётган, мамлакатдаги вазият батамом издан чиқиб, у фуқаролик уруши арафасида турган эди. Антик даврнинг машҳур тарихчиси Плутарх уч жилддан иборат “Қиёсий таржимаи ҳол” асарининг Солон фаолиятига бағишланган бобида бу ҳақда шундай деб ёзади: “Оддий халқ мулкдорлардан қарздор бўлиб қолган, бировлари ўз ватанида, бошқалари ўзга юртларга қулликка сотиб юборилар эди. Кўплаб афиналиклар ҳатто болаларини ҳам қул қилиб сотиб юборишга мажбур бўлган эди”. Ана шундай кескин вазиятда қадимий ҳукмдорлар оиласига мансуб бўлган ҳамда юнон аъёналарига кўра етти донишманднинг бири сифатида эътироф этилган Солон архонт (ҳукмдор) этиб сайланади ва


унинг зиммасига мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича зарур қонунлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланади. Плутархнинг гувоҳлик беришича, “Оқилона фикрлайдиган Афина фуқароларининг назарида, зодагонларнинг жиноятларига шерик бўлмаган, муҳтожлик нималигини билмаган Солонгина жамият ҳаётини изга солиши ва фуқаролик уруши хавфини бартараф этиши мумкин эди. Зодагонлар Солоннинг бадавлатлиги, қашшоқлар эса — ҳалол ва адолатпарвар инсон бўлгани учун архонт этиб сайланганидан мамнун эди”.

У қонунчилик борасидаги фаолиятини барча қарзларни бекор қилиш, қарзи учун қулликка сотиб юборилган кишиларни давлат ҳисобидан озод этиш ва умуман, бундай амалиётга чек қўйишни назарда тутган илк қонунни ишлаб чиқишдан бошлайди ҳамда уни афиналиклар муҳокамасига қўяди. Уша замонларда бундай ҳужжатлар ёғоч тахталарга ёзилиб, шаҳарнинг энг гавжум кўчаларида осиб қўйилган ва истаган одам у билан танишиши мумкин бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, Солон фуқароларни қонунни ҳурмат қилишга ундаш, унга нисбатан одамларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида мазкур қонунни эълон қилиш арафасида ўзи ҳам бировга катта миқдорда қарз берган ва табиийки, қонун қабул қилиниши билан пулидан маҳрум бўлиб қолган экан. Шундан сўнг унга давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тартибга солиш имконини берадиган қонунлар мажмуини яратиш вазифаси топширилади. Солон бу борадаги фаолиятида икки тамойилга амал қилган. У, биринчидан, ижроия ҳокимиятига раҳбарлик тажрибали, билимли, ташаббускор кишиларга топширилиши, иккинчидан, халқ ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши керак, деб ҳисоблаган. Шу асосда у таклиф этган бошқа бир қонунда барча эркин фуқаролар даромадига қараб тўрт тоифага бўлинади. Архонтлар, ғазначилар, солиқ йиғувчилар ва бошқа мансабдор шахслар лавозимларга қуръа ташлаш йўли билан икки юқори тоифага мансуб кишилар орасидан танлаб сайланиши белгилаб

қўйилади. Аммо, суиистеъмолликка йўл қўймаслик мақсадида уларнинг ҳар бири тегишли лавозимларга фақат бир йилга сайланиши, ваколат муддати тугаши билан халқ олдида ҳисоб бериши қонунда қайд этилади. Йиллик ваколат муддати тугаган ҳамда бу даврдаги фаолияти жамоатчилик томонидан маъқулланган архонтлар ареопак (қонунлар ижроси ва аънаналарнинг сақланишини назорат қиладиган ҳамда маслаҳат ваколатига эга давлат кенгаши) таркибига умрбод киритилган. Шу билан бир қаторда, Солон, халқ суверенитетини таъминлаш мақсадида, ижроия ҳокимияти йигирма ёшга тўлган, тўлиқ ҳуқуқларга (никоҳсиз туғилганлар ва чет элликлардан ташқари) эга бўлган фуқароларнинг умумий кенгашига берилишини ёқлаб чиққан. Бу кенгашнинг ваколатлари ғоят кенг бўлиб, у уруш ва тинчлик, давлат даромадлари, ташқи савдо, мансабдор шахслар ҳисоботлари каби муҳим масалаларни муҳокама этган ва тегишли қарорлар қабул қилган. Солон қонунчилигига кўра, 6-8 минг иштирокчидан иборат кенгаш барча қарорларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган.

Ниҳоят, Солон таклиф этган яна бир қонунда ҳар бир фуқаро, ҳатто аёллар ва чет элликлар ҳам ваколати ҳар қандай маъмуриятдан юқори бўлган Халқ судига шикоят билан мурожаат этиши назарда тутилган. Мазкур суд таркибига юқорида зикр этилган фуқароларнинг ҳар тўрт тоифасидан вакиллар киритилган. Унинг йиғилишларида беш юз, баъзан мингга яқин судья иштирок этган. Суд қораловчи ва айбланувчининг сўзини тинглаб, яширин овоз бериш йўли билан судланувчини айбсиз ёки айбдор деб топган ва тегишли жазо чорасини белгилаган.

Солон ижроия ва суд ҳокимиятига оид қонунларни ишлаб чиқиш билан чекланиб қолмасдан, жамият маънавий ҳаётига доир яна бир талай қонунлар яратиб, уларни амалиётга жорий этган. Плутарх юқорида зикр этилган асарида бу ҳақда шундай деб ёзади: “Солоннинг асосий қонунлари орасида ўзаро низолар пайтида бирор бир партия тарафида бўлмаган кишиларни фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этиш тўғрисидаги қонунни одамга ғалати туюлади. Бирок, назаримда, у фуқароларнинг жамият ҳаётига бефарқ бўлмаслигига эришиш учун ушбу қонунни ишлаб чиққан бўлса



Солон

ажаб эмас...” Солон жамиятнинг маънавий муҳити ҳақида қайғуриб, судларда, ҳукумат идоралари ва жамоат жойларида бировларнинг иззат-нафсига тегиш, ҳақорат қилишни тақиқлайдиган махсус қонунни жорий этади. Ушбу қонунни бузган одамга иқтисодий жазо чораси — битта хўкиз нархига тенг (5 драхма — юнон пул бирлиги) жарима солинган. Эътиборли жиҳати шундаки, жариманинг бешдан икки қисми давлат хазинасига, қолгани эса таҳқирланган одамга тўланиши белгиланган.

Солоннинг оила-никоҳ масалаларига оид қонунига биноан, қалин пули тўлаш тақиқланиб, келинга атиги учта кўйлак ва бир нечта қиммат бўлмаган нарсалар олиб келишга рухсат берилган. Плутархнинг таъкидлашича, Солон “никоҳдан даромад ёки олди-сотди кўзланмаслиги, оила қуришдан мақсад фарзанд кўриш ва бахтли ҳаёт кечиришдан иборат бўлмоғи керак”, деб ҳисоблаган.

Хуллас, Солон яратган қонунлар ва амалга оширган ислохотлар одиллиги билан нафақат афиналиклар, балки бошқа давлатлар халқлари ўртасида ҳам катта обрў-эътибор қозонган. Шу боис ўзга мамлакатлар ҳукмдорлари у билан сўхбатдош бўлишга интилган. Геродот “Тарих” асарининг биринчи китобида Солоннинг жасурлиги ва тўғрисўзлиги ҳақида тўхталиб, куйидаги афсонавий ҳикоятни келтиради: “Кунларнинг бирида Лидия подшоҳи Крез уни ўз салтанатига таклиф этади ва беҳисоб бойликларини кўз-кўз қилиб, Солонни ҳайратга солмоқчи бўлади. “Қани, айтчи, Солон, — дейди у, — шунча бойликка эга бўлган мендек зотдан бахтлироқ одам бормикан бу оламда?” “Албатта, бор”, дея жавоб қайтаради Солон ва Ватан озодлиги учун жон берган бир неча афиналик фуқаронинг номини санайди. “Нахотки бизни ана шу бахтли одамлар қаторидан ўрин олишга муносиб кўрмасанг?!” дейди ғазабланган ҳукмдор. Шунда Солон подшоҳга қарата бундай дейди: “Давлатпаноҳ! Яратган биз эллинларга ҳамма нарсада меъёрга қатъий риоя этиш қобилиятини инъом этган. Бинобарин, бизга берилган ақл-фаросат шоҳона тафаккурдан йироқ, оддий ва халқона. Бироқ айнан ана шу ақл-фаросат ҳаётда ва инсон тақдирида ҳар сонияда қандай воқеа юз бериши мумкинлигини англаш имконини беради, зум ўтмасдан йўқ бўлади-

ган оний бахтга махлиё бўлиб қолишдан асрайди. Зеро, ҳар бир инсон тасодифларга тўла келажакка рўбарў келганини ўзи ҳам сезмай қолади. Шу боис биз эллинлар, Яратган умрининг охиригача бахт инъом этган одамларнигина бахтли, деб ҳисоблаймиз”. Орадан бир оз вақт ўтгач, Крез форс шоҳи Кир билан бўлган жангда мағлубиятга учрайди ва ўлимга ҳукм этилади. Қатлгоҳга олиб келганларида Крез унинг сўзларини эслаб, “О, Солон!” дея хитоб қилади. Ажабланган Кир бунинг сабабини сўраганда, Крез бўлган воқеани айтиб беради. Шунда форс ҳукмдори Солоннинг сўзларига тан беради ва душманини озод этади. Шундай қилиб, Солоннинг донишмандлиги бир ҳукмдорни ўлимдан асраб қолади, иккинчисини эса, бахт бойлик билан белгиланмаслигини, бу дунёнинг ўткинчилигини англаб етишга ундайди. Геродот, Плутарх ва ўша даврдаги бошқа тарихчиларнинг ўшоҳлик беришича, бу афсонавий воқеа туфайли Солоннинг доғруғи дунёга ёйилган экан.

Солон қонунлари бошқа ҳукмдорлар даврида жорий этилган қонунлардан одиллиги ва нисбатан халқпарварлиги билан ажралиб турган. Масалан, жохил Драконт (*кейинчалик унинг номи ўта шафқатсиз, ғайриинсоний қонунлар тимсоли сифатида “драконови законы” деб аталган — муаллиф*) даврида майда ўғирлик қилган одам ўлим жазосига маҳкум этилган бўлса, Солон қонунчилигида бу каби жиноятларга белгиланган жазо чораси бирмунча енгил бўлган. Афина фуқаролари ва ареопаг (собиқ архонтлар кенгаши) Солон яратган қонунларга қатъий амал қилишга онт ичганига қарамай, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, аслзода ва йирик мулкдорлар орасида унинг қонунчилик фаолиятдан норози бўлганлар ҳам бор эди. Аммо Солон “улуғ ишларда барчага бирдек ёқиб бўлмаслик” тамойилига таяниб, бутун фаолияти давомида қатъият билан давлатни бошқарган, қонунчилик борасида ҳеч кимга ён бермаган, уни сайлаган кишиларга ёқишга интилмаган. Плутарх, унинг фаолиятини шарҳлаб, бундай деб ёзади: “Солон қонунлари қабул қилинган, унинг ҳузурига ташриф буюрган афиналиклар оқими кун сайин кўпайиб борарди. Бири — қонунчилик фаолиятини кўкларга кўтариб мақтаса, иккинчиси — қоралар, учинчиси эса — қонундаги қандайдир бандни олиб ташлаш

ёки аксинча, унга нимадир киритишни талаб қилар, яна кимлардир муайян қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришни сўраб ҳоли-жонига қўймасди. Охиروқибатда қарийб чорак аср давомида давлатни якка ўзи бошқарган Солон булардан безиб, тахтни маслакдоши ва шогирди Писистратга топширади-да, узоқ муддатга Афинадан кетишга қарор қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Солоннинг ислохотчилик фаолияти қулдорлик тузуми асосларига зарба бериб, жамият ҳаётида қонунчилик негизининг шаклланиши, эркинлик ва ҳурфикрлик ҳолатларининг ривожига, табақавий тафовутларнинг юмшатилиши, оддий халқ ижтимоий-моддий аҳволининг ўнгланиши, халқнинг Юнонистон сиёсий тарихида илк бор давлатни бошқаришда (Халқ кенгаши орқали) бевосита иштирокини таъминлаб, Афина демократиясининг энг гуллаб-яшнаган даври — машҳур давлат арбоби, файласуф ва ноҳия Периклнинг самарали фаолиятига замин ҳозирлаган эди.

Маълумки, ўзига хос фалсафий ҳамда маданий-маърифий мулоқот тўғрисида айланган Перикл ҳонадониди давлат ва жамиятни бошқариш, қонунлар ва уларга иттиқ этиш ва бошқа кўплаб масалалар юзасидан баҳс-мунозаралар юритилар эди. Бу дўстона суҳбатларда машҳур файласуфлар Анаксагор, Зенон, Протагор, тарих фанининг “ота”си Геродот, меъмор Фидий, драматург Софокл, ёш Сукрот иштирок этган. Перикл ана шундай зотлар орасида ҳам фикр-мулоҳазаларининг теранлиги, нутқининг ўта таъсирчанлиги, олий давлат лавозимида бўлса-да, ниҳоятда камтарлиги, юксак ахлоқий фазилатлари билан ажралиб турган. Фукидид “Тарих” асарининг иккинчи китобида унинг хос фазилатлари ҳақида тўхталиб, бундай деб ёзади: “Ўтқири зеҳни, ақл-заковати ҳамда маънавий поқлиги туфайли юртдошларининг юксак ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган Перикл давлатни фуқаролар эркинлигининг чекланишига йўл қўймасдан, шу билан бирга, эҳтиросга берилмасдан бошқарар эди. Бошқарувда у номақбул усулларни (бу ўринда тарихчи зўравонликни назарда тутатган бўлса керак — **муаллиф**) қўлламасликка интилиб, зарурат туғилганда, обрў-эътиборига таяниб, ҳар қандай ноўрин хатти-ҳаракатларга кескин қаршилик кўрсатишга қодир бўлган. Бундай кезларда у кўпинча ўта таъ-

сирчан нутқлари билан фуқарони огоҳликка ундар, уларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилар эди. Номланишига кўра, унинг бошқаруви халқ ҳомияти деб аталса-да, аслида бу — *биринчи фуқаро ҳокимияти эди*”. Фукидид бу ҳокимият меросий ҳуқуқ, бойлик, зеб-зийнат, қонунларнинг топталиши, тажовузкорлик ва зўравонликка эмас, фуқароларнинг ишончи ва ҳурматига асосланганини таъкидлайди. Унинг назарида, *биринчи галда фуқаронинг маънавий қиёфаси* ва унинг юксак ахлоқий фазилатларигина турли омиллар таъсирида ана шу ҳокимиятнинг емирилиши ва зўравонликка асосланган (Фукидид таъбирича — *тирания*) тузумга айланишига йўл қўймаслиги мумкин. Бинобарин, Перикл бундай хавф-хатарларни теран англагани боис давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва жамият барқарорлигини таъминлашда маънавий-маърифий омиллар, айниқса, мусиқа санъати, театр, адабиёт ва меъморликни ривожлантириш орқали қулдорлик жамияти кишиларидаги тубан иллатларга мойилликни (жаҳолат, бойликка ўчлик, мансабпарастлик, лоқайдлик ва ҳоказо) “даволаш”га, афиналикларни юксак маънавий қадриятлар сари етаклаб, маърифатли жамият барпо этишга интилган. Унинг замондоши, буюк мутафаккир Сукрот ҳам шундай жамият қуриш мумкинлигига ишонган. Бироқ, охируқибат ҳар иккисининг орзуинтилишлари саробга айланди. Бири (Перикл) қулдорлик жамиятига хос ички зиддиятлар таъсири, аслзодалар ва йирик ер мулкдорлари уюштирган фитна ҳамда авомнинг бефарқлиги оқибатида лавозимдан четлаштирилди ва умрининг сўнгги кунларини уй қамоғида ўтказишга мажбур бўлди. Иккинчиси (Сукрот) даҳрийлик ва азалий қадриятларни таҳқирлашда айбланиб, қатл этилди. Бу ҳол юнон демократиясининг инқирозидан далolat эди. Аммо бир тарихий даврда яшаб, фаолият юритган бу икки буюк мутафаккир илгари сурган гоялар, эзгу мақсадлар ҳамда уларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Перикл кейинчалик француз маърифатпарварлари амалга оширган чинакам эркин жамиятнинг назарий асосларини яратиб кетган бўлса, Сукрот Афлотун, Арасту таълимоти ва илк насронийлик оқимлари тимсолида давом эттирилган юксак маънавият ҳақидаги қарашларнинг шаклланишига замин ҳозирлади.

Эркинлик гоёсининг фалсафий негизлари

Кишиларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлигига асосланган ҳамда уларнинг ҳаёт-мамоёти масаласини ҳал этишга мажбур бўлган анъанавий юнон жамиятида “эркинлик” тушунчаси инсонларнинг жамоаларга уюшган ҳолда маълум вазифаларни бажаришини тақозо этган. Албатта, бундай шароитда кишилар эркинлигининг қандайдир қадрият сифатида талқин этилишини тасаввур қилиш қийин. Чунки, ҳар бир инсон муайян жамоада қабул қилинган қонун-қоидалар доирасидагина нисбатан эркин фаолият юрота олган. Бошқача айтганда, эркинлик ҳақидаги дастлабки ибтидоий тасаввурлар кишиларнинг жамоада уюшган ҳолда ва ўзларига тенг одамларга эмас, айнан жамоага бўйсуниб яшашни ифода этган.

Шунингдек, азалдан юнонлар анъанавий турмуш тарзида инсон шахсиятига боглиқ бўлмаган яна бир жиҳат ҳам “эркинлик” ибораси билан аталган. Бу — юнонлар яшайдиган жамоа, шаҳар-полис суверенитети, уларнинг сиёсий жиҳатдан эркинлигидир.


Таъкидлаш жоизки, антик даврда эркинлик борасида илгари сурилган таълимотлар замонавий концепциялардан тубдан фарқ қилади. Масалан, замонавий ғарбона концепцияларда асосий урғу шахс эркига қаратилган бўлса, юнонлар зўравонликка асосланмаган, қонуний фаолият юритадиган ҳокимиятни табиий деб билган ва жамиятнинг шахс устидан ҳукмронлигини тан олган. Бироқ антик даврдаёқ файласуфлар шахсий эркинликка интилиш жамият ва шахс манфаатлари тўқнашувига сабаб бўлади, бу эса кескин зиддиятни вужудга келтириши мумкин, деб ҳисоблаган.

Бу зиддият турли фалсафий оқим ва мактаблар вакиллари томонидан ўзига хос тарзда ҳал этилган. Масалан, Афлотун ва унинг мактабига мансуб файласуфлар шахс манфаатлари жамият манфаатларига тўлиқ бўйсундирилиши зарурлигини асослашга интиланган. Чунончи, Афлотун “Қонунлар” асарида “Воқелик сен учун эмас, сен воқелик учун вужудга келасан... Ҳар қандай уста-хунарманднинг савий-ҳаракати умумий манфаатларга йўналтирилиши зарур” деб ёзади. Шу билан бир қаторда, Афлотун инсон эркин танлаш имкония-

тига эга эканини тан олади. Файласуф “Давлат” асарининг ўнинчи китобида Эра ҳақидаги афсонавий воқеани келтириб, ўлимдан кейинги руҳлар ҳаёти хусусида сўз юритади. Унинг бу борадаги қарашларида фалсафа тарихида илк бор бир-бирига зид бўлган тақдир ва эркинлик тўғрисидаги таълимотларни уйғунлаштиришга уринишни кузатиш мумкин. Афлотун келтирган афсонада кишилар руҳи, танлай олиш эркинлигидан фойдаланиб, ўзининг кейинги ҳаётини ўзи белгилайди. Шундай қилиб, файласуф тақдир қанчалик ҳукмрон бўлмасин, охир-оқибат инсон ўз келажагини танлаб олишда маълум эркинликка эгадир, деган хулосага келади.

Киниклар эса, аксинча, ижтимоий ҳаёт қадриятларини бутунлай инкор этиб, шахс эркинлиги, манфаатлари устуворлигини ёқлаб келган. Мазкур таълимотни юнон файласуфи Антисфен яратган бўлса-да, фалсафий адабиётларда унинг шогирди, кинизм оқимининг ёрқин вакили — ғайриодатий хатти-ҳаракати билан ном чиқарган Диоген кўпроқ тилга олинади. У бой-бадавлат оилага мансуб бўлишига қарамай, тиланчилик билан кун кечирган ва бочка ичида яшган. Унинг эркинлик масаласига оид қарашлари ўта бирёқламалиги билан ажралиб турган. Диогеннинг фикрича, инсон эркинлиги чек-чегарасиз бўлиши, давлат ҳам, оила-нихоқ муносабатлари ҳам, ахлоқий қадриятлар ҳам унга тўсқинлик қилмаслиги керак. Бундай талқиндаги эркинлик жамият маънавий-ахлоқий асосларини емириб, ёвуз, бузғунчи куч сифатида намоён бўлади. (Бугун айрим Ғарб мамлакатларида шахс эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баҳонасида қип-яланғоч ҳолда намоийшга чиққан ёш-яланғлар, бир жинсли никоҳларнинг қонунлаштирилишини талаб этаётган кимсаларга кўзингиз тушиб қолса, киниклар таълимоти ҳамон “барҳаёт” эканига ишонидан бошқа иложингиз қолмайди).

Юқорида биз Солон ва Перикл сингари буюк мутафаккир ва давлат арбоблари даврига келиб, эркинлик гоёси нафақат жамоа ёки шаҳар-полис эркинлиги, балки шахс эркинлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат




Перикл

сиёсати даражасига кўтарилгани хусусида тўхталдик. Бироқ айнан Сукрот даврида бу гоё чинакам фалсафий таълимот, ўзига хос маънавий-маърифий дастуриламалга айланди.

Милоддан олдинги V асрда (469—399 й.) яшаб ижод қилган Сукрот юнон фалсафасига эркинлик гоёсини илмий концепция сифатида биринчи бўлиб олиб кирган ва ривожлантирган буюк даҳолардан ҳисобланади. Ундан олдин яшаб ўтган файласуфлар “Табиат нима?” деган саволга жавоб излаган бўлса, Сукрот “Инсон нима?” деган масалани ўртага ташлайди ва унинг моҳияти — онги, руҳияти ва ахлоқий фаолияти билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Файласуф назарида, инсон ҳар қандай вазиятда ботиний маънода эркин бўлиб қолиши мумкин. “Эркинлик, — дейди файласуф, — ўз-ўзини идора этиш, жисмоний майллар устидан ҳукмронлик қила олишдир. Яратган ҳеч нимага муҳтожлик сезмагани каби, эркин шахс ҳам ҳеч қачон моддий эҳтиёжлар кули бўлиб қолмайди”. Сукротнинг буюклиги шундаки, унинг бу фикрлари қарийб беш минг йил илгари айтилган бўлса-да, истеъмолчилик майллари, қандай йўллар билан бўлмасин бойлик орттиришга интилишлар устуворлик касб этаётган, маънавий қадриятлар инқирози тобора яққол намоён бўлаётган бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Сукрот қарашларининг шаклланишида Перикл хонадонидига тўғарак ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. Бу ерда у табиатшунос Архелай, файласуф Анаксагор, софизм таълимоти асосчиси Протагор, парадоксал фикр-мулоҳазалари билан барчани ҳайратга солган, машҳур “апория — парадокслар” муаллифи Зенон, кўплаб маҳобатли бинолар ва обидалар яратган меъмор Фидий (Шуниси қизиқки, Сукрот меъморлик ва ҳайкалтарошлиқнинг барча нозик масалалари бўйича бу соҳанинг энг етук вакили билан ҳам бемалол баҳс юрита олган. Чунки меъморлик ва тошга сайқал бериш санъати унга отамерос бўлган. Сукротнинг бу борадаги малакаси шу қадар юксак бўлганки, у Афина Ак-



Сукрот

рополини бунёд этиш ишларига жалб этилган, ҳатто Харит маъбудасининг ҳайкалини ўз қўли билан яратгани ҳақида маълумотлар бор.) иштирокида бўлиб ўтадиган давлат ва жамият ҳаётига оид барча масалалар ҳамда уларни ҳал этишнинг оқилона йўлларини излаб топишга бағишланган баҳс-мунозараларда фаол иштирок этади. Афлотуннинг гувоҳлик беришича, айниқса, Сукротнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тўғарак иштирокчиларининг диққат марказида бўлган. Айнан шу тўғаракда Сукрот “Жамият жаҳолатдан халос бўлиб, маънавий-маърифий тақомил сари бориши, инсон эркинлик неъматидан оқилона фойдалана олиши мумкинми?” деган саволни ўртага ташлаган ва умрининг охиригача унга жавоб излаган. Ордан тўрт минг йилдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, ушбу масала бугунги кунда ҳам барча тамаддунлар, давлатлар, жамиятлар ва ақсарият инсонларни ўйлантириб келмоқда. Шунинг ўзиёқ аллома таълимотининг барҳаётлигидан далолатдир.

Сукротнинг таъкидлашича, ҳиссий эҳтиёжларини қондиришда меъёрга қатъий риоя этадиган, кишиларга фақат яхшилик улашадиган одамгина чинакам бахт ва эркин ҳаётга муносибдир. Хар бир инсон оқилона, покиза, адолатли ва бахтли ҳаётга эришиш мумкинлигини ўз ҳаётий тажрибаси, ўзлигини англаш орқали тушуниб етмоғи даркор. Давлатни эса инсон ҳаётининг асл моҳиятини тушуниб етган, юксак маънавий қадриятларга таяниб яшайдиган ҳамда бахтли ва эркин ҳаёт қуриш йўллари биладиган, етакчилик қобилиятига эга кишилар бошқариши керак. Машҳур файласуф Ксенофонтнинг ёзишича, “Сукрот Афина демократиясининг “буюк ютуғи” дея таърифланган раҳбарларни қуръа ташлаш йўли билан сайлаш тамойилини кескин қоралаб, давлат мансабдорларини ловия (қадимда оқ ва қора ловияларни қопдан олиб ташлаш йўли билан муайян лавозимга сайлов ўтказиш урф бўлган — муаллиф) воситасида сайлашнинг бемаънилиги ҳақида сўзлаб, шогирдлари кўнглида мавжуд қонун-қоидаларга нисбатан нафрат уйғотарди... Унинг бундай нутқлари ёшларда мавжуд сиёсий тузумга нисбатан салбий муносабатни шакллантириб, уни зўравонлик билан ағдарилганда ундайди”. Аслида эса, Сукрот Афинадаги мавжуд давлат тузумига қарши бўлмаган ва уни ағдариб

ташлашга ҳам ҳеч кимни ундамаган. У Афина демократиясига хос бўлган камчиликларни ва улар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини теран англаган ҳамда ўзи туғилиб ўсган ватани — Афинанинг гуллаб-яшнаши ва ёрқин истиқболини ўйлаб, юртдошларини огоҳ этишга уринган, холос. Унинг назарида, Афина демократияси — ҳокимият ва моддий неъматлар манбаигина эмас; у ҳар бир фуқародан, аввало, улкан масъулият, тинимсиз меҳнат, юксак маънавият ва билим талаб этади.

Сукрот қатл этилгунига қадар зиммасига олган улкан вазифани бажариш — Афина колониялари ва у тобе этган мамлакатлардан келаётган ўлпонлар эвазига яшашга ўрганиб қолган, умрининг аксарият қисмини майдонларда ўтказиб, сафсатабозликка берилган, ўзига хийла бино кўйган авомни қайта тарбиялаш, унинг онгига эзгу ғояларни сингдириш, бир сўз билан айтганда, чинакам маънавият уругини сепишга интилди. Ҳеч қачон ҳокимиятга интилмаган, очликка қаноат, тўқликка шукр қилиб яшаган аллома умрининг кўпгина кунларини шаҳар майдонлари, бозорлари, ошхоналари, устахоналари ва қурилиш иншоотлари ёнида турли кишилар билан суҳбат ва баҳс-мунозараларда ўтказди. Суҳбатдошлари ким бўлишидан қатъи назар, Сукрот мантқли ҳазил-мутоиба, нозик истеҳзо билан уларнинг ўзлигини англаб етишга, иллатлардан халос бўлишга қодир инсон эканини исботлаб, ана шу мақсадга эришиш йўлларини ҳам кўрсатиб берад эди. Масалан, бир думалаб сиёсий арбоб бўлишни орзу қилган, билими ҳам, тажрибаси ҳам саёз бир йигитчага бунинг хомхаёллигини асослаб берса, камтарин, аммо теран фикрлайдиган йигитнинг давлат ишларида иштирок этиши жамият учун нақадар фойда келтиришини таъкидлар эди. Истеъдодли боланинг отасига ўз фарзандига мукаммал таълим беришнинг аҳамиятини тушунтириб берса, бирор сабабга кўра қашшоқлашиб қолган ва давлатдан кўмак кутаётган оилаларни бунга умид қилмасдан, бирон бир фойдали иш билан шуғулланишга ундар эди.


Мутафаккирнинг назарида, маънавий қадриятларга таянган эркин жамият барпо этиш йўлидаги дастлабки қадам бу — фуқароларда қонунларга нисбатан тўғри, оқилона муносабатни шакллантиришдир.

Бундай жамиятда яшаётган кишилар, гоҳ қонун номукаммал бўлса-да, барча одамларни бирлаштирадиган ўзига хос адолат тамойили тимсоли эканини англаб етмоғи даркор. Шу боис ҳар бир инсон ўз эркинлигини иймон-этиқод ва виждон билан муштарак қонун бўйича яшаш қоида-си сифатида талқин этиши ва яшаши зарур. Шу тариқа мавжуд қонунлардан оқилона фойдаланишни ўрганган афиналиклар маърифатли ва эркин жамият қуриш йўлидаги иккинчи босқич — ана шу қонунлар тизимини такомиллаштиришга қадам кўйиши ҳамда эркинлик ғоясини тўлиқ рўёбга чиқариши мумкин.

Афсуски, унинг нутқларини минглаб афиналиклар тингларди-ю, бироқ камданкам одам уларнинг мазмун-моҳиятини англади ва зарур хулосалар чиқаришга интилар эди. Натижада унинг ўша давр тузуми ҳақидаги хулосалари тўғри бўлиб чиқади. Перикл ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Афина давлати таназзулга юз тутга бошлади, маънавий қадриятлар емирилиб, жамиятда фиск-фасод авж олди. Лавозимдан четлаштирилган Перикл, Афинадан бадарга этилган Анаксагор, Перикл тўғарагининг гули — Аспасия, бир оз кейинроқ Сукротнинг ўзи ҳам ана шу муҳитнинг қурбонига айланади. Бироқ суд жараёнида сўзлаган нутқида ҳам аллома ўз эътиқодидан қайтмайди, эртами, кечми ақл-заковат ва чинакам маънавий қадриятларга асосланган маърифатли жамият барпо этилажанини башорат қилади. Белгиланган вақтда кул цукута заҳари солинган идишни Сукротнинг кўлига тутқазади. Афлотуннинг гувоҳлик беришича, у идишдаги оғуни охиригача сипқоради, дўстлари ва шогирдлари билан хайрлашиб, уларнинг бирига бамайлихотир “Критон! Ўдинда бўлса, биз Асклепийдан бир хўроз қарздормиз. Уни қайтариб беришни унутма”, деган экан. Бу Сукротнинг сўнгги сўзлари эди.

Аллома ижоди билан шуғулланган айрим муаллифлар унинг ғоялари, орзу-интилишлари саробга айлангани, ўзи эса қатл этилганини назарда тутиб, Сукротнинг мағлубиятга учрагани ҳақида ёзишди. Эҳтимол, бу гапларда ҳам жон бордир. Бироқ, шуниси аниқки, Сукротнинг эркинлик, давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда маънавий қадриятларнинг тутган ўрни ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотгани йўқ.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



IJOD BOSHQA, TA'MA BOSHQA



Шоир ва таржимон
Фахриддин НИЗОМ билан
суҳбат

— Фахриддин ака, келинг, мулоқотимизни ноанъанавий саволдан бошлайлик. Суҳбатдошингиз аввало қайси савол билан мурожаат қилишини истар эдингиз?

— Адашмасам, Андрей Вознесенский бир шеърда, ҳақиқат жавобда эмас, берилаётган саволда, деб ёзган эди. Шунинг учун саволни танламай қўя қолай.

— Аксар машҳур ижодкорлар адабиёт оламига уларни ҳаёт машаққатлари, қийинчилик ва кулфатлар етаклаб келгани ҳақида ёзган. Балки шу боисдир, адабиёт муҳиблари орасида етук ёзувчи, яхши шоирлар камбағалроқ ва қийинчилик кўрган оилалардан чиқади, деган қараш шаклланган. Бу фикрда нечоғлиқ асос бор? Дарвоқе, адабиётга кириб келиш жараёни ўзингизда қандай кечган: қайси омиллар сизни ижодга, адабиётга жалб этган?

— Бу, менимча, нотўғри қараш. Фақат муҳтожлик ёки кулфат одамни шоир ёки ёзувчи қилади, деб ўйлаш коммунистларнинг камбағалликни идеаллаштириши сингари қуруқ сафсатага ўхшаган гап. Бироқ мен бу билан турмуш машаққатларини кўп татиганлар орасида истеъдоддилари йўқ, демокчи эмасман. Қишлоққа борганимда бирор мадрасада ўқимай туриб ҳам ўзича савод чиқарган отамнинг амакиси, раҳматли Нуриддин бобом бундан етмиш-саксон йиллар муқаддам тўқиган **“Ош қил десам, суюқ қилар, нон қил десам, куюк қилар, қовоғини уюб қилар, куйдим хотиннинг дастидан”** каби халқона ва беозор юмор билан йўғрилган ўлмас сатрларни бирор чўпонми ёки муаллимдан эшитиб, шеърнинг ҳақиқий жозибасини

хис қилгандай бўламан. Шунда Оллоҳ истеъдодни кишининг ижтимоий келиб чиқишига қараб ато этмайди, деган ҳаёлга бораман.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, менда болаликдан шеър ёзишга мойиллик бор эди. Кейинчалик бу йўлга узил-кесил кириб кетишимга “Зиёбек” тахаллуси билан шеърлар ёзадиган устозим Зиёвуддин Кўзиев сабабчи бўлган. Ўша кезлар бу қаттиққўл одам менга бирор марта “шеъринг яхши чиқибди”, деган эмас, аксинча — машқларимни аёвсиз танқид қилар эди. Шунинг таъсири бўлса керак, ёшликка хос максимализм касаллиги сурункали хасталикка айланиб, ундан ҳамон қутула олмаяпман. Гарчи шеър ёзишни мактаб йилларидан бошлаган бўлсам-да, ўша вақтларда кимларгадир тақлид қилиб ёзган машқларимнинг ҳаммасини 80-йилларнинг охирига келиб ёқиб ташлаганман ва бундан сира афсусланмайман. Баъзан ҳозир ҳам ана шу максимализм хуруж қилиб туради, лекин энди ўзимга кейинчалик ёқмай қолган шеърлардан қутулишнинг иложи йўқ. Улар газета-журналлар, тўпламлар орқали тарқаб кетган — энди ўз ҳаёти, тақдири бор.



— Адабиёт ҳамма даврларда ҳам жамиятни маънавий юксакликка чорловчи, улугликка етакловчи маёқ бўлиб келган. Ҳақиқий ижод аҳли эса омманинг бекиёс хурматиغا сазовор бўлган. Бироқ, очигини айтганда, халқ эҳтироми аталган юксак мартаба ўртамиёна ижодкорларни ҳам “классиклик” даъвоси билан чиқишга рағбатлантирган. Соҳир сўз устаси Абдулла Қаҳҳор шу тоифа ижодкорлар ҳақида бундай деб ёзган эди: “Адабиётга ўғри мушукдай туйнукдан тушадиган одамлар ҳам бўлади. Булар адабиётни хунардан касбга, яъни сабаби тирикчиликка айлантириб олишади. Бунақа одамлар қадим замонларда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор, эҳтимол, бундан кейин ҳам бўлса...”

— Мен адабиётнинг мафкура юки ортилавериби яғир бўлиб кетган, эндигина кўтирлари тўкила бошлаган елкасига бунақа радикал вазифа юкламаган бўлар эдим. Чунки у том маънодаги сўз санъати, шунинг баробарида миллат тафаккури ва менталитетининг бир томонини кўтариб турган устундир. У юксак идеалларга чорлаш билан бирга бадий тил имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган улкан майдон сифатида ҳам қадрлидир.

Аксарият шоиру ёзувчилар ҳозирги қийинчиликлардан нолиб, адабиётга эътибор сусайиб кетди, деб юради. Албатта, совет мафкурасига югурдаклик қилиб, унвону моддий имтиёзлар билан сийланганини қўмсаб турадиганларни ҳам айблаб бўлмас. Бироқ менинг қатъий хулосам шуки, адабиётни қўлтигидан сув пуркаб юксалтириб бўлмайди. Тўғри, унинг миллат тафаккурини ўстирар даражага етмоғига муайян шарт-шароит зарур, яъники, адабиёт миллатни юксалтириши учун аввало миллат адабиётни юксалтириши лозим деб ўйлайман. Лекин бу адабий тафаккурнинг оёғига тушов солинишига олиб келмаслиги даркор. Тўғри, унвону имтиёзлар илинжида юрган уч-тўртта “адабиёт генерали” ҳар жойда ҳаммавақт топилади. Аммо ижодкорга ёзган асаридан бошқа ҳеч нарса — унвон ҳам, ўзининг иддаоси ҳам обрў келтира олмайди.

Кейинги ўн беш-йигирма йиллик тарих адабиётга манфаат излаб кирганларнинг кўпчилиги юзидаги ниқобни йиртиб ташлади. Иззати борида этагини ёпиб, бошқа ишнинг этагини тутиб кетганлари ҳам бўлди. Начора, тирикчиликнинг айби йўқ.

— Кўча газеталари учун пешма-пеш ёзилган қиссанамо асарларни китоб ҳолида чоп этиб, ўзини етук адиб деб ҳисоблаётган, номига “таниқли”, “истеъдодли” сифатларини қўшиб ишлатаётган айрим ижодкорлар Абдулла Қаҳҳорнинг боя зикр этилган фикрини ёдга солади. Ижодни тирикчиликка айлантирганлар хусусидаги мулоҳазалар бугунги ўзбек адабиётига ҳам тааллуқлидир. Кўнгил иши деб баҳоланган ижодни касбга айлантириш жамият маънавий ҳаётида қандай хатарли оқибатларни юзага келтиради, сизнингча?

— Бу масалага сал бағрикенглик билан диалектик нуқтаи назардан ёндашмасак бўлмайди, шекилли. Чунки сиз айтган ҳодисани инкор қилган билан у ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолмайди, ҳақиқий адабиёт бор жойда “кўча адабиёти” ҳам бўлиши табиий. У рус тилида “лубочная литература” ёки “чтово” дейилади. Унинг ҳам ўқувчиси бор, лекин ачинарлиси, уларнинг сони ҳақиқий адабиёт ихлосмандлари сонидан ўнлаб, юзлаб баробар кўпдир. Бизга ҳам кириб келаётган истеъмомчилик — ҳамма нарса нафсни қондиришга қаратилган муҳитда эрмак ёки эҳтиёж учун зарур бўлган унча-мунча маҳсулот юксак идеалларни эмас, балки истеъмомчининг таъби ва талабларини кўзда тутиб тайёрланади. Афсуски, бугунги арзон-гаров романларнинг муаллифлари юксак адабий мезонларни эмас, бозорнинг таъбу табиатини яхши ўзлаштирган. Бу тоифа китоблар савдосидан муаллифу ноширлар фойда кўриши мумкин. Аммо жамият-чи? Китобхон-чи? Унинг занглаб бораётган диди-чи? Ҳозир ўша китобларни ўқиб, бетайин “попса”ни тинглаб, ҳар турли сериалларни томоша қилиб дунё қараши шаклланаётган ёшлар, баъзи қўшни мамлакатларда бўлгани каби, бизга Навоийнинг, мақому операнинг нима кераги бор, деб чиқмаслигига ким қафолат беради? Устоз Иброҳим Ғафуров айтмоқчи, миллат Навоийни — ўзининг умуртқасини йўқотадиган бўлса, суяксиз, аморф аҳволга тушиб қолмайдими?

— Китобхонлик камёб фазилатга айланиб бораётган бир даврда мумтоз мерос-ку майли, ҳатто замонавий адабиёт ўқувчиларини топиш ҳам амри-маҳол бўлиб қолмоқда. Қизиқ жиҳати — сиз шундай замонда “хослар адабиёти” деб аталмиш модернизм йўналишида ижод қиляпсиз. Таъбир жоиз бўлса, аънавий адабиёт билан модерн йўналиши ўртасида кечаётган ижодий рақобат муҳитида мухлисларингиз сони кам бўлиши сизни хавотирга солмайдими?

— Жавобни саволингизнинг охиридан бошласак. Бу гапни олдин ҳам айтганман, адабиётни мен тирикчилик ёки шуҳрат орттириш воситаси деб билмайман. Шеър — кўнгил иши. Менга энг муҳими, уни ёзиш жараёнида ўзим туядиган завқ. Агар ўша завқ машқларимни ўқийдиган бирор-яримта шеърхонга ҳам юкса — бош устига, юқмаса ҳам хафа бўлмайман, чунки ўзим учун ёзаман. Совет даврида олабўжисифат қаралган “Санъат — санъат учун” ақидаси менга маъқул кўринади.

Энди модернизмга келсак, мен ўзимни ҳеч қачон модернчи ҳисобламаганман, бироқ бу шаклий изланишларимга монелик қилмайди. Ҳар қандай тажриба миллий адабиётга таянсагина, ҳатто шоирлар сонидан ҳам кам бўлган нозиктаъб ўқувчиларга сингсагина, ўзини оқлайди. Тўғри, ом-малашиши қийин ва бу, менимча шарт ҳам эмас. Аммо шунини ҳам таъкидламоқ керакки, абстракт фикрлашдан қочадиган ижодкор бугунги кунда кўп нарсага эриша олмайди. Мутахассислар Европанинг бугунги тараққиётига бир вақтлар урф бўлган бошқа адабий, фалсафий оқимлар қаторида модерн адабиёт ҳам асос бўлиб хизмат қилганини эътироф этаётган экан, шеърятимиздаги кўзга ташланаётган бир-икки экспериментни ҳалиям “модернизм” атаб, икки-уч танқидчига хомталаш қилдириб, ёшларни абстракт фикрлашдан бездириб қўяётганимиз қанчалик тўғри бўлади? Бу билан мен эксперимент қилаётганларни оқламоқчи эмасман. Уларнинг машқларидан исталганча қусур топилади, аммо ўша қусурларни ҳам анъанавийлик таъсиридан чиқа олмай, ҳамон “гул”ни “булбул”га қофия қилаётганларнинг, “самимий ёзаман”деб ўзини овунтириб юрганларнинг шеърларидан афзал биламан.

— *Ижод столига яқинлашиб, кўлга қалам олганда олдингизга қандай вазифа ва талаблар қўясиз? Шунингдек, ижодкор масъулияти, вазифаси, бурчи каби тушунчаларга ҳам аниқлик киритиб кетсангиз.*

— Шеър ёзиш ўта интим ва субъектив ҳолат. Шунинг учун у бошқаларга қизиқ бўлмаслиги мумкин. Шеърнинг қоғозга тушиш жараёни ҳар хил кечеди. Баъзан йиллаб шеър ёзиш ниятида қўлимга қалам олишдан чўчиб юрман, лекин бу — ижод тугади, деган гап эмас. Кўпроқ таржима билан шуғулланаман, мақолалар ёзаман. Мақолаларим дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб, чоп этиляпти. Бу — Интернет берган имконият. Шеър ёзаётган пайтда эса олдимга фақат битта талаб қўяман: ёмон ёзишдан кўрқмаслик. Бу ич-ичдан гупириб келаётган туйғуними, фикрними ўзига хос тарзда дадил ифода қилишга имкон туғдиради. Ҳадеб “мукамал ёзаман” дея чираниш одамни менинг услубим — мана шу, дейдиган бирор бир шаклга банди қилиб қўйиши мумкин.

— *Китоб танлаш борасида қандай мезонларга риоя этасиз? Китобхон, айни чоғда профессионал ижодкор сифатида миллий ва жаҳон адабиётидаги қайси ёзувчи-шоирлар асарларини юксак баҳолайсиз?*

— Бу масалада жараённинг ичида юрган одамга осон. Кўп ўқиганингиз сари нимани ўқиш муҳимлигини ҳам англаб бораверасиз. Баъзан битта яхши, ўзингизга керакли китобни топгунча вақтингизни унга ишора берувчи ўнлаб китобларни ўқишга сарф этишга тўғри келади. Камроқ адашиш учун ўша китоблардаги “йўл ҳаракати белгилари”га риоя қилган маъқул. Чунки яхши китоб ҳеч қачон алдамайди ва сиз истаган, излаётган бошқа бир китобни топишга йўналиш беради. Шу маънода, “XXI асрда ислом: постмодерн дунёда қиблани топиш” китобини таржима қилиш жараёнида ўзимча жуда кўп муаллифларни кашф этдим. Постмодернизм фалсафасига оид анча китобларни варақладим. Афсуски, Ж.Деррида, Ж.Лиотар, Ю.Ҳабермас сингари файласуфларнинг аксарият асарлари рус тилига ҳам таржи-

ма қилинмаган, инглиз тилидагилари эса бизгача етиб келмайди. Қанийди, ўша файласуфларнинг асарлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинса...

Кейинги йилларда адабий асарлардан кўра фалсафий асарларни кўпроқ ўқияпман.

Адабиётда ҳам урф деган нарса бор, кўпинча одамни алдаб қўяди. Турли шов-шувларга ишониб, яқин икки-уч йил ичида япон ёзувчиси Ҳаруки Мураками ва Пауло Коэльонинг бир нечтадан романини ўқиб, кейин кетган вақтимга ачиндим. “Мустабиднинг паймонаси” (Г.Гарсиа Маркес), “Эски пойтахт” (Ясунари Кавабата), “Замондошларнинг ўйинлари” (Кендзабуро Оэ) романларини ўқиган киши учун боягилар ўртамиёна бир ёзувчи бўлиб қолади. Лекин кейинги вақтларда иккита буюк ёзувчи: Ўрхон Помук (Туркия) ва Милорад Павични (Сербия) кашф қилдим. Бироқ Павичнинг постмодерн адабиётнинг буюк намунаси бўлган “Ҳазар луғати” романидан сўнг “Темир парда”, “Шамолнинг ички тарафи” сингари тўрт-бешта асари қўлимга тушдию ҳафсалам пир бўлди. Булари ўша буюк романга аянчи бир пародияга ўхшаб қолган. Шоирлардан Шамшод Абдулла, Аркадий Драгомощенконинг энг эҳтиросли кечинмаларни ҳам шивирлаб, минг бир пардага ўраб ифода этиладиган сокин шеърларини маъқул кўраман. Шеърнинг мўъжизалиги шундаки, у шеърхонни **“великолепные птицы океана// на голубаватых веках вылепленного вина”, “по нити спиртом сгорают волокна влаги”, “откуда лучится это отсутствие”** сингари ташбеҳлар билан сеҳрлаб қўяди. Шеър янгилик бўлиши учун шаклнинг унчалик аҳамияти йўқ.

Шу ўринда рус тилида ижод қилувчи икки-уч ҳамюртимизнинг “муқобил адабиёт” деган даъволар билан чоп этилган “Арк” тазкирасига муносабат билдириб ўтмоқчи эдим. Ўзларини постмодернист романнавис деб атаган бу ёзувчиларнинг асарларини ўқиб, тўғриси, назарга илинадиган бирон бир янгилик топмадим. Ўртамиёналикни “муқобил адабиёт” деб оқлаб бўлармикан?

Албатта, булар — менинг ўта шахсий таассуротларим.

— Одатда ҳақиқий мунаққид, заргар мисоли, адабиёт хазинасига келиб қўшилаётган турфа тошларнинг асилени сохтасидан ажратиб беради. Шу тариқа у ҳам чинакам адабиётни, ҳам китобхоннинг дидини ҳимоя қилади. Сўнгги кезларда ўзбек адабий танқидчилиги хусусида билдирилаётган мулоҳазаларнинг аксарияти танқидий руҳда. Сизни адабий танқидчиларимиз фаолияти қониқтирадимиз?

— Нима учундир умр бўйи фольклор ёки мумтоз адабиёт билан шуғулланиб юрган баъзи олимларнинг бир думалаб модерн, постмодерн экспериментлар танқидчисига айланиб қолганига ҳайрон бўласиз. Бунга адабий-танқидий қарашлари ўтган асрнинг 50-60-йиллари даражасида қолиб кетган баъзи ёзувчиларнинг ҳам уриниб кўраётганига нима дейсиз! Албатта, эксперимент қилиб юрганлар ичида китоб кўрмай “мулла” бўлганлари ҳам кўп. Қизиғи шундаки, уларни танқид қилаётганларнинг савияси ҳам ўшалардан бехроқ эмас. Бундан ҳар бир адабий жараён ўзининг танқидчисига муносиб, деган хулоса чиқмаслигини истар эдим. Назаримда, бундай танқидчилар адабиётга фойдадан кўра зиён келтиради.

— Узр, мулоҳазаларингиз жуда кескин. Сизнингча, танқидчилар нима қилиши керак?

— Бугун танқидчилар “одамни қўрқутмай” (Абдурахмон Жомий таъбири — Ф.Н.), ўша тажрибаларнинг моҳиятини бор камчилигу ютуқлари билан очиб бериши керак. Хўш, улар шунчаки эрмак бўлса, нега бир-иккита тасодифий эксперимент билан чекланмай бутун бошли оқимга айланиб кетди? Уларнинг илдизларини фақат Фарбдан излаш тўғримики? Эксперимент асарларда ўзбекча фикрланаётган, тилнинг имкониятлари ўзгача бир тарзда истифода этилаётган бўлса, нега улардан ёзғирамиз? Нега йўл қўйилаётган хатоларни атрофлича таҳлил қилмай, кўр-кўрона инкор этамиз? Айтайлик, мен япон ёки корейс тилини тушунмайман, лекин бу билан уларнинг мавжудлигини ва ўша тилларда миллионлаб одам сўзлашишини инкор қилолмайман-ку?! Нега энди бир-икки танқидчи тушунмаган модерн, постмодерн изланишлар жамоатчиликка арзимаган ёки таги пуч нарса деб кўрсатилиши керак? Афсуски, мен ҳалигача беш-олтита китоби ўзбек ва бошқа тилларда нашр қилинган, ёши ҳам элликни қоралаб қолган Абдували Қутбиддин, Баҳром Рўзимухаммад сингари шоирлар ёки ёзувчи Назар Эшонқул ижоди ҳақида бирор жўяли таҳлилий мақола ўқиганим йўқ. Агар уларнинг асарлари ҳеч нарсага арзимаса, нега буни исботлаб бера олмаямиз? Мабодо, арзиса, ўша томонларини кўрсатиб берадиган теран адабий-фалсафий тадқиқотлар қани?

— Энди гапни сал бошқа тарафга бурсак. Одатда, телесериаллар ҳақида сўз борганда, ижобийдан кўра салбий фикрлар кўпроқ айтилади. “Чўзма сақич”, “обаки”, “сўргич қанд” ва яна турли номлар билан аталаётган сериаллар дидни ўтмаслаштираётгани, савияни тубанлаштираётгани — аччиқ ҳақиқат. Одамлар сериалга нега бу қадар ружу қўймоқда? Бу хусусда фикрингиз қандай?

— Миллат ҳам, таъбир жоиз бўлса, бир иссиқ жон. Унинг пешонасида ҳам “қизамиқ”, “қизилча” сингари хорижий маиший сериаллар билан бир оғриб олиш ёзиғи бор. Масалан, Россияда қайта қуриш давридан бошланиб, ўн беш йиллар чамаси давом этган Лотин Америкаси сериалларига ўчлик илллати барҳам топди. Бироқ уларнинг ўрнини Россиянинг ўзида суратга олинаётган олди-қочди сериаллар эгаллаб бормоқда... Шу маънода, телесериаллар “иммунитети бўлмаган” томошабин учун афюндай гап: бир кун кўрмаса, хумори тута бошлайди. Баъзан кап-катта одамларнинг ҳам “кеча нима бўлди — фалончи уйландими ёки ажрашдимиз?” қабилида бир-бирига савол бераётганини кўриб ҳайрон қоласиз. Гоҳида омманинг томошага ўчлик ҳиссини суиистеъмол қилмаяпмизмикан, дейман-у, бунда ўзимнинг ҳам тирикчилик қўйидаги ҳиссам борлигидан уялиб кетаман... Лекин унда телевизорни нима билан “тўлдирамиз”? Ҳозир ўзимизда ишланаётган ва теле-киношунослар оғзидан бол томиб мақтаётган чучмал “ёндим-куйдим” матоҳлар биланми? Масалан, “Келгинди келин” фильми телеэкранга чиқди. Бир мард топилмадики, сценаристу режиссёрга қарата, э, опа ёки оғайни, “келин” сўзининг ўзи “келгинди” деган маънони билдиради, бу ошқора тавтологиyanинг кимга кераги бор, дейдиган. Фильмнинг сюжети-ку гапиришга ҳам арзимамайди. Лекин бунақа “асар”ларни телевидение билан газеталар мақтаб тургандан кейин ўша режиссёрнинг бундан ҳам бачкана нарсаларга қўл урмаслигига ким кафолат беради?

Хуллас, яқин ўртада томошабинни телевизордан узиб олиш қийин. Посовет мамлакатларда ўтказилган бир сўров натижасига кўра, телевизор биринчи, радио иккинчи, газета-журналлар учинчи, ривожланган Фарб мамлакатларида эса бунинг тескариси, яъни газета-журналлар биринчи, радио иккинчи, телевидение учинчи ўринда турар экан. Хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг.

— *Холис айтадиган бўлсак, сиз таржима қилган “Сарой жавоҳири” телесериали бетакрор жозибаси, юксак бадиий савияси билан миллионлаб томошабинларда катта таассурот қолдирди. Гарчи муҳит, давр ва қаҳрамонлар мутлақо бегона бўлса-да, сериал томошабинни оҳанрабо каби ўзига жалб этди. Жанубий Корея киносанъаткорлари суратга олган мазкур сериалнинг бу қадар муваффақият қозонишида таржимоннинг ҳам ҳиссаси катта экани мутахассислар томонидан эътироф этилди. Айтинг-чи, сериал қайси жиҳатлари билан сизни таржимага ундади?*

— Мени аввало ўрта асрларга хос муҳит, маҳоратли актёрлар, сахнавий ҳолатларнинг ҳаққонийлиги, мукамал режиссура, сюжет таранглиги, сарой этикети, овқат пишириш ва дори-дармон тайёрлашга оид маълумотларнинг кўплиги, ўта интим туйғуларнинг ҳам шарқона одоб доирасида кўрсатилиши каби хусусиятлар мафтун этди. Бор-йўғи, Мин (Чин, Хитой) империясининг вассали ҳисобланган ўрта асрлардаги Корея ҳукмдори саройида ҳокимият учун шу қадар кураш, бойлик орттириш йўлида тўхтовсиз фитнаю сотқинликлар кечган экан, ўзимизнинг тарихимизда дунёни сўраган, империялар барпо этган султону амирлар саройидаги аҳвол бундан минг карра чигал ва мураккаб бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Афсуски, биз уларни кўрсатиб бера олмаёмиз. Менимча, миллат шуурига, она Ватанга, тарихга, улкан маданиятга бўлган муҳаббатни тарихий саналарни қайд этиш билангина эмас, муайян давр кишиларининг ижтимоий аҳволию турмуш тарзи баробарида психологияси ва кечинмаларини жонли, таъсирли қилиб кўрсатиб бериш орқали сингдириш мумкин. Сериаллар миллатнинг улғворлиги, буюк тарихи билан бирга унинг табиатидаги салбий жиҳатларни ҳам ифода этишдан қочмаслиги лозим. “Сарой жавоҳири” айнан шу хусусиятлари билан ҳам ибратлидир.

— *Ўша сериаллар таржимасини ижод намунам деб айта оласизми?*

— Йўқ, уларни асосан қалам ҳақи учун таржима қилганман. Ҳақиқий ижод эса тамадан ҳам, манфаатдан ҳам холи бўлади. Агар ўша таржималарга кўшиб, радиосериал учун ёзилгану таҳрир қилинган матнларни ҳам ижод деб атайверсам, бу дунёда мендан графومان одам бўлмас эди. Фақат бир-икки китоб таржимасини мана шу матнлар қаторига қўшишдан қизғанаман.

— *Ўн йил бурун Ҳиллари Клинтоннинг “Бир болага етти маҳалла ота-она” китобини ўзбекчага ўгириб, катта таржимага қўл урган эдингиз. Кейинроқ бир қанча сериал, бадиий ва ҳужжатли фильмларни ўзбекчалаштирдингиз. Лекин улар орасида энг сўнгги таржимангиз — инглиз каломшунос олими Тимоти Уинтернинг (Абдулҳаким Мурод) “XXI асрда ислом: постмодерн дунёда қиблани топиш” китоби сиз учун алоҳида қадрли бўлса керак. Чунки инг-*

лиз тилида ёзилган бу диний-фалсафий асар таржимасини ўқиган киши уни ўзбекчалаштириш учун таржимон нақадар заҳмат чекканини сезмаслиги мумкин эмас. Мураккаб фалсафий тушунчалар, нозик исломий истилоҳларни англаб етиш уларнинг ўзбекча муқобилини топа билиш ижодкордан катта маҳорат ва билим талаб этади. Шундай эмасми?

— “Бир болага етти маҳалла ота-она” — менинг инглиз тилидан тўғридан-тўғри таржима қилган илк катта китобим. Ундан олдин ҳам русчадан ўгирилган кўплаб сиёсий ва бошқа адабиётлар таржимасида қатнашганман. Аммо Т.Уинтернинг китоби анча қийнагани ва уч йил вақтимни олгани рост. Баъзан, шунинг ўрнига докторлик диссертациясини ёқлашим осонроқ бўлар эди, деб ҳазиллашиб ҳам қўяман. Уни қизганишимнинг боиси ҳам шу. Тўғриси, бу китоб таржимаси менга ҳар жиҳатдан фойда бўлди. Асардаги кўплаб атамалар моҳиятини тушуниб етиш учун постмодерн фалсафаси билан ҳам жиддий шуғулландим. Умуман олганда, таржиманинг ижодкор шахсига таъсири катта. Кимдир уни энг яхши мутолаа воситаси деб айтган эди.

— Бугун айрим Фарб олимлари цивилизациялар тўқнашуви, исломий ва насроний тамаддун ўртасидаги кураш тўғрисида ёзмақда. Исломофобия дарадига чалинган яна бир гуруҳ мутахассислар эса ислом ва террор тушунчаларини чоғиштириш билан вақт ўтказмоқда. Хўш, пировардида оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бундай “тош отиш”ларнинг олдини олиш мумкинми? Асар таржимаси устида ишлаш жараёнида мазкур савол хаёлингиздан бот-бот ўтган бўлса ажаб эмас...

— Фарбнинг нафақат сиёсий ёки иқтисодий, ҳатто маданий босқини замирида динлар ўртасидаги мулоқотни йўлга қўйишдан кўра, уларни ўзаро тўқнаштиришга мойиллик, ўз динини ўзга динлардан афзал билиш яширингани сезилиб туради. Бу ҳол кейинги вақтларда исломга бўлган муносабатда айниқса кўзга яққол ташланяпти. Буни Т.Уинтер китобида жуда яхши таҳлил қилиб берган. Шу маънода у бир мисол келтиради. Агар қайсидир насроний диний ташкилот ёки ушбу динга мансуб киши Британияда террорчилик содир этса, бирор руҳоний дарҳол телевидение орқали ҳодиса сабабларини таҳлил қилиб, бунинг динга алоқаси йўқлигини таъкидлайди; мабодо, худди шундай хатти-ҳаракатни ислом динига мансуб ташкилот ёки шахс содир этса борми, худо урди деяверинг — дин пешвосининг тушунтиришу изоҳларига изн берилмайди. Оқибатда жамиятда “ислом терроризми” деган мутлақо асоссиз айблов пайдо бўлади ва муайян меъёр шаклини олади. Бундан айниқса, бундан устомон сиёсатчилар жамиятдаги муаммолардан жамоатчилик эътиборини чалғитиш, ҳатто террорчи сифатида гумон қилиниб Лондон марказида отиб ташланган бразилияликнинг ўлимида жавобгарликни ўзларидан соқит қилиш учун фойдаланиб қолишга уринади. Энг даҳшатлиси, улар одамларни бунга ишонтиришга эришяпти ҳам. Натижа эса маълум: мусулмонларга қарши диний ва ирқий камситишлар оддий ҳолга айланиб бормоқда, ҳатто оммавий аҳборот воситалари Муҳаммад алайҳиссаломни карикатура қилиш орқали бутун дунё мусулмонларининг диний туйғуларини таҳқирламоқда. Айни ҳолнинг сўз эркинлиги деб баҳоланаётгани янада ачинарлидир. Эътибор берган бўлсангиз, дунё мусулмонлари норозилик билдириб чиққан бўлсада, насронийликни таҳқирлагани йўқ.

Аслида терроризм ҳеч бир динга хос эмас. Террорчи барча динлар вакиллари орасида ҳам бўлиши мумкин. “Ислам терроризми” деган тушунча Фарбнинг ғаразли сиёсати оқибати, холос. Сиз айтган ихтилофларнинг олдини олиш йўли битта, у ҳам бўлса, динлар ва тамаддунлараро самимий мулоқотдир.

— Юртимизда Интернет журналистикасининг ривожланиш суръатини қандай баҳолайсиз? Оммавий ахборот воситаларининг янги тури ҳисобланган бу йўналиш, сизнинг назарингизда, қандай тамойилларга асосланиши, қандай мезонларга таяниши лозим?

— Интернет бизда ҳам оддий бир воқеликка айланиб бормоқда. Бугун унинг имкониятлари ҳақида гапириб ҳеч кимни ҳайратга сололмайсиз. Агар Интернетдан фойдаланувчилар ҳақидаги статистик маълумотларга эътибор қилсангиз, Ўзбекистонда уларнинг сони кун сайин эмас, соат сайин ўсиб бораётганига амин бўласиз. Бугунги кунда Интернет журналистикаси энг жадал ривожланаётган соҳа. Аини ҳол Ўзбекистонда рўй бераётган янгилликларни ўзбек, инглиз ва рус тилларида бир неча дақиқада бутун дунёга тарқатиш имконини бераётир. Бироқ бу соҳада кескин сифат ўзгариши бўлишига бир-икки қовун пишиғи бор, шекилли. Негаки, пайдо бўлган техник имкониятлардан унумли фойдаланиш учун зарур ижодий имкониятларимиз ҳали қониқарсиз, чет тилларни етарлича билмаслигимиз етмаганидек, Интернет учун тайёрлаётган материалларимиз сифати ҳам хийла ночор, бугунги кун талаби даражасида эмас.

— Янги аср мўъжизаси саналган Интернет тараққиёт суръатини тезлаштиргани бор гап. Лекин, шу билан бирга, бузгунчи мафкуралар, зарарли ғоялар макони бўлиб қолаётган жаҳон компьютер тармоғи турли мамлакатлар, хусусан, ривожланаётган давлатлар учун катта муаммолар келтириб чиқараётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Дунёни ўргимчак тўри мисол қамраб олган бу ахборот тармоғининг салбий оқибатларига қарши, сизнингча, қандай курашиш мумкин?

— Бу — ҳамманинг бошини қотираётган муаммо. Интернет инсониятга ахборот алмашиш суръатини ниҳоятда тезлаштириб юборган восита сифатида қанчалик наф берган бўлса, таассуфки, ундан келадиган зиён ҳам кам эмас. Унга чеклов жорий этиш орқали курашиш мутлақо самарасиз йўлдир. Биринчидан, Интернетга қарши мингта чеклов қўйган билан уларни прокси серверлар ёрдамида айланиб ўтиш йўллари кўп, Интернетдан фойдаланувчи ҳар бир киши буни яхши билади. Менимча, бу борада энг самарали йўл — ёшларга ахборот оқимидаги ҳақиқатни ёлғондан ажратиб олиш имконини берувчи маърифий тарбия тизимини шакллантиришдир. Ҳар бир нарсанинг яхши тарафи ҳам, ёмон тарафи ҳам бор, соддароқ қилиб айтганда, пиёлада чой ичиш ҳам, у билан уриб бошни ёриш ҳам мумкин.

— Республика Миллий матбуот маркази деганда, мамлакат журналистлари, оммавий ахборот воситалари бошини қовуштирадиган, уларга ижодий кўмак берадиган ташкилот тушунилади. Ана шу марказ раҳбари сифатида фаолиятингиздан кўнглингиз тўладими? Ташкилот ишини янада жонлантириш учун яна нималар қилиш керак деб ўйлайсиз? Мавриди келган

да, тагин бир нарсани сўрамоқчи эдим: миллий матбуот марказлари хорижий давлатларда ҳам борми? Агар бўлса, уларнинг мақсад-вазифалари қандай? Чет эллардаги марказлар билан ҳамкорлик имкониятлари ҳақида нима дейсиз?

— Йўқ, марказимиз фаолиятдан кўнглим унча тўлмайди. У 1998 йили Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган эди. Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгариш ва ислохотлар ҳақида мамлакатимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига тезкор, ҳаққоний ахборот етказиш, журналистларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш, чет эл матбуот марказлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш унинг асосий вазифаси этиб белгиланган эди. Тўғри, бу борада озми-кўпми иш қилиняпти. Бироқ кўнгилдагидек эмас. Сабаби — айримларини истисно қилганда, аксарият вазирлик, идора, ташкилот ва корхона раҳбарларининг, матбуот хизматларининг ахборот воситалари билан ишлашдан чўчиши ёки бунга иккинчи даражали иш деб қарашидир. Матбуот конференцияси, брифинг ёки тақдимот маросими ўтказишни сўраб йил давомида уларга бир неча бор мурожаат қиламиз. Афсуски, кўпинча улардан амалий жавоб бўлмайди...

Бундай марказлар чет элларда ҳам бор, албатта. Уларнинг фаолияти ҳам бизникидан унчалик фарқ қилмайди. Келажакда бориб, уларнинг тажрибасидан ўрганиш, марказимиз фаолиятини янада жонлантириш ниятимиз бор.

Собиржон ЁҚУБОВ суҳбатлашди.



Bahorlari ketib borar, bilmaslar

*Ҳаммаси жойида,
Бари ҳақиқат:
Гарчанд бошимда қор — туман аралаш,
Севганимдан буён
Бирор дақиқа
Боқмабман ишқингга гумон аралаш.*

*Ҳаммаси жойида,
Бари ҳақиқат:
Билдим, шубҳа абад чин дўстинг санинг.
Ва яна билдимки,
Севганингдан буён
Бирор дақиқа
Севгим ростлигига ишонмаганинг.*

*Ҳаммаси жойида,
Бари ҳақиқат:
Биз нашлаб кетганмиз, кошона, кўшк йўқ.
Энди қололмасман
Бирор дақиқа,
Гумон, туман жойда — ишқ йўқдир, ишқ йўқ.*

НЕЧУН ШОДМАН ГОҲО...

Менинг карвонларим чарчади чоғи,
Туялар тиззалаб ётаётгандай.
Кўксимдаги ўқлар — неларнинг доғи
Ҳалиям янгидай, ботаётгандай.



Йўллар тунга қараб кетди чамаси,
Имиллаб силжийди умр кемаси.
Синчков тикиламан, ҳорғин ҳаммаси,
Аммо... нечун гоҳ тонг отаётгандай?

Неча савол бўлдим, неча минг ечим,
Минг ёлгон қулатди, тиклади минг чин.
Умр тунга оққан. Аммо мен нечун
Бу йўллардан энди ўтаётгандай?

Умр тунга оққан,
Ёртиманми, бут,
Гоҳ-гоҳ томчи ташлаб ўтади булут...
Кўнглимга қарасам — бир четида ўт,
Кўнглимнинг бир чети тутаётгандай.

Нечун шодман гоҳо ютаётгандай...

ЗИЛЗИЛА

Зилзила. Худдики бузилган ини
Қушлардай тўрт томон чопар одамлар.
Ёвуқлаб келгандай қиёмат куни,
Чинқириб бир-бирин топар одамлар.

Бир-бирини излаб
Учар худди ўқ
Телбаҳол, бир-бирин сўраб югурар.
Ўзи ширяланғоч, ўзи эсда йўқ,
Гўдагин латтага ўраб югурар.

Билмаслар,
Қаёнга оғиб борар ер.

Сўнги кун келгандай Даҳру Давборга
Одам “Болам қани?”,
“Отам қани?” дер
Қулаб тушаётган синчга, деворга.

Одамлар,
Одамлар, фақат едингиз,
Кийдингиз, тебратиб бўлмади сизни.
Зилзила келгунча қайда эдингиз,
Нечун топмадингиз бир-бирингизни?!

Кўрмай оёқнинг остидан нарини,
Излаш фақат ерлар ютар чоғдами?
Кўриб қолгандами бақо жарини,
Зилзила ёқангдан тутар чоғдами?

Бир бор ўгримладинг
Сўлу соғингга,
Англамадинг
Кимлар, нечун солар дод?
Ҳей одам,
Бир-биринг қидирмоғингга
Наҳот зилзилалар шарт бўлса,
Наҳот?!

ЙЎЛДАДИРМАН

Йигирма йил ўтди интизорликда...

Андрей Вознесенский

Сиз кутасиз. Мен ҳам бораман.
Учиб бородурман худди ўқ.
Фақат... олдин хат юбораман,
Ўша хатни ёзганимча йўқ.

Кўнгил ичга тўкиб борини
Бир йил, ўн йил ўтди, бу кўпми?
Айрилиқнинг алафзорини
Биргалашиб ўрамиз, хўпми?

Йигирма йил, ўттиз йил ўтди,
Қўзингизга малол инмасми?
Ўттиз йиллаб эволаган ўтни
Ўрар чоги чалги синмасми?!

Қирқ йил ўтди. Мен тез бораман,
Ранжимангиз, гувоҳ еру кўк!
Фақат... олдин хат юбораман,
Хатни... ҳали ёзолганим йўқ.

Учиб бородурман худди ўқ,
Бу ҳолатни қандай шарҳлайман?
Борган сари ўрмонзор қуюқ,
Мен куйиниб чалги чархлайман.

Сиз кутасиз. Мен ҳам бораман...

БИР АЁЛ ҚАЙҒУСИ

Мен ёниб тугагунимча Сиз
Менинг кимлигимни билмадингиз.

Имант Зиедонис

Қоронғида эдингиз —
Мен чорламоқчи бўлдим.
Тун ютиб кетмасин деб,
Кўзи тўрт соқчи бўлдим.
Бор дунёни унутиб
Сизга пойлоқчи бўлдим.

Сиз турган жойингиздан
Бир қадам жилмадингиз.
Мен ёниб тугаяпман,
Сиз ҳамон билмадингиз.

Жилгадай гирдингизда
Чопганим чопган бўлди.
Сиздан мўъжизаларни
Топганим топган бўлди.

Қадаҳдай қирғоғингиз
Ўнганим ўнган бўлди,
Бўшаган жом экансиз,
Қайтиб ҳеч тўлмадингиз.
Мен ёниб тугаяпман,
Сиз ҳамон билмадингиз.

Мен оҳ урдим, оҳ кекса-
ёшларни тирилтирди.
На кекса-ёш, бори дин-
дошларни тирилтирди.
Тоғларда ётган харсанг
Тошларни тирилтирди.
Сиз тирилмадингиз, йўқ...
Ёинки ўлмадингиз.
Мен ёниб тугаяпман,
Сиз ҳамон билмадингиз.

Билмадим, мисмидим ё
Тилла танга — кетдим ҳайф.
Умрим бўйи бесамар
Кирдим жангга — кетдим ҳайф.
Қоронғида ботқоққа
Михланганга кетдим ҳайф,
Қай оловларда куйиб
Ўтди жон, билмадингиз,
Мен ёниб тугаяпман,
Сиз ҳамон билмадингиз.

ЎЛДИРАР КҮЧ

Тирикмисан, шохлар ташлаб уч,
Қуёш янглиғ ўрлайбер тикка.
Тирикмисан, ўзинг қудрат, куч,
Қўрқинч нарса борми тирикка?

Қўрқма, баланд юришни ўрган,
Бир шеригинг бўлса, доғинг йўқ.
Боқ, Сенинг атрофингда юрган
Одамларнинг сон-саногини йўқ.

Ўлимдан ҳам қўрқмоқлигинг пуч,
Умр тугар бир нола, чўзиқ.
Ернинг остида одамлар зич,
Ўлимдан ҳам қўрқишинг қизиқ!

Мен ёлғизлик сирини очдим,
Ундан қўрқмай бўлмайди, ёху!
Ундан қочгин, бир умр қочгин,
Қувиб етса, ўлдирар куч — шу.

БИЛМАСЛАР

Махтумқули оҳангида

Кўрдим қишлоқ, гўзал шаҳарлар кўрдим —
Оҳорлари кетиб борар, билмаслар.
Жамалаксоч пари-пайкарлар кўрдим —
Баҳорлари кетиб борар, билмаслар.

Тугмак бўлса етмас белбоғ учлари,
Дунё молин маҳкам тишлар тишлари —
Боғларининг ширинзабон қушлари,
Олқорлари кетиб борар, билмаслар.

Отлари-я, қорабайир отлари
Гижинглайди, деб ўйласам, додлади,
Ёли бўрон бўлганлигин ёдлади —
Шунқорлари кетиб борар, билмаслар.

Кузатиб бу дунёнинг ўр-қирини,
Билмай қолдим келмак-кетмак сирини.
Ёлгон ёрлар алдашиб бир-бирини,
Чин ёрлари кетиб борар, билмаслар.

Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда,
Мен шеър айтсам, айтмадим тил учинда.
Бу талотўп, қув-қув, чоп-чоп ичинда
Ҳалима ҳам ўтиб борар, билмаслар.

FRANSUZ TILI SABOQLARI

Ҳикоя

Қизик, нима учун худди ота-онамиз олдидагидек ўқитувчиларимиз олдида ҳам ўзимизни доим айбдор ҳис этамиз? Мактаб даврида рўй берган воқеаларни деб эмас, йўқ, кейинги ҳаётимиз учун ҳам...

* * *

Бешинчи синфга мен 1948 йили борганман. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсам: қишлоғимизда фақат бошланғич мактаб бор эди, ўқишни давом эттириш учун эса уйимиздан эллик чақиримча нарига — туман марказига бориш керак. Мен кетишимдан бир хафталар олдин онам туманга бориб бир таниши билан гаплашиб келди — ўша аёлнинг уйида яшайдиган бўлдим. Августнинг сўнгги куни қишлоғимизда ягона “полуторка” мошинасининг ҳайдовчиси Ваня амаки Подкаменная кўчасидаги мен яшашим лозим бўлган уй олдида юқларимни туширди ва кўрпа-тўшагим ўралган тугунни уйга олиб киришга қарашиб юборди. Хайрлашаётиб елкамга дўстона бир қоқиб қўйдию жўнаб қолди. Шундай қилиб, ўн бир ёшимда мустақил ҳаётга қадам қўйдим.

Хали очарчилик йиллари, биз эса оилада уч фарзанд эдик. Мен онамнинг тўнғичи эдим. Баҳор ойлари, айниқса, иликузилди маҳали очликдан картош-ка муртаги, сули, жавдар донини ютган ва бунга синглимни ҳам мажбур қил-



ган вақтларим бўлган. Биз гўёки қорнимизга уруғ экардик ва шу билан ўзимизни чалғитардик, хадеб обу овқат ҳақида ўйлайвермасдик-да. Кейин ёз бўйи бамисоли шу эккан уруғимизни Ангаранинг чучук суви билан обдон суғорардик, аммо ҳосилдан ҳадеганда дарак бўлавермас ёки у жуда секин ўсаётганиданми, биз буни пайқамас эдик. Шунга карамай, мен, бу уринишим чакки эмас, бир кун келиб албатта одамларга нафи тегади, биз эса тажрибасизлигимиз сабабли ниманидир нотўғри қилган бўлсак керак, деб ўйлар эдим.

Қандай қилиб онам мени туманга (туман марказини ҳамма қискагина “туман” деб қўя қоларди) юборишга қарор қилган экан, ҳеч ақлимга сифмайди. Бошимизда отамиз йўқ, турмушимиз жуда абгор эди. Афтидан, онам обдон ўйлаб кўргану бундан баттари бўлмаслигига кўзи етган. Мен яхши ўқирдим, мактабга ҳам жон-жон деб борардим. Умуман олганда, қишлоқда энг саводли бола ҳисобланардим. Кампирларга келган хатларни ўқиб, жавоб ёзиб берардим, ғарибгина кутубхонамиздаги бор китобни аллақачон ўқиб чиққан эдим. Кечқурунлари болаларга ўқиган китобларимдаги ҳар хил воқеаларни ўзимдан ҳам қўшиб-чатиб гапириб берардим. Айниқса, облигация масаласида қишлоқ аҳли менга каттиқ ишонарди. Уруш йиллари одамларнинг қўлида анча-мунча заём йиғилиб қолган, ютуқ жадваллари ҳам тез-тез эълон қилинар, шунда ҳамма облигациясини қўтариб менинг олдимга келар эди. Уларнинг айтишича, менинг қўлим омад келтирармиш. Тўғри, ютуқ ҳам чиқиб турарди-ю, кўпинча бу арзимаган бир чақа-чуқа эди. Аммо ўша йиллари одамлар шунга ҳам хурсанд бўларди, тағин денг, қутилмаган бу омадга гўё мен сабабчи эдим. Беихтиёр бу хурсандчилик менга ҳам юқарди. Бошқа болалардан мени арзанда қилиб, ҳатто қорнимни тўйдириб ҳам туришарди. Бир гал Илья отага — асли зикнароқ, ҳасис чолга тўрт юз сўм ютуқ чиқиб қолди. Қизиқ устида у менга бир челақ картошка бериб юборса денг — айна кўклам чоғи буни нақд кўзимизга суртган эдик.

Айнан шу — облигация рақамларининг фарқига борганим учун ҳам одамлар онамга, “Ўғлинг



Ҳар қандай улкан ижодкорнинг ҳам барча асарлари бирдек тўқис, мукаммал бўлавермаслиги маълум. Қолаверса, бу китобхоннинг таъби, дид-савиясига ҳам боғлиқ масала. Дейлик, муаллифнинг машҳур асарлари қолиб гоҳо чандон тилга тушмаган бирор битигига айниқса мафтун бўлиб қоласиз, уни қайта-қайта мутолаа қилиб тўймайсиз, бошқаларга ҳам сўзлаб бергингиз келаверади. Агар ўша асар бирон хориж адабиётига мансуб бўлса, уни она тилингизда ўқиш, имкон топилса, ўқитиш истаги туғилади...

“Умрбод ёдингда тут”, “Матёра билан видолашув”, “Паймона”, “Ёнғин”, “Отаси ҳам Иван, боласи ҳам Иван”, “Марияга пул керак” (шуниси бизнинг камтарона таржимамиз) сингари йирик, пурмағз асарлари билан шуҳрат қозонган атоқли рус адиби Валентин Распутиннинг “Француз тили сабоқлари” ҳикояси менга ана шундай бадийий мўъжизалардан бўлиб туюлади.

Ақсарият асарлари ўзбек китобхонига таниш муаллифнинг мазкур ҳикояси таржимасини журналхонларга тақдим этишдан мақсад шу.

Таржимон

зехн-фаросатли бола, сен уни албатта ўқитгин. Билимли одам ҳеч вақт хор бўлмайди”, дер эди.

Шу гаплар ҳам туртки бўлдим, билмадим, хар қандай қийинчиликка қарамай онам мени туманга ўқишга юбориш ҳаракатига тушиб қолди. Шу чоккача қишлоғимиздан бирорта бола туманда ўқимаган, мен биринчиси эдим. Қолаверса, у ерда мен бечорагинани қандай синову машаққатлар қутаётганини ҳали тасаввур ҳам қилолмас эдим-да.

Тумандаги мактабда ҳам яхши ўқий бошладим. Бошқа нима ҳам қилардим — ўқигани келдим-ку бу ерга, шундан ўзга ташвишим бўлмас! Яна денг, у вақтларда ҳали зиммамдаги вазифага хафсаласизлик билан қараёлмасдим. Агар бирор фандан тузукроқ тайёрланмаган бўлсам, мактабга бўйнимдан боғлагандек зўрға борардим. Шунинг учун ҳам француз тилидан бошқа барча фандан баҳоларим “аъло” эди.

Француз тилини эса дуруст ўзлаштиролмасдим. Мен сўзларни ва уларни қўллашни яхши эслаб қолар, тезда таржима ҳам қилар, имло қоидаларига доир мураккабликларни-да осонгина енгиб ўтган эдим-у, талаффузга келганда, сочимдан то тирноғимгача асл ангаралик эканим фош бўлиб қоларди. Ахир, биз томонларда умри бино бўлиб бирорта одам чет тилда гапирмоқ тугул, ҳатто унинг борлигини билган бўлса, шунинг ўзи ҳам қатта гап саналар эди-да. Мен француз тилида ўзимизнинг қишлоқча бидиллашга ўхшатиб жуда тез гапирар, бўлар-бўлмасга товушларнинг ярмини ютиб юборар, иккинчи ярмини эса хирилдоқ овозда қалаштириб ташлар эдим. Буни кўриб француз тили муаллимамиз Лидия Михайловна умидсизликдан пешонаси тиршииб, кўзларини юмиб оларди. Албатта, бунақасига у биринчи марта дуч келиши. Ўқитувчим кейин ундош товушлар бирикуви, бурун товушлари талаффузини қайта-қайта тушунтириб берарди-да, такрорлашимни сўрарди. Мен эса баттар довидарар, тилим танглайимга ёпишиб қолгандек миқ этмай тураверар эдим. Барча уринишлар бесамар эди. Ҳаммасидан ёмони эса уйга келганда билинарди, мактабда-ку беихтиёр чалғийсан — болалар бир-бирини итариб-туртади, хохлайсанми-йўқми, улар билан ўйнайсан, чошиб-югурасан, дарс пайтида — ўқийсан, ёзасан, хуллас, доим нима биландир банд бўласан. Ёлғиз қолдим дегунча, соғинчдан жинни бўлаёзардим, уйимни, қишлоғимизни қўмсаб кетардим. Илгари бир кун ҳам уйдан узоқда юрмаган, табиийки, бегоналар орасида яшашга ҳали тайёр эмас эдим. Касал одамдан бешбаттар қийналар, изтироб чекар эдим. Фикру хаёлим, ягона истагим ҳам шу эди — тезроқ уйга кетсам! Сентябрь ойининг охирларида онам келган эди, мени кўриб қапалаги учиб кетди. Озиб чўп бўлиб қолган эмишман. Онамнинг олдида ўзимни базўр тутиб турдим, арз-хол қилмадим, йиғламадим, аммо у кетаётганида чидаёлмадим — хўнгиллаганча мошина ортидан югурдим. Мошинанинг устида тик туриб кетаётган онам, қол, мени ҳам, ўзингни ҳам шарманда қилма, дегандек қўл силтади, лекин қани энди ўзимни тиёлсам! Шунда бир қарорга келди шекилли, онам мошинани тўхтатди:

— Бўпти, лаш-лушингни йиғиштир, — деди буйруқ оҳангида мени етиб боришим билан. — Ўқиб бўлдингиз, кетдик!

Дарҳол эсимни йиғиб олдим — изимга қайтдим.

Мен уйни софинганимдангина эмас, қорним тўйиб овқат емаганимдан озиб кетган эдим. Куз кунлари Ваня амаки туман яқинидаги ғаллахонага бугдой ташиб юрганида онам менга мунтазам, чамаси, ҳафтада бир марта ул-бул егулик юбориб турарди. Аммо шу ҳам менга кам эди. Онам асосан нон билан картошка жўнатарди. Ахён-ахёнда банкага творог солиб берворарди. Буни у бировдан нимагадир алмаштириб олган, албатта, чунки, ўзимиз сигир боқмас эдик. Келган куни кўзимга бир дунё кўринган нарсадан икки кун ўтмай ҳеч вақо қолмасди. Иттифоқо, онам юборган нон сирли равишда ғойиб бўлаётганини сезиб қолдим. Атай кузата бошладим ҳам: ха, бугун бор-у, эртаси ўз-ўзидан йўқ бўлиб қоларди. Картошка ҳам шу тарзда камайиб борарди. Ким ўғирляпти, уч боласини зўрға боқаётган бакироқ Надя холамикан? Қизларидан бирортасими ёки кенжаси Федькамикан — билмайман, уларни пойлаш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлагим ҳам келмасди. Онам укам ва синглимнинг луқмасидан қийиб менга юборса-ю, бунинг хузурини бошқалар кўрса — шуниси менга алам қиларди. Қўлимдан нима ҳам келарди, такдирга тан бериб юравердим, турган гапки, онам буни эшитса жуда хафа бўлади.

Бу ерда ҳаёт қишлоқдагидан фарқ қиларди: қишлоқда доим, айниқса, куз кунлари албатта егулик бирор нима топилади, дейлик, боғда мева-чева, томорқада сабзавот бўлади, уларни йиғиб-териш, кавлаб олиш мумкин. Ҳеч қурса, Ангарага бориб балиқ, ўрмонда эса қуш овлаш мумкин. Бу ерда эса теварак-атрофим гўё бўм-бўш эди: еттиёт одамлар, бегона жой, бегона томорқалар. Бир дарёчаси бор эди-ю, қачон қараманг, ўн қават тўр ташлаб қўйилган бўларди. Бор-йўқ балиғи сузиб олинган бўлса керак, хойнаҳой. Якшанба кунларининг бирида эртадан кечгача қармоқ ташлаб ўтириб, атиги уч дона чойқошиқдек келадиган тангабалиқ тутибман. Бу билан қорин тўйдириб бўлмаса. Қайтиб балиқ овлагани бормадим — вақтимни беҳуда сарфлаб нима қилдим! Кечқурунлари кўпинча ошхоналар олдида, нарх-навони билиш учун бозор ора-лаб айланиб юрар, кейин эса сўлагим оққанча икки қўлимни бурнимга тикиб уйга қайтар эдим. Надя холанинг ошхонасида доим чойдиш қайнаб турарди, доғ сувдан ичиб олиб ошқозонни алдардим ухлагани ётардим. Эрталаб яна оч-наҳор мактабга чопардим. Шу тариқа то юк мошина келиб, Ваня амаки эшик тақиллатадиган қунгача амал-тақал қилиб ётардим. Очликдан силлам қуригани, боз устига, ҳар қанча тежаб-тергамайин, озиқ-овқатим барибир кўпга етмаслигини билганим учун қорним ёрилгудек тўйиб олардим-да, икки-уч кундан кейин яна тишимнинг кирини сўриб юраверардим.

* * *

Сентябрнинг охирларимиди, бир куни Федька менга:

- “Чикка” ўйнагани юрагинг дов берадим, кўрқмайсанми? — деб қолди.
- Нима у, “чикка” деганинг?
- Шунақа бир ўйин бор-да, пул тикилади. Пулинг бўлса, юр, ўйнаймиз.
- Пулим йўқ-да.
- Мендаям йўқ. Майли, юр, ҳеч бўлмаса томоша қилармиз. Кўрасан, зўр ўйин!

Федька мени томорқа ортига бошлади. Икковлон тепалик ёқалаб кетдик,

куруган, хиди димокни ёргудек уруғлари осилиб ётган кичитки ўт босган чангалзор дўнгликдан ошгач, сакраб-сакраб эски ахлаттепалардан ўтдик, шунда этакдаги текис, яйдоқ майдончада ғала-ғовур қилиб ўйнаётган бир тўп болага кўзим тушди. Биз уларнинг олдига тушиб бордик. Болалар бирдан хушёр тортди. Биттасидан бошқа хаммаси деярли мен тенги эди. Баланд бўйли, бакуват, олд сочлари тиккайган бу сариқ боланинг барчага сўзи ўтиши аён кўришиб турарди. Эсладим, у еттинчи синфда ўқирди.

- Буни нимага етаклаб келдинг? — деди у Федькага қараб норози оҳангда.
- Бегона эмас, Вадик, қариндошимиз, — дея ўзини оқлай кетди Федька.
- Бизникида яшайди.
- Ўйнайсанми? — деб сўради Вадик мендан.
- Пулим йўқ-да.
- Ундай бўлса, бизни бу ерда кўрганингни бировга гуллаб юрма.
- Э, шуниси етмай турувди! — дедим хафа бўлиб.

Болалар менга ортик эътибор қилмай ўйинга берилиб кетишди. Бир чеккада ўтириб уларни кузата бошладим. Ўйинда хамма иштирок этмасди: гоҳ олти, гоҳ етти бола ўйнарди, холос. Қолганлар томошабин эди, улар асосан Вадикка тарафгир. Унинг бу ерда тўпбоши эканини бошданок сезган эдим.

Ўйин унчалик мураккаб эмас экан. Ҳар бир ўйинчи ўн тийиндан тикади, “ғазна”дан икки метрлар наридаги йўғон чизик билан чегараланган майдончага танга пукка тарафи билан ташланади, кейин бошқа ёқдан, яъни ярми ерга кўмилган ва оёқка тиргак вазифасини ўтовчи харсанг олдида туриб юмалок тош — “шайба” ирғитилади. Уни иложи борича чизикка яқинроқ жойга, аммо чизикдан чиқиб кетмаслигини кўзлаб отмоқ лозим. Ана шунда биринчи бўлиб “ғазна”ни бузиш имкони туғилади. Яна шу тош билан уриб танганинг чикка тарафини ўгириш керак, агар эплай олсанг — марра сеники, ўйнайверсан, йўқса — бошқа ўйинчига навбатни берасан. Энг муҳими, қўлингдаги тошни ирғитганда унинг танга тўпи устига тушишини мўлжаллаш даркор, бирор танганинг чиккасини ўгира олсанг ҳам ҳеч қандай гап-сўзсиз хамма пул сеники бўлади. Ўйин эса қайта бошланади.

Вадик ғирром экан. У тиргак тош ёнига хаммадан сўнг, ким-кимдан кейин эканини кўриб олгачгина келарди. Табиийки, у ютиб чиқиш учун қаерга уриш кераклигини ҳам билволган бўларди. Лекин Вадикнинг ғирром ўйнаётганини хамма билиб турса-да, ҳеч ким оғиз очишга ботинолмас эди. Тўғри, у ёмон ўйнамасди. Тиргак ёнига келганда тиззасини сал букиб олар, бир кўзини кисиб қўлидаги тошни мўлжалга тўғрилар эди-да, сўнг шошилмай қаддини ростларди — “шайба” ҳам гўё қўлидан сирғалиб чиқиб айнан кўзлаган жойига бориб тушарди. У бошини кескин бир силкиб, кўзига тушиб турган сочини орқага ташлардию бепарволик билан четга “чирт” этказиб тупуриб, гўёки иш хал бўлди, дегандек эринибгина, атай соллана-соллана босиб пул ётган жойга борарди. Агар чақа тўп бўлиб уюлиб ётса, қаттиқ урар, тангалар жаранглаб кетар эди, сочилиб ётган бўлса, ҳар ёнга қапчиб кетмай охиста чиккаси ўгирилиши учун “шайба”ни шунчаки теккизиб қўя қоларди. Бошқа ҳеч ким бундай қилолмасди. Болалар ўйлаб ҳам ўтирмай чўнтагидан яна танга чиқарар, пули йўқлар эса секингина томошабинлар каторига қўшилар эди.

Пулим бўлганида мен ҳам ўйнай олардим, деб ўйладим. Қишлоқда биз ошиқ ўйнардик, бунда ҳам албатта зийраклик талаб этилади. Қолаверса, мен мерганликни оширадиган ҳар хил эрмақлар ўйлаб топишга ишқибоз эдим. Дейлик, бир тўп тош йиғиб олардим-да, қалтисроқ бир жойни мўлжал қилиб туриб, токи тўлиқ натижага эришмагунча, яъни ўну ўн бўлмагунча отаверардим. Тошни тепадан, елкам оша ёки пастдан мўлжалга тўғрилаб олиб ирғитаверар эдим. Шунинг учун ҳам бу борада оз-моз маҳоратим ортган. Аммо хозир пул йўқ эди.

Пул бўлмагани учун ҳам онам менга нон жўнатар эди-да. Йўқса, нонни шу ердан ҳам сотиб олиш мумкин-ку. Колхозда пул нима қилсин! Шундай бўлса-да, онам икки марта конвертга беш сўмдан солиб юборибди, сут оласан деб. Ҳозирги пулда бу эллик тийин дегани. Унча кўп эмас-у, барибир пул-да. Бордан бунга биттаси бир сўм турадиган ярим литрлик беш банка сут олиш мумкин эди. Камқонлигим сабабли туриб-туриб бирдан бошим айлана бошлар, бу хол тез-тез такрорлангани учун ҳам доим сут ичиб юришим керак эди.

Онам учинчи марта бешталик жўнатганида мен унга сут олмадим. Пулни майдалади му ахлаттепага югурдим. Бу жой жуда билиб танланган эди ўзиям: кир-адирлар ўртасидаги майдонча атрофдан кўзга ташланмасди. Агар бундай ўйин ўйнаётганимизни қишлоқда бирор одам кўриб қолса, бизни қувиб солар, миршаб ёки мактаб директорини чақираман, деб қўрқитган бўлар эди. Бу ерда эса бизга ҳеч ким халақит бермайди. Кейин, узок ҳам эмас, ўн дақиқалик йўл.

Биринчи мартасига тўксон тийин, иккинчисида эса олтмиш тийин тикдим. Албатта, пулимга ачинардим, аммо ўйнаганим сайин қўлим анча келишиб бораётганини сезардим. У “шайба”ни тўғри йўналтириш учун керагича куч сарфлашга мослашди, кўзим ҳам тошнинг қаерга тушиб қаергача думалаб боришини олдиндан чамалашга ўрганди. Кечқурунлари ҳеч ким қолмаганда майдончага қайтиб келар, харсанг тагидан Вадик яшириб кетган “шайба”ни олар ва чўнтагимдан чақа чиқариб, то қоронғи тушгунча машқ килар эдим. Бора-бора ўн марта тош отганда уч ёки тўрттасини аниқ мўлжалга туширадиган бўлдим.

Ниҳоят, мен ҳам ўйинда ютадиган кун келди.

Куз кунлари илик, ёғин-сочинсиз, октябрь ойи бўлишига қарамай битта кўйлақда юриш мумкин эди. Онда-сонда ёмғир ёғиб қоларди. Бу ҳам дайди шамол қаерларданدير тасодифан олиб келган ёмғир эди. Осмон ёз кунларидагидек кўм-кўк-у, аммо у қадар чексиз эмас, гўё аллақандай торайиб қолгандек туюларди. Қуёш ҳам эрта ботарди. Адирлар устида эрталаблари ҳаво топтоза, мусаффо бўларди. Атрофда аччик, бошни айлантирувчи шувоқ хиди кезар, узок-узоклардан ҳар хил товушлар аниқ эшитилар, учиб кетаётган қушларнинг чах-чахи қулоқни қоматга келтирар эди. Майдончамизда ўт-ўлан сарғайган бўлса-да, ҳали буткул қуриб битмаган, ўйинда иштирок этмаётган, тўғрироғи, ютқазиб қўйган болалар у ерда думалашиб ўйнаб ётар эди.

Ҳар куни мактабдан кейин тўғри шу ерга келишга одатланиб қолдим. Ўйинчилар тез-тез ўзгариб турар, эскилар ўрнини янгилар эгаллар эди. Фақат Вадик бирорта ҳам ўйинни қолдирмасди. Усиз ўйин ҳам бўлмас эди-да ўзи. Птаха деган хумқалла, сочи мошинкада олинган калтабақай бир бола доим

Вадикнинг ортидан соядек эргашиб юрарди. Мен шу вақтгача уни мактабда бирон мартаям кўрмаган эдим, олдинлатиб бўлсаям айтаверай, учинчи чоракда у қўққисдан бизнинг синфда пайдо бўлиб қолди. Бешинчи синфда қолиб кетган ва бир нималарни бахона қилиб январга қадар “таътил”да юрган экан. Ўйинда кўпинча Птаха ҳам ютарди, Вадикчалик эмасдир-у, лекин ҳар қалай зиён кўрмасди. Ҳойнаҳой, Вадикнинг шериги бўлгани учундир. Вадик ҳам бошқаларга билдирмайгина Птахага қарашиб турарди-да.

Майдончада гоҳо бизнинг синфдаги Тишкин — ҳовликма, кўзи ўйнаб турадиган, дарсларда қўл кўтариб ўтиришни яхши кўрадиган бола ҳам пайдо бўлиб қоларди. У бир нимани билса-билмаса қўл кўтараверар, ўқитувчи доскага чикаргудек бўлса, мум тишлаб қолар эди.

— Нега қўл кўтардинг бўлмаса? — деб сўрарди ўқитувчи. Шунда у кичкинагина кўзларини пирпиратиб:

— Ҳозиргина эсимда эди, доскага чикқунча унутиб қўйдим, — дерди.

Мен Тишкин билан унчалик яқин эмас эдим. Тортинчоқлигим, камгаплигим, қишлоқиларга хос одамовилигим ва энг аввало, бошқа нарсага ўрин қолдирмайдиган соғинч хисси, яъни уйни ниҳоятда қаттиқ қўмсаётганим сабаблими, ҳалигача синфдошларимнинг ҳеч бири билан тузукроқ чиқишиб кетолмаган эдим. Болаларнинг ҳам мен билан иши йўқ эди. Доим ёлғиз юрардим. Қишлоқда, ўз уйимда эмаслигим учун ёлғизман-да, у ерда дўстларим кўп эди-ку, дея ўзимга-ўзим тасалли берардим. Лекин ўлгудек эзилиб юрганимдан ёлғизлигимни сезмас, буни ҳатто англаб ҳам етмас эдим.

Тишкин майдончада мени гўё кўрмас ёки кўрмаганга оларди. У дарровгина ютқазиб қўяр ва ғойиб бўлар, шу билан анчагача бедарак кетар эди.

Менинг эса ўйинда омадим чошиб қолди. Доим қўлим баланд келадиган, деярли ҳар куни ютадиган бўлдим. Менинг бу ўйинда ҳам хос қоидаларим бор эди: биринчи бўлиш учун “шайба”ни майдон бўйлаб айлантирмаслик лозим; ўйинчи кўп бўлганда бу жуда мушкул — чизикқа қанча яқин келинса, уни босиб олиш ва охирада қолиб кетиш хавфи шунча ортади. Тошни ирғитганда “ғазна” устига тушишини аниқ мўлжал қилмоқ керак. Мен шундай қилардим. Албатта, бу тавакқалчилик эди, аммо эпчиллигим қўл келарди. Мен ўйинда кетма-кет уч-тўрт марта ютқазошим мумкин эди. Бироқ бешинчи мартасида “ғазна”ни албатта қўлга киритардим, ютқазганимни уч баробар қилиб қайтариб олардим. Кейин яна ютқазар ва яна ютиб олаверардим. Камдан-кам холлардагина тош билан тангани уришимга тўғри келарди. Аммо бу борада ҳам менинг ўз усулим бор эди: агар Вадик танга ўзи томон юмалашини чамалаб урса, мен аксинча, зарб билан урардим — бу қўпол ҳаракат эди, албатта. Лекин шунда тош танганинг айланиб кетишига йўл қўймасди, танга бир сапчирдию орқаси билан ўгирилиб тушарди.

Шу тариқа чойчақали ҳам бўлиб қолдим. Бироқ кечгача майдончада юриб ўйинга берилиб кетишдан ўзимни тиярдим. Ҳар куни бир сўмдан ютиб олсам шу менга кифоя эди. Бир сўмни қўлга киритишим билан ўйинни ташлаб бозорга югурардим, бир банка сут сотиб олиб (менинг бу пачоқ, қийшиқ, сийқаланиб кетган чақаларимни кўриб сутчи холалар жаврай-жаврай сут қуйиб берарди) тушлик қилардим у дарс тайёрлагани ўтирардим. Ҳамон қорним тўйиб овқат

емасдим-у, ammo сут ичиб турибман-ку, деган ўйнинг ўзиёқ менга куч берар, очлигим унча эсимга келмас эди. Хатто энди бошим айланиши ҳам камайгандек туюларди.

Аввалига Вадик менинг галабаларимга чандон эътибор бермаган эди. Чунки бундан у ҳеч зиён кўрмасди, яъни унинг чўнтагидан бир тийин ҳам чиқмасди. Баъзан у “Хой нўноқлар, қандай уриш кераклигини мана бундан ўрганинглар”, деб мени алқаб ҳам кўярди. Лекин кўп ўтмай ўйинни тез тарк этаётганимни пайқаб қолди ва бир куни мени тўхтатиб:

— Нима, пулни олибоқ қочиб экан-да? Жа абжирсан-у! Кетмайсан, ўйнайсан, — деб қолди.

— Дарс тайёрлашим керак, Вадик, — деб бахона қилдим.

— Дарс қиладиган одам бу ерга келмайди.

Птаха ҳам ялтоқлик билан гапга аралашди:

— Пул тикилганда шундай қилиш мумкин деб ким айтди сенга? Агар билсанг, бу қилмишинг учун бошлаб таъзирингни бериш керак. Тушундингми?

Шу-шу, Вадик сира ўздан олдин “шайба”ни менга бермайдиган, тиргак тош олдига ҳам ҳаммадан кейин қўядиган бўлди. У мўлжални яхши оларди, мен эса “шайба” кўлимга тушмаёқ неча марталаб чўнтак кавлашимга тўғри келарди. Бироқ имкон туғилди дегунча ундан яхшироқ ўйнардим, тош ҳам гўё оханрабодек тўппа-тўғри бориб тўп бўлиб ётган танга устига тушарди. Мерганлигимга ўзим ҳам қойил қолардим. Буни сездирмаслик, бошқаларнинг эътиборини тортмай ўйнаш лозимлигига фаҳмим етмаганини қаранг. Соддалик билан ҳар сафар аямай “ғазна”ни мўлжалга олаверибман. Ўз ишининг устаси бўлган, доим қўли баланд келадиган одам ҳеч қачон шафқат кўрмаслигини мен қайдан билибман дейсиз! Бундай вақтда шафқат кутиш ҳам, бирорта ҳимоячи чиқиб қолар, деб хомтама бўлиш ҳам бефойда. Ҳамма сени маҳмадона деб билади, холос, айниқса, орқангдан келаётганларнинг сени кўрарга кўзи йўқ. Ўша кузда айнан шу нарса менга сабоқ бўлди.

Мен ўша гал ҳам мўлжални аниқ нишонга олган эдим. Чақаларни йиғиб олмоқчи бўлиб яқинлашганимда атрофга сочилиб ётган тангалардан бирини Вадик оёғи билан босиб турганини пайқадим. Қолган тангалар пукка тарафи билан ётарди. Бундай холларда одатан “ғазна”га деб бақириб керак, негаки танга ўнг тарафи билан тушмаган бўлса, қайтадан уриш учун бир жойга тўпланади. Мен эса ҳар доимгидек омадимга ишониб, жар солиб ўтирмадим.

— “Ғазна”га эмас! — дея эълон қилди Вадик.

Вадикнинг ёнига бордим-да, оёғи тагидаги тангани кўрмоқчи бўлиб уни сал туртган эдим, у мени силтаб ташлади. Дарҳол оёғи остидаги тангани олиб, менга чап тарафини кўрсатди. Аслида унинг чикка ётганини мен кўрган эдим. Акс холда Вадик ҳам бундай найранг қилмаган бўларди.

— Фирромлик қилма, — дедим. — Ўнг тарафи билан ётган эди, ўзим кўрдим-ку.

У бурнимнинг тагига муштумини тираб:

— Мана буни-чи, буни ҳам кўрганмисан? — деди.

Индаёлмай қолавердим. Сўзимда туриб олишдан маъни йўқ эди: жанжал чиққудек бўлса, ҳеч ким, бирор тирик жон, хатто шу атрофда ўралашиб юрган Тишкин ҳам ёнимни олмаслиги аниқ.

Вадикнинг ғазабнок қисилган кўзлари менга ўқдек қадалиб турарди. Энгашиб, яқинроқ ётган тангани секингина урдим, у ўнгламач, бошқасини урдим. “Барибир хаммаси ўзимга тегишли-ку”, деб ўйлардим. Мўлжаллаб туриб тошни яна урмоқчи эдим — улгуролмадим, оркамдан кимдир тиззаси билан қаттиқ тешиб юборди. Ўзимни ўнглай олмай ерга бошим билан тушдим. Гурра кулги кўтарилди.

Оркамда безбетларча тиржайиб Птаха турарди. Мен довдираганча:

— Бу нима қилганинг?! — дедим.

— Мен эканми, ким айтди сенга? — деди у талмовсираб. — Нима, ё тушпуш кўрдингми?

— Кани, бер-чи бу ёкка! — Вадик “шайба”га қўл узатди, аммо мен уни бермадим.

Алам кўркувдан устун келган эди, энди ҳеч кимдан чўчимасдим. Нега? Нима учун ахир? Мен уларга нима ёмонлик қилибман?

— Бер деяпман! — дея дўқ урди Вадик.

— Боя тангани ўгириб қўйдинг-ку! — дея кичқирдим мен ҳам. — Ўзим кўрдим, ўзим.

— Кани, яна бир марта қайтар-чи, — деди у яқинроқ келиб.

— Тангани ўгириб қўйдинг, — дедим мен энди босиқ овозда — ҳозир нима рўй беришини билиб турардим.

Биринчи бўлиб яна орқадан Птаха тушириб қолди, Вадикка бориб урилдим. У чамалаб ҳам ўтирмай эпчиллик билан юзимга шундай калла урдик, ағанаб тушдим, бурнимдан тиркираб қон отилди. Базўр ўрнимдан турган эдим, тағин Птаха ташланиб қолди. Халиям бўлса қочиб қутулиш имкони бор эди, аммо шу тобда буни ўйламабман ҳам. Мен ўзимни деярли химоя қилолмай Вадик билан Птаханинг ўртасида коптокдек бориб-келардим. Шариллаб қон оқаётган бурнимни чангаллаганча, алам устида баттар уларнинг жигига тегиб қайсарлик билан битта гапни такрорлардим:

— Тангани сен ўгирдинг! Ўгирдинг! Сен ўгирдинг!

Улар мени галма-галдан дўппосларди. Бир пайт кичкинагина-ю, аммо сержаҳл яна бирови оёқларимга тешиб қолса бўладими! Тепкидан оёғимнинг соғ жойи қолмади, кўқариб, мўматалоқ бўлиб кетди-ёв. Мен жон-жаҳдим билан йиқилмасликка тиришардим. Шу ахволда буларнинг олдида яна йиқилиб тушиш ўлим билан баробар эди. Охир-оқибат мени ерга ётқизибгина тинчишди.

— Жонинг борида бу ердан туёғингни шикиллатиб қол! — деб амр қилди Вадик. — Бўл, бўл!

Мен ўрнимдан туриб, хиқиллаганча, ҳеч балони сезмай қолган бурнимни торта-торта тепалик томон судралиб кета бошладим.

— Чурк этиб бировга оғиз очгудек бўлсанг, ўлдим деявер! — дея кичқириб қолди Вадик ортимдан.

Индамадим. Аламдан бутун вужудим гўё жонсиз эди, қўл-оёқларим ҳам қотиб қолгандек қарахт. Ҳатто лабимни қимирлатишга ҳам мажолим йўқ. Тепаликка чиқиб олгачина, чидаб туролмай, худди ақлдан озгандек бор овозда кичқирдим:

— Тангани ўгириб қўйдинг! Ўгирдинг! — Овозим бутун шаҳарчага эшитилди-ёв.

Птаха ортимдан югуришга бир шайланди-ю, негадир яна изига қайтди, чамаси, Вадик мени тинч қўйиш керак деган қарорга келиб уни тўхтатган. Ҳикиллаганча майдончани бир оз кузатиб турдим, у ерда ўйин қизғин эди. Кейин тепаликнинг бошқа томонидан айланиб, қоп-қора кичитки ўт билан қопланган сойликка тушди-да, заранг чимзор устига ўзимни отдим. Алашимнинг зўридан хўнграб юбордим.

Ўша куни бу ёруғ оламда мендан бахтсизроқ кимса йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмасдек эди.

* * *

Эрталаб ойнада аксимни кўриб, рости, капалагим учиб кетди: бурун ўрнида шишган, кўпол бир бало, чап кўзимнинг таги кўқарган, чаккамда эса шилиниб, қуюқ қон қотиб қолган чандиқ кўзга ташланарди. Шу аҳволда мактабга қандай бораман энди — буни хатто тасаввур ҳам қилолмасдим. Аммо бориш керак, нима бўлмасин, барибир дарсни қолдиrolмайман. Ахир, аслан бурундор одамлар ҳам бор-ку, шуларнинг олдида меники унча ваҳимали эмас. Агар кўзга ташланиб турадиган жойда бўлмаганида буни биров хатто бурун ўрнида ҳам кўрмасди. Бироқ шилинган, кўқарган жойларни яширишнинг иложи йўқ — мендан сўровсиз шундок кўз-кўз бўлиб турибди-да, ахир.

Кўзимни кафтим билан тўсганча лип этиб синфхонага кирдим, ўрнимга ўтирдиму бошимни эгиб олдим. Аксига олгандек, биринчи дарс француз тили эди. Синф раҳбари эмасми, Лидия Михайловна бошқа ўқитувчиларга нисбатан бизга кўпроқ эътибор берар, ундан ҳеч нимани яшириб бўлмас эди. Синфхонага кириб саломлашгач, ўтиришга изн беришдан аввал, гўё камчиликларимизни рўй-рост айтмоқчидек, ҳар биримизга синчиклаб қараб чиқиш одати бор эди. Юзимдаги тамғани-ку, яширишга ҳар қанча уринмайин, у шу заҳотиёқ кўрди, буни болаларнинг ҳаммаси мен томонга ўгирилганидан билдим.

— Мана, — деди Лидия Михайловна журнални очаркан, — бугун орамизда ярадорлар ҳам бор экан.

Болалар кулиб юборишди. Лидия Михайловна яна менга тикилиб қаради. Унинг кўзи ғилайроқ эди ва гўё менга эмас, бошқа ёққа боқиб тургандек туюларди. Аммо бу вақтга келиб биз унинг қай тарафга қараётганини дурустгина фарқлайдиган бўлиб қолган эдик.

— Хўш, нима бўлди? — деб сўради у мендан.

— Йикилиб тушдим, — дедим тўнғиллаб. Олдиндан бирор жўялироқ бахона ҳам тўқиб қўймабман-а, қаранг.

— Аттанг, жуда ўсал тушибсан-ку. Кечами, бугун?

— Бугун. Йўқ, кеча кечаси, қоронғида.

— Ҳе, йикилганмиш! — дея шанғиллаб қолди бир вақт Тишкин хурсандлигидан энтикиб. — Еттинчи синфдаги Вадикнинг иши бу. Улар пул тикиб ўйнайди. Бунингиз ўша Вадик билан тортишиб қолди, кейин роса таъзирини еди ўзиям. Йикилдим дейди-я тагин!

Бундай чақимчиликни асло қутмаган эдим, қотиб қолдим. Жинни бўлганми у ёки атай қилдими? Пул тикиб ўйнайдиганларнинг мактабда дарров ковушини тўғрилаб қўйишлари ҳеч гап эмас, ахир. Мана, сенга ўйин! Қўрққанимдан

миямда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди, каллам ғувиллай бошлади: бўлди, бари тамом.

Хах, Тишкин-а! Билдик, қанақа экан бу Тишкин деганлари. Боплади-ку. Оккизмай-томизмай ҳаммасини айтди-қўйди-я, касофат!

— Сендан, Тишкин, мен бошқа нарсани сўрамоқчи эдим, — деди Лидия Михайловна бу гапларга унча ҳайрон бўлмагандек, ўша-ўша вазмин оҳангда. — Ўзинг бошлаб қолдинг, қани, энди доскага марҳамат, жавоб беришга тайёрмисан? — У ўзини йўқотиб бирдан шалпайиб қолган Тишкин доска ёнига чиққунча кутиб турди-да, кейин менга қараб: — Сен дарсдан кейин қоласан, — деб қўйди.

Лидия Михайловна мени директор ҳузурига олиб киради деб жуда қўрққан эдим. Бу дегани, у ерда кечажак машмашадан ташқари, директор эртага мактаб линейкасида ўртага чиқариб, нима учун бундай ярамас ишга қўл урганнингни айтиб беришга мажбур этади. Директоримиз Василий Андреевич бирор бола айб иш қилиб қўйса — у ойна синдирганми, муштлашганми ёки хожатхонада чекканми, бундан қатъи назар, айнан шу саволни берарди: “Бундай ярамас ишга сени нима мажбур этди?” Василий Андреевич қўлларини кўкрагида чалиштирганча гавдасини роз тутиб, катта-катта қадамлар билан тизилишиб турган ўқувчилар олдида у ёқдан-бу ёққа бориб-келаркан, эғнидаги тугмалари қадалган қаппайма қора френчи ундан олдинроқ ҳаракатланаётгандек туюларди. “Жавоб бер, хўш, кутяпмиз. Қара, бутун мактаб кутяпти, бизга айтадиган гапинг бордир?” дея кистовга оларди у. Гуноҳкор ўзини оқламоқ учун бир нима деб ғўлдирай бошласа, директор унинг гапини шартта бўлиб қўярди: “Сен саволга жавоб бер, ҳа, саволга. Қандай савол берилди?” “Мени нима мажбур қилдими?” “Худди шундай: нима мажбур этди? Гапир, кулоғимиз сенда”.

Хуллас, бу сингари машмашалар кўпинча йиғи-сиғи билан тугар, шундагина директорнинг қўнгли жойига тушар ва ҳамма синф-синфига тарқалар эди. Юқори синф ўқувчиларига келганда вазият қийинроқ кечарди. Улар унча-мунчага йиғламасди-ю, аммо Василий Андреевичнинг саволига ҳам жавоб бермай безрайиб тураверарди.

Бир гал хатто биринчи соат дарсимиз ўн дақиқача кечикиб бошланган, чунки директор тўққизинчи синф ўқувчисини узундан-узок сўроқ қилиб, тайинли бир гап ололмагач, охири уни хонасига олиб кириб кетган эди.

Мен энди нима дейман унга? Ундан кўра дарровгина паттамни қўлимга тутқазганлари яхши. Бу ҳақда ўйларканман, ана шунда уйга кетсам ҳам бўлади, деган фикр миямда ярқ этди. Аммо шу заҳотиёқ бошимдан қайноқ сув қуйилгандек бўлди: йўғ-э, уйга бундай шарманда бўлиб боргандан кўра... Ўқишни ўзим ташлаб кетсам-ку бошқа гап эди. Шунда ҳам мени бўшанг бола эканда, кўзлаган ниятига эришолмабди, дейишлари турган гап. Мактабда эса, ана кейин кўрасиз аҳволни, ҳамма мендан ўзини тортиб юрадиган бўлади. Йўқ, буниси менга тўғри келмайди. Бу ерда-ку, хўп, чидарман, кўникарман, бироқ шу аҳволда уйга боришим асло мумкин эмас.

Дарсдан кейин йўлакда юрак ховучлаб Лидия Михайловнани кутдим. У ўқитувчилар хонасидан чиқиб, бош қимтиб, синфга кир, дея имо қилди. Лидия

Михайловна одатдагидек ўз жойига ўтирди. Мен эса иложи борича ундан на-
рирок — учинчи партага ўрнашмоқчи бўлиб турган эдим, муаллима нақд пе-
шонаси — биринчи партани кўрсатди, ўтиришим билан:

— Пулга ўйнаркансан, шу ростми? — деди. Унинг овози баралла янграб
кетди. Ахир, бу ҳақда мактабда жуда секин, шивирлаб гапириш керак-ку?
Мени баттар ваҳима босди.

Инкор қилишдан ҳеч бир маъни йўқ эди, негаки Тишкин ипидан-игнасига-
ча сотиб бўлган.

— Ҳа, рост, — дедим бўйнимни эгиб.

— Хўш, қалай бўляпти — ютяпсанми ёки ютқазяпсанми?

Нима дейишни билмай чайналиб қолдим.

— Қани, бор гапни бир бошдан айтиб бер-чи. Хойнаҳой, кўпроқ ютқазсанг
керак, а?

— Ю...ютаман.

— Тузук, харқалай ютаркансан-ку. Хўш, пулни нима қиласан кейин?

Мактабга энди келган вақтларим анчагача Лидия Михайловнанинг овозига
кўниколмай юрдим, уни эшитдим дегунча довдираб қолардим. Бизда — киш-
лоқда нафасни ич-ичига тортиб гапирилади, шунинг учун ҳам овоз баралла
чиқади. Лидия Михайловнанинг товуши эса қандайдир майин, бунинг устига,
жуда бўғиқми-ей, астойдил қулоқ тутмасангиз эшитиш ҳам маҳол. Аммо бу
ҳол унинг дармонсизлиги ёки нозиклигидан деб бўлмасди. Негаки, у баъзида
ғоят берилиб гапирар, ўшанда овози ҳам жаранглаб чиқар эди. Менга у гўё
овозини баралла қўйиб юбормай, атайдан аяётгандек туюларди. Мен бор ку-
чимни француз тилини ўрганишга сарфламоққа ҳам тайёр эдим; албатта, бего-
на бир тилга мослашгунча овозим қафасдаги қушнинг товушидек заифлашиб,
гоҳо бўғилиб ҳам қоларди. Кейин яна аввалги ҳолига қайтишини, тикланиши-
ни кутишга тўғри келарди. Айни тобда Лидия Михайловна менга савол берган
бўлса-да, ўзи бошқа муҳим бир нарса ҳақида ўйлаб ўтирганга ўхшарди. Шун-
дай бўлса ҳам унинг саволига жавоб беришдан бўйин товлашнинг ҳеч иложи
йўқ эди.

— Хўш, гапирсанг-чи, ютиб олган пулингни нима қиласан? Конфет олиб
ейсанми? Ёки китобми? Ё бирор нима сотиб олиш учун йиғяпсанми? Эҳтимол,
анча-мунча йиғиб ҳам қўйгандирсан?

— Йўк, кўп эмас, атиги бир сўмгина ютаман.

— Кейин ўйнамайсанми?

— Йўк.

— Бир сўмгина-я? Нега бир сўм? Уни нима қиласан?

— Сут оламан.

— Сут?

Ақлли, озода-ораста, ҳар томонлама тўқис, кийим-боши ҳам ўзига яраш-
ган, латофат бобида баркамол (мен буни сал-пал ҳис қилардим) Лидия Ми-
хайловна рўпарамда ўтирибди. Ундан таралаётган хушбўй атир исини унинг
нафаси деб туярдим, қолаверса, у қандайдир арифметика ёки тарих ўқитувчи-
си эмас, сирли-сехрли француз тили муаллимаси эди. Ахир, француз тили-
нинг ўзи аллақандай эртақнамо тил, унинг бўлакча бир таровати борки, буни

хамма ҳам мендек хис этавермаса керак. Кўзларига қарашга журъат қилолмаганимдек, муаллимамни алдашга ҳам богинолмасдим. Умуман олганда, ёлғон гапириб нима қилдим?

Лидия Михайловна жимгина ўтириб, мени бошдан-оёқ кузатарди ва менинг синчков нигоҳи қаршисида барча кўргиликларим, бемаъниликларим янада бўртиб, фош бўлиб турганини бутун борлигим билан сезардим. Ахволим томошага арзигулик эди: Лидия Михайловнанинг рўпарасида нимжон, ёввойисифат, афт-ангори дабдала бир бола тиришибгина ўтирибди. Ота-она бағрида эмас, қаровсиз бир нотавон экани аён кўриниб турибди — палапартиш кийинган, эгнида ювилаверганидан елкалари осилиб тушган, гавдасига лойикдек кўринса-да, ени тирсагига келиб қолган эски камзул, отасининг галифесидан кичрайтириб тикилган кирчил оч яшил тусли, кечаги муштлашувдан қон изи қолган, доғ-дуғ чалвор, устига-устак, почаси чорикқа тикиб қўйилган. Лидия Михайловна пойабзалимга ачиниб қарашини аввалдан сезиб юрардим. Бутун синф бўйича биргина мен шунақа чорик киярдим. Кейинги йил кузда бу оёқ кийимда мактабга бормайман, деб оёқ тираб туриб олганимдан сўнг онам бор-йўқ бойлигимиз ҳисобланган тиқув мошинасини сотиб, менга кирза этик олиб берди.

— Барибир ҳам пул тикиб ўйнаш яхши эмас, — деди ўйчанлик билан Лидия Михайловна. — Бошқа бир йўлини топсанг бўларди-ку, тўғрими?

Ишнинг бу тарзда осон кўчганига ишониб-ишонмай, ўйлаб ҳам ўтирмай ваъда бериб юбордим:

— Топса бўлади.

Рости, бу гапни юрак-юрақдан айтган эдим. Аммо доим ҳам берган ваъдамизнинг устидан чиқолмаймиз-ку, шундай экан, кўлимиздан нима ҳам келарди!

Тўғриси айтишим керакки, ўша кунлар жуда қийин ахволда эдим. Куз ёғин-сочинсиз келгани учун колхозимиз ғалла топшириш режасини эрта бажарган ва Ваня амаки энди келмай қўйган эди. Уйда онам мени ўйлаб ўзини қўйрга жой тополмай ўтирганини билардим, аммо бундан менга бирор наф бўлса экан. Вайя амаки охирги марта келганида ташлаб кетган бир халта картошка шунчалик тез тугаб қолдики, нима бало, мол еб қўйдими, дейсиз. Яхшиямки, каллам ишлаб, вақтида ховлидаги ташландиқ омборга озроқ яшириб қўйганим, мана, ҳозир кунимга шу яраб турибди. Мактабдан қайтгач, худди ўғри мушукдек омборга лип этиб кираману уч-тўртта картошкани чўнтагимга тикиб, кўча адоғидаги тепаликка қараб чопаман. У ерда ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган хилватроқ бирор жойни топиб олов ёқаман. Қорним доим оч бўлганидан ҳатто ухлаб ётганимда ҳам титраб-қақшаб, ошқозоним гулдираётганини сезар эдим.

Яна бирор ўйинчи болалар гуруҳини учратиб коларман деган умидда қўшни маҳаллаларни сездирмайгина кузата бошладим; харобазорларни кезардим, тепаликларга қараб кетаётган болаларнинг орқасидан борардим. Ҳаммаси бекор, мавсум охирлаган эди. Тез орада октябрнинг изғиринли шамоли ҳам бошланди. Фақат ўзимизнинг майдончагина аввалгидек гавжум эди. Мен яқин-атрофда ўралашиб юрар, қуёш нурида “шайба”нинг ялтираб кўзга ташланишини,

Вадикнинг қўлларини силкитиб ўйинбошилиқ қилишини, “ғазна” бошида уй-малашиб турган таниш қиёфаларни кузатар эдим.

Охир-оқибат чидаёлмай бир куни уларнинг олдига тушиб бордим. Яна тах-қирланишимни билардим, аммо калтак еб хайдалганим ва бунга индамай кета-вериш менга кўпроқ алам қиларди. Борсам, Вадик билан Птаха қандай муно-сабатда бўлади, мен ўзимни тутиб тура оламанми — ана шу ўй ҳозир менга тинчлик бермасди. Очиғи, мени бу ерга очлик етаклаб келган эди. Менга бир сўмгина керак эди — сутга эмас, энди нонга. Нон сотиб олиш учун шундан бошқа ҳеч бир чорам қолмаган эди.

Табийки, боришим билан ўйин тўхтади, ҳамма менга қаради. Птаха боши-га қулоқлари қайирмали шапка кийган, енги калта катак-катак қўйлагини ши-мидан чиқариб олган эди. Унинг энгил-боши қуйиб қўйгандек ўзига мос, ўзи-дек беғам, ўзидек дадил кўринарди. Вадик бежиримгина, шир-шир занжирли қалин куртқада кеккайиб турарди. Бир чеккада пальто ва пахталиклар тўп бўлиб уюлиб ётар, уларнинг устида беш-олти яшар бир болакай шамолдан жунжикиб ўтирар эди.

Биринчи бўлиб мени Птаха қарши олди:

— Нимага келдинг? Ё калтакни соғиниб қолдингми?

— Ўйнагани келдим, — дея иложи борича босиқлик билан жавоб қайтар-дим, Вадикка кўз қирими ташларканман.

— Нега энди биз билан ўйнаркансиз? — деди Птаха шалоқ сўкиниб. — Ким айтди буни сизга?

— Ҳеч ким...

— Хўш, Вадик, ҳозирок таъзирини бериб қўямизми ёки озроқ қутамизми?

— Нега бунга ёпишиб олдинг, Птаха? — деди Вадик кўзларини қисинқираб менга боқаркан. — Ўйнагани келибди, билдингми? Балки бу сену мендан ўн сўмдан ютиб олмоқчи бўлиб келгандир...

— Кошки ўн сўмингиз бўлса сизнинг! — дедим мен ҳам тап тортмай.

— Вой-вой, керак бўлса, пулимиз ундан ҳам кўп — сен хатто тушингда ҳам кўрмагансан! Кўп вайсамагин-да, Птаханинг жаҳли қўзғамай борингни тика қол. Биласан, у жуда қизиққон.

— Бир туширайми, Вадик?

— Қўй, майли, ўйнай қолсин. — Вадик болаларга кўз қисиб қўйди. — Ўйинни қийиб қўяди-ку, биз бунинг тирноғигаям арзимаймиз, шундайми?

Мен ҳам энди анча-мунчасини билиб қолган эмасманми, Вадикнинг бу хим-мати сабабини англаб турардим. Афтидан, бир хил, зерикарли ўйин жонига теккан, шу боис ҳам асабларини қитиқлаш ва чинакам лаззат туйиш учунгина у мени сафга қўшмоқчи эди. Лекин Вадикнинг иззат-нафсига тегишим биланок яна қўрадиганимни кўраман. У нимага тирғалишни билади, боз устига, ёнида-ги Птаха ҳам уни гиж-гижлаб туради.

Мен иложи борича эҳтиёткорлик билан ўйнашга, “ғазна”га кўз олайтирмас-ликка қарор қилдим. Бошқа болалар каби беҳосдан танга тўпига тегиб кетмай деб “шайба”ни секин айлантирардим. Тангаларни ҳам астагина бир-бир уриб чиқардим. Орқамдан Птаха келиб қолмасмикан, дея аланглаб жоним ҳалак эди. Ўйинга қайта қўшилган дастлабки кунларим мен бир сўм ютишга атай

харакат қилмадим. Менга йигирма-ўттиз тийин ҳам кифоя эди, бир бўлак нонга етса бўлгани, шунисига ҳам шукрлар қилар, шунисига ҳам жон дер эдим.

Аммо эртами-кечми рўй беришидан қўркиб юрганим, барибир, рўй берди. Ўйинга қўшилганимнинг тўртинчи куни бир сўм ютиб олгач, кетаман деб турганимда яна дўппослаб қолишса бўладими! Тўғри, бу гал осонроқ кутулдим, бироқ асорати қолди: лабим шишиб, осилиб кетди. Мактабда уни тишлаб юришга тўғри келарди. Лекин яширишга ҳар қанча уринмайин, Лидия Михайловна разм солибоқ сизди. У мени атай доскага чиқариб, француз тилида матн ўқитди. Лабим ўн карра соғ бўлганида ҳам уни ўхшатиб ўқий олмаслигим аён-ку. Шундай экан, матнни қандай ўқиганимни айтмоққа ҳожат бормикан?

— Бас, бўлди-етар! — деди капалаги учган Лидия Михайловна худди инсжинсни қувлагандек менга қўл силтаб. — Бу нима деган гап, ахир? Сен билан алоҳида шуғулланмасам бўлмайди, шекилли...

* * *

Шу тарика мен учун мушкул, азобли кунлар бошланди. Лидия Михайловна билан ёлғиз қолиб, талаффузига тил келишмайдиган, фақат жазо учунгинами ўйлаб топилган сўзларни унинг ортидан такрорлайдиган фурсатни эрталабдан ҳадик-ла кутадиган бўлдим. Учта унлини биттагина чўзик товушга бирлаштиришнинг нима кераги бор ўзи? Масалан, “веаисoir” (кўп) сўзидаги “о” харфини талаффуз қилгунча кишининг жони ҳиқилдоғига келади. Э, бу одамни таҳқирлаш эмасми? Товушни бурун орқали алламбало қилиб чийиллабми-ей талаффуз этиш шартмикан? Ахир, бурун инсонга бошқа нарса учун керак-ку! Ҳар нарсанинг ҳам чек-чегараси бор-да! Мен терлаб, бўғриқиб кетардим, Лидия Михайловна эса ҳеч аямай, тин ҳам бермай шўрлик тилимни қавартиргани қавартирган. Нега энди фақат мени? Мактабда француз тилини менчалик ҳам билмайдиган болалар қанча! Бироқ улар бемалол, ялло қилиб юрибди. Мен эса худди қарғиш теккандек, бошқалар учун ҳам бир ўзим азоб тортиб ўтирибман.

Буниси ҳали ҳолва экан. Бир куни Лидия Михайловна иккинчи смена дарслари бошлангунча вақтимиз жуда кам, шунинг учун энди кечқурунлари уйимга келасан, деб қолса бўладими! У мактаб ёнидаги ўқитувчиларга ажратилган уйда яшар эди. Бу уйнинг қолган каттароқ қисмида мактаб директорининг ўзи турарди.

Лидия Михайловнанинг уйига бўйнимдан судрагандек зўрға борардим. Шундоғам бўлар-бўлмас нарсага ўзини йўқотиб қўядиган, тортинчоқ бола эмасманми, аввал-бошда ўқитувчимнинг тоза-озода уйига қадам босганимда гўё жоним танамни тарк этар, нафас олишга ҳам қўрқардим. Менга ечин, хонага кир, деб бирма-бир айтиб туриш керак эди. У мени хатто ўзи ўтқизиб қўйиши ва гапни ҳам ичимдан суғириб олиши даркор. Бу уринишларнинг ҳам француз тилини пухтароқ ўрганишимга ҳеч нафи бўлмади. Аммо шуниси ажабланишлики, ўқитувчимнинг уйда биз мактабдагидан (гўёки у ерда иккинчи смена халакит берарди) кўра камроқ дарс қилардик. Яна денг, Лидия Михайловна уйда қуйманиб юраркан, мени ҳар хил саволга тутар ёки ўзи ҳақида гапириб

берар эди. Айтишича, мактабда у ҳам менга ўхшаб француз тилини яхши ўзлаштиролмаган, кейин қасдма-қасдига айнан шу соҳани танлаб, ўзининг ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлган. Албатта, бу гапларни Лидия Михайловна мен учунгина ўйлаб топган эди, бунга аклим етиб турарди.

Хона бурчагига биқинганча унинг сўзларини тингларканман, қачон мени қўйиб юбораркан, дея тоқатим тоқ бўлиб кутардим. Хонада китоб жуда кўп эди, дераза тагидаги тумбочкада ўша вақтларда ғоят ноёб саналган, мен учун эса нақд мўъжизанинг ўзи — каттақон, бежирим радиоприёмник турарди. Лидия Михайловна унга пластинка кўяр ва бийрон бир киши француз тили сабоғини бошлар, хоҳлайманми-йўқми, буни тингламоққа мажбур эдим. Ўқитувчим одмигина хонаки кўйлақда, оёғида юмшоқ кигиз пайабзал, хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. У менга яқинлашгудек бўлса, бир сапчиб тушардим у яна серрайиб қолардим. Лидия Михайловнанинг уйида ўтирганимга ҳали ҳам ишонолмас, бу ердаги ҳамма нарса мен учун кутилмаган ва ҳайратомуз туюлар эди. Хатто уйнинг ўзгача бир ифори бор эдики, умрим бино бўлиб бундай хидни туймаган эдим. Мен бу ҳаётни бамисоли четдан кузатар ва ўзимдан, ночору ночор ахволимдан уялиб тор камзулимга баттар ўралиб олар эдим.

Менимча, ўша кезлар Лидия Михайловна йигирма беш ёшлар атрофида эди. Унинг хушрўй ва шу боисми суратдек жонсизроқ туюладиган чехрасини, ғилайини билингирмаслик учун салгина қисилиб турадиган кўзларини, камдан-кам холлардагини пайдо бўладиган нимтабассумини, калта кесилган қопқора сочларини яхши эслайман. Аммо шунга қарамай, унинг юзида (мен кейинчалик кўп бор кузатган) ўқитувчилик касбига хос, хатто уларнинг табиатан майин ва қўнгилчанларида ҳам кўзга ташланадиган совуқ бир қатъиятдан асар ҳам йўқ эди. Лидия Михайловнанинг қиёфасида алланечук хавотир, муғомбирона бир ҳайрат ҳам бор эдики, гўё ўзига ўзи “кизик, мен бу ерга қандай келиб қолдим, нима қилиб юрибман ўзи” деяётгандек туюларди. Эндиги тахминимча, ўша вақтда у бир марта эрга тегиб чиққан эди. Овозидан, енгил, лекин қатъият билан эркин қадам ташлашлари, умуман, ўзини тутишидан унинг анча тажрибали экани сезилиб турарди. Бундан ташқари, мен доим француз ёки испан тилини ўрганадиган қизлар ўз тенгдошлари, дейлик, рус ёки немис тилини ўрганадиганларига нисбатан анча илгари вояга етади, деб ўйлардим.

Машғулоти тугатганимиздан кейин Лидия Михайловна мени овқатланишга таклиф қилганида қанчалик ўзимни йўқотиб, довираб қолганимни ҳозир эласам, уялиб кетаман. Очликдан қорним таталаб кетаётган бўлса-да, бундай вақтда иштаҳам ғиппа бўғиларди-қоларди. Лидия Михайловна билан бир дастурхонда ўтириш! Йўқ, асло! Ундан кўра эртагача француз тилини бошдан-оёк ёдлаб чиққаним яхши, қайтиб шу уйга келмасам бўлгани. Мабодо у билан овқатланган тақдиримда ҳам нон бўлаги томоғимга тикилиб қоларди, бу аниқ. Шу вақтгача мен Лидия Михайловна ҳам бизга ўхшаб оддий таомлардан тановул қилади деб ўйламас эканман. Менга у бошқаларга ўхшамайдиган, шу қадар ҳайратомуз одам бўлиб туюлардики, унинг овқат ейишини тасаввур ҳам қилолмасдим.

Мен сапчиб туриб, қорним тўқ, емайман, дея ғўлдираганча кўча эшик томон тисарилдим. Лидия Михайловна ажабланиб, ранжигандек тикилиб қолди,

аммо hozir мени зўрлик билан ҳам тўхтатиб бўлмасди. Орқа-олдимга қарамай югуриб чиқиб кетдим. Бу ҳол бир неча бор такрорлангандан сўнг ҳафсаласи пир бўлган Лидия Михайловна ортиқ мени дастурхонга таклиф қилмай қўйди. Ниҳоят, эркин нафас ола бошладим.

Бир куни пастки қаватдаги ечиниш хонасида бир киши менга нимадир қолдириб кетганини айтишди. Албатта, колхозимиз хайдовчиси Ваня амакида, бошқа ким ҳам бўларди! Уйда ҳеч ким йўқ, эшиклар қулф, менинг мактабдан қайтишимни кутишга вақти бўлмагани учун хойнаҳой шу ерга ташлаб кетгандир. Дарс тугагунча зўрға чидаб ўтирдим-у, кейин пастга қараб чопдим. Мактаб фарроши Вера хола бурчакда турган, одатда почта орқали жўнатиладиган салмоқлигина оқ фанер қутига ишора қилди. Хайрон бўлдим: нега қутига солинган, онам егуликни оддий халтачада юборар эди-ку? Балки бу менга эмасдир? Аммо қутининг устига менинг исми шарифим ва ўқийдиган синфим ёзилган экан. Чамаси, бировга адашиб кетмасин, дея буни Ваня амаки шу ерда ўтириб ёзган. Нега энди онам қўққисдан озиқ-овқатни бунақа қутида юборадиган бўлиб қолди экан? Қаранг-а, маданиятли бўлиб кетибмиз-да!

Ичида нимаси борлигини билмай туриб уни уйга олиб кетишга сабрим етармиди! Картошка эмаслигини аниқ сезиб турибман. Нонми десам — қути кичкиналик қилади, бунинг устига нонни қутига солишга бало борми? Қолаверса, онам яқиндагина юборган эди, хали еб тугатганимча йўқ. У ҳолда бу нима экан? Шу ернинг ўзида, мактабдаёқ зина остига тушиб — у ерда болта борлигини олдиндан билардим — қутини очдим. Бу ер қоронғи эди, чиқиб атрофга ўғринча алангладим қўлимдаги қутини яқинроқ тоқчага олиб бордим.

Очдим у анграйиб қолдим — оқ қоғозга ўралган макарон. Қойил-э! Бир текис терилган сариқ макарон ёруғда қўзимга ярқ этиб ташланди, hozir бундан ортиқ бойлик йўқ эди менга. Ҳа, энди тушундим нима учун онам буни қутида юборганини: майдаланиб, синиб кетмасин, бешикаст етиб борсин деганда. Секингина бир донасини суғуриб олдим, ичига пуфлаб кўрдим ва оғзимдан сўлагим келиб шартта қисирлатиб чайнай бошладим. Кейин иккинчи, учинчисини чайнар эканман, қутини қаерга яширишни ўйлардим. Ахир, макаронни бекамнинг ташландиқ омборидаги очофат каламушларга ем қилиб қўёлмайман-да. Нима, онам охири пулини сарфлаб улар учун сотиб олибдими буни? Йўқ, макаронни ҳар жойга ташлаб қўйиб бўлмайди. Бу қандайдир ҳемири картошка эмас, ахир!

Бирданига томоғимга нимадир тиқилиб қолди. Макарон... Ростдан ҳам онам қаердан олди экан буни? Қишлоғимизда макарон дегани умуман бўлмаган, бўлганида ҳам бунақа нарсани у ерда сотиб олиб бўлсиз! У ҳолда буни қандай тушуниш керак? Шоша-пиша, қизиқиш билан ва шунинг баробарида нимагадир умид ҳам қилиб макарон ўралган қоғозни кўтариб қарайдим, тагидан бир неча чакмоқ йирик-йирик оққанд ва икки бўлак гемотоген чикса денг! Бундан маълум бўладики, қутини онам юбормаган. Унда ким экан-а? Қопқокни қайта кўздан кечирдим: ўзимнинг исми шарифим, синфим ёзилган, демак, менга аталган. Аммо ғалати-да, жуда ҳам ғалати.

Мен қутини қайта миҳлаб дераза тоқчасида қолдирдим-да, ўзим иккинчи қаватга чиқдим. Ўқитувчилар хонасини қарасам, Лидия Михайловна кетиб

қолган экан. Хечкиси йўқ, топамиз, қаерда яшашини биламиз-ку, борганмиз уйига. Ха, хали шунақами: дастурхонга ўтиришга унамадингми — уйингда бемалол ейсан дебсиз-да! Лекин бунақаси кетмайди. Бошқа ҳеч кимдан гумоним ҳам йўқ-да. Онам эмаслиги кундай равшан: чунки у бу тансиқ нарсалар қаердан, қандай келганини албатта ёзиб қути ичига солиб юборган бўларди.

Мен қўлимда қути билан ёнлаб эшикдан кириб борганимда, Лидия Михайловна ўзини ҳеч гапдан хабари йўқдек тутди. Рўпарасида полда турган қутига қараб, ҳайрон бўлган каби:

— Бу нима? Нимани кўтариб юрибсан? Нега бу ерга олиб келдинг? — деб сўради.

— Бу сизнинг ишингиз, — дедим овозим титраб, бўғилиб.

— Нима қипман мен? Нима деясан ўзи?

— Мактабга бунингиз сиз юборгансиз. Биламан, сиз қилгансиз бу ишни.

Лидия Михайловнанинг қизариб кетганини, хижолат тортаётганини сездим. Ўшанда бир мартагина қўрқмай унинг кўзига тик қараган бўлсам керак. У ўқитувчимми ёки холаваччамми, шу тобда бунинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ эди менга. Ҳозир у эмас, мен савол берардим, яна денг француз тилида эмас, ҳеч қандай артикль-партикльсиз рус тилида. Қани, бир жавоб берсин-чи.

— Нега мендан кўряпсан бунингиз?

— Негаки, бизнинг қишлоқда макарон-пакарон йўқ. Гематогенни-ку гапир-маса ҳам бўлади.

— Ростданми? Ҳечам бўлмайди?! — У шунчалик тонг қолдики, беихтиёр ўзини фош этиб қўйди.

— Ҳечам бўлмайди. Билиб қилиш керак эди бу ишни.

Лидия Михайловна бирдан кулиб юборди. Мени қучмоқчи бўлган эди, ўзимни четга тортдим.

— Ха, тўғри айтасан, билиш керак экан. Шунисини ўйламабман-а, қара...

— У хаёл суриб қолди. — Аммо бунингиз мен қайдан билай, шаҳарлик бўлсам, ахир! Бизда бунақа нарсалар йўқ, дейсанми? Хўш, айт-чи, сизларда нималар бўлади ўзи?

— Нўхат бўлади. Шолғом.

— Нўхат... шолғом... Бизда, Кубанда эса асосан олма. Эҳ-хэ, ҳозир айни фарқ пишган пайти! Мен ўзи Кубанга кетмоқчи эдим, нима бўлиб бу ёқларга келиб қолганман-да. — Лидия Михайловна ух тортиб қўйди. — Кўп жаҳлингиз чиқавермасин энди. Билсангиз, сени ранжитиш ниятим йўқ эди, сираям. Шу савил макаронни деб чув тушимиз тушимга кирибдими? Майли, энди ўйлаб иш қиламан. Бунингиз эса олақолгин...

— Олмаман, — дедим кўрсик билан.

— Нега бундай ўжарсан-а? Очин-тўқин юрганингни биламан-ку. Мен ёлғизман, пулим бор, етарли. Хоҳлаган нарсамни сотиб олавераман, кейин — ёлғиз ўзимга ахир... Яна билсангиз, камхўрроқман, семираиб кетишдан қўрқаман-да.

— Мен ҳечам оч юрганам йўқ.

— Кел, мен билан тортишма, ҳаммасини биламан. Беканг билан гаплашган эдим. Макаронни элтиб қайнатсангиз, тотлигина бир нима пишириб есангиз, бунингиз нимаси ёмон, хўш? Умримда бир мартагина сенга гамхўрлик қилсам қилиб-

ман-да. Сўз бераман, қайтиб сенга ҳеч нарса юбормайман. Буни эса ол, илтимос. Яхши ўқиш учун тўйиб овқатланишинг керак. Мактабда балогаям ақли етмайдиган ва эҳтимол, шундайлигича ўтиб кетадиган такасалтанглар қанча, ахир! Сен эса иқтидорли боласан, ўқишни ташламаслигинг керак.

Унинг овозидан бутун вужудим бўшашиб кетаётганини сездим — у мени бу нарсаларни олишга қўндиришидан қўрқардим. Лидия Михайловна ҳақ гапни айтаётганини англаб турсам-да, уни барибир ҳазм қилгим келмаётгани учун ҳам фиғоним ошарди. Бош чайқай-чайқай бир балоларни гўлдираганча югуриб хонадан чиқиб кетдим.

* * *

Шу гаплардан кейин ҳам биз машғулотларимизни тўхтатмадик, мен ҳамон Лидия Михайловнаникига қатнардим. Афтидан, менга тил ўргатишга у энди астойдил киришган эди. Француз тили бўлса — француз тили-да, деди шекилли. Натижаси ҳам тезда кўриниб қолди: бора-бора французча сўзларни хийла дуруст талаффуз қила бошладим, энди улар оғир тошдек оёғимдан пахта тортмас, аксинча, жаранглаб қаерларгадир қанот қоқиб учарди гўё.

— Яхши, — дея мени руҳлантириб кўярди Лидия Михайловна. — Бу чорак бешга тортмайди-ю, аммо кейингисида албатта беш бўлади.

Анави қути ҳақида қайтиб гап бўлмади. Бироқ мен ҳар эҳтимолга қарши сергак эдим: Лидия Михайловна яна бир нималарни ўйлаб топмайди деб бўлармиди? Ўзимдан мисол: агар бирор ишнинг ҳеч уддасидан чиқавермасам, бор эътиборимни ўшанга қаратаман, шунчаки бефарқ ташлаб қўёлмайман. Лидия Михайловна мени мудом аллақандай умидворлик билан кузатиб тургандек туюлар, айни чоғда одамовилигимдан қулаётганга ҳам ўхшар эди — бундан баттар жаҳлим чиқарди. Аммо, таажжубки, бу ҳол ўзимни дадилроқ тутишимга ёрдам берарди. Мен энди бу ерда қадам босишга ҳам ийманиб турадиган аввалги ювош, нотавон бола эмас эдим. Аста-секин Лидия Михайловнага, унинг уйига ҳам кўника бошладим. Албатта, ҳануз сал-пал тортинар, бурчакка биқиниб ўтирар, чоригимни стул тагига беркитишга уринар эдим. Лекин энди ўзимни хийла эркинроқ тутар, рухий тушкунлигим ҳам босилган, ҳатто Лидия Михайловнага саволлар берар ва у билан баҳслашар ҳам эдим.

У мени дастурхонга ўтказишга яна бир бор уриниб кўрди — фойдаси бўлмади. Мен ҳеч бўйин бермас, ўжарликда ўнтасидан ўтар эдим.

Биз энди уйдаги машғулотларни тўхтатсак ҳам бўларди. Асосийси, мен французчани ўзлаштирдим, тилим ҳам анча-мунча келишиб қолди. Мактабдаги машғулотлар орқали билимимни мукамаллаштириб бораверишим мумкин, олдинда ҳали неча йил бор! Ҳаммасини бирданига бошдан-охир ўрганиб олсам, кейин нима иш қиламан? Аммо буни Лидия Михайловнага айтишга журъатим етмасди. У биз ҳали шуғулланишимиз керак деб ҳисоблар, шунга кўра француз тилини ўрганишдек машаққатли юмушни яна-тағин давом эттиришга мажбур эдим. Дарвоқе, шуям машаққат эканми? Менда ўзим ҳам сезмаган, қутмаган ҳолда тилга нисбатан ҳавас уйғонган эди. Бўш қолдим дегунча, ҳеч кимнинг кистовисиз ҳам луғат титкилар, дарсликдаги ҳали ўтилмаган матнларга кўз югуртириб ўтирар эдим. Жазо мен учун энди хузур-халоватга айланди, десам

хам бўларди. Аммо ўр-ўжарлигим ҳалиям қолмаган эди: эришолмаган бўлсам — албатта эришаман, аминманки, шу тилни мукамал эгаллайман. Нима, менинг зувалам бошқа лойдан қорилган эканми? Лидия Михайловнаникига боришга тўғри келмаганда-ку... Ўзим, ҳа, ўзим ҳам...

Бир куни — макарон воқеасидан икки ҳафталар ўтиб Лидия Михайловна менадан:

— Хўш, энди пулга ўйнамаясанми? Ёки ҳалиям бирор хилватда йиғилиб олиб ўйнаб турасизларми? — дея сўраб қолди кулиб.

— Ҳозир ўйнаб бўларканми?! — дедим таажжуб аралаш дераза тарафга — оппоқ қорга ишора қилиб.

— Ўзи қанақа ўйин эди шу? Қанақа ўйналади, а?

— Нима қиласиз? — дедим хушёр тортиб.

— Қизик-да. Бир вақтлар болалигимизда биз ҳам шунга ўхшаш бир ўйин ўйнар эдик. Ўша эмасмикан, шуни билмоқчиман. Айт, айтиб берақол.

Гапириб бердим, аммо Вадик, Птаха ҳақида, кейин ўзимнинг ўйинда ишла-тадиган майда хийлаларим тўғрисида оғиз очмадим, албатта.

— Йўк, биз “пристенки” ўйнардик, — деди Лидия Михайловна бош чайқаб.

— Шундай ўйинни биласанми?

— Билмайман.

— Мана, кара. — У енгилгина ўрнидан турди-да, сумкасидан бир нечта танга олди. Кейин девор тагидаги стулни нари сурди. — Яқинроқ кел, кара, мен тангани деворга отаман, — дея қўлидагини секин ирғитди, танга жаранглаб айланиб полга тушди. — Энди эса сен урасан, — деди Лидия Михайловна иккинчи тангани қўлимга тутқазиб. — Аммо шунисига эътибор қилгинки, танганг иложи бори-ча меникига яқин жойга тушсин. Орасини бир қўллаб ўлчаш ҳам, уларни олиш ҳам мумкин бўлсин. Ўйиннинг яна бир номи: ўлчов-ўлчов. Етказа олсанг — ютганинг. Қани, от-чи энди.

Отдим, танга қирраси билан полга тушиб бурчакка юмалаб кетди.

— Ўхў-ў! — деди Лидия Михайловна қўл силтаб. — Узоққа тушди. Қани, сен бошла-чи. Ёдингда бўлсин, менинг тангам сеникига тегса, хатто қирраси тегиб кетса ҳам — мен икки карра ютган бўламан. Тушунасанми?

— Нимасини тушунмай?

— Ўйнаимизми?

Мен қулоқларимга ишноолмасдим:

— Нима, сиз билан ўйнайманми?

— Нима қипти?

— Сиз — ўқитувчисиз-ку!

— Ия, нима бўпти? Нима, ўқитувчи бошқача одамми? Билсанг, ўқитувчи бўлиш, ўқитиш, фақат ўқитавериш баъзан жонга ҳам тегиб кетади. Бундай қилиш мумкин, ундай қилиш мумкин эмас, деб ҳаммавақт ўзингни тийиб туришинг керак... — Лидия Михайловна кўзларини ғалати қисиб ўйчанлик билан деразага тикилди. — Гоҳида ўқитувчи эканингни бир пасгина унутиш ҳам фойдали. Акс ҳолда, одам иси ёқмай қолади, бошқалар ҳам сен билан ўтирган-да зерикади. Эҳтимол, ўқитувчи учун энг муҳими ўзини доим жиддий тутиш эмас, кимгадир ниманидир ўргата олишини англашир. — У бир кўзғалиб

олгач, бирдан хушнуд бўлиб кетди. — Болалигимда ўт-олов киз эдим, ота-онам менинг дастимдан кўп азоб тортган. Ҳозир ҳам гоҳ-гоҳида сакраб-ирғишлагим, аллақаёқларга югургим, хар қандай қолипу тартиб-қоидаларни итки-тиб ташлаб, хоҳлаган ишимни қилиб юргим келади. Мана шу ерда сакраган, хаккалаган вақтларим ҳам кўп бўлган. Агар билсанг, одам узоқ яшаб эмас, болалиги билан хайрлашган кундан қарий бошларкан. Мен жон-жон деб хар куни сакраган бўлардим, аммо деворнинг у ёғида Василий Андреевич яшайди-да. У жуда жиддий одам. Бизнинг бу ерда ўйин ўйнаётганимизни у билмаслиги керак, тушундинг?

— Биз ўйнаётганимиз йўқ-ку. Сиз фақат ўйин қоидасини кўрсатиб бердингиз, холос.

— Биз шунчаки, ёлғондакамига ўйнаймиз. Лекин барибир буни Василий Андреевичга сотиб қўймайсан, хўпми?

Ё тавба, дунёнинг ишларини қаранг! Кечагина пул тикиб ўйнаганим учун Лидия Михайловна мени директорнинг олдига олиб киради деб юрагим ёрилгудек бўлмаганмиди? Энди эса у мендан сотиб қўйма, деб илтимос қилиб ўтирибди. Бу ёғи қандок бўлди? Билмайман, нимадан экан, атрофга аланг-жаланг қараб, кўзларим пирпираганча довдираб турардим.

— Хўш, ўйнаб кўрамизми? Ёқмаса — ўйнамаймиз.

— Майли, — дея иккиланиброқ рози бўлдим мен.

— Сен бошла.

Тангаларни қўлга олдик. Лидия Михайловна бир вақтлар ростдан ҳам бу ўйинни ўйнаган экан — кўриниб турарди. Мен эса тангани деворга қай йўсинда — қирраси биланми ёки юзалабми, қандай баландликда, қаттиқрокми ва қачон отганим маъкул, дея энди-энди чамалаб кўраётган эдим. Отган тангаларим ўз-ўзидан четга учиб кетарди. Агар хисоблаб кўрилса, мен дастлабки дақиқалардаёқ анча-мунча пул ютқаздим хисоб — бу ўйинда ҳеч қанақа хийланайранг ишлатиб бўлмасди-да. Ҳаммасидан бурун мен Лидия Михайловна билан ўйнаётганимдан қаттиқ хижолат чекар, қийналар ва шу сабабдан ўйинга ҳам тузук киришиб кетолмас эдим. Бунақаси ахир етти ухлаб тушимга кирмаган, хаёлимнинг кўчасидан ҳам ўтмаган эди-да. Мен хадеганда фикримни бир ерга жамлаёлмадим — осонми?! Аммо ўзимга келиб ўйинга жиддий киришганимда Лидия Михайловна шартта тўхтатиб:

— Э, бундай ўйнагандан маъни йўқ, — деб қолди қаддини ростлаб ва кўзини тўсиб тушган сочини силкиб орқага ташлар экан. — Ўйнагандан кейин ростакамига ўйнаш керак. Бизники нима — худди уч яшар боланинг эрмагига ўхшайди.

— У холда пул тикиш керак бўлади, — дедим мен ботиниб-ботинмай.

— Бўлмасам-чи! Қўлимиздаги пул бўлмай нима? Пул тикиладиган ўйинни ўртага бошқа нарса қўйиб ўйнаб бўлмаса! Шуниси бир вақтнинг ўзида ҳам чаток, ҳам яхши. Биз энг кам пулга келишиб ўйнасак ҳам бўлаверади, қизиқиш уйғонади-да хархолда.

Мен чурқ этмадим, нима қилиш, нима дейишга лол эдим.

— Нахотки кўркаётган бўлсанг? — деди Лидия Михайловна мени гиж-гижлагандек.

— Хечам-да! Хеч нарсадан кўркмайман мен.

Чўнтагимда чақаларим бор эди. Қўлимдагини Лидия Михайловнага қайтариб бериб, ўзимникини олдим. Нима ҳам дердик, майли, Лидия Михайловна, сиз хоҳлагандек рostaкамига бўлақолсин. Менга нима, мен бошламадим-ку, ахир. Аввалига Вадик ҳам мени назарга илмаган эди, кейин ўзига келиб мушт кўтариб қолди-ку. Ўша ўйинни ўрганиб олган эдимми, демак, бунисини ҳам эпларман. Бу француз тили эмас, тезгина ўзлаштириб олсам керак.

Фақат бир шартни қабул қилишимга тўғри келди — Лидия Михайловнанинг панжаси узун, шунинг учун ҳам тангалар орасидаги масофани у бош ва ўрта бармоғида, мен эса одатдагидек бош бармоғим ва жимжилоғим билан ўлчайдиган бўлдим. Бу адолатли қарор эди ва мен дарров рози бўлдим.

Ўйинни қайтадан бошладик. Хонадан даҳлизга чиқиб олдик — у ер кенг-мўлгина, ёғоч девори бир текис, танга отгани ўнғай. Биз тангани отгач тиззалаб олар, полда эмакляб юрар, бир-биримизга туртинар, бармоқлаб масофани ўлчагандан кейин яна қаддимизни ростлар эдик. Охирида Лидия Михайловна ҳисобни айтарди. Ўйин чоғи у роса шовқин солар, чапак чалар, хуллас, ўзини ўқитувчи эмас, оддий кизалокдек тутар эдики, бир-икки марта менинг ҳам завқим кўзиб бакирворгим келди. Асосан Лидия Михайловна ютарди, мен эса кўпроқ ютқазардим. Ана-мана дегунча саксон тийин бой бериб қўйибман. Бир амаллаб бу қарзни ўттизга туширган эдим, Лидия Михайловна тангасини узокдан мўлжаллаб туриб отдию ҳисоб яна элликка чикди. Мен хавотирга тушиб қолдим. Ҳисоб-китобни ўйин тугагач қиламиз, деб бошдан келишиб олган эдик. Агар аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, чўнтагимда бори ҳам етмаслиги аник. Бир сўмдан салгина кўпроқ пулим бор ўзи. Демак, шундан оширмаслик керак, акс холда шарманда бўламан!

Бир вақт қарасам, Лидия Михайловна ютишга унча ҳаракат ҳам қилмаяпти. Тангалар орасидаги масофани у панжаларини охиригача ёзмай, бармоғини букиброк ўлчарди. Гўёки унинг бармоғи етолмаган тангага меники ҳеч чиранишсиз бемалол етса денг. Жаҳлим чиқиб кетди, сапчиб ўрнимдан турдим-да:

— Йўк, бунақа бўлса ўйнамайман, — дедим. — Нега менга ютқазиб беряпсиз? Ҳақиқий ўйин эмас бу, фирромлик!

— Ростдан ҳам, унга қўлим етмади, — дея ўзини оқлай бошлади Лидия Михайловна. — Панжаларим қотиб қолганми-ей, ҳеч очилмайди.

— Очилади!

— Хўп, майли, ҳаракат қилиб кўраман.

Математикада қандайлигини билмайман-у, ҳаётда энг маъқули зид томонни ёқлаб туриб исбот қилиш экан. Эртаси куни Лидия Михайловна бармоғи тангага етиши учун билдирмайгина уни берирок суриб қўяётганини кўриб анграйиб қолдим. Менга бир қараб олиб, бу найрангини яққол кўриб турганимни гўё сезмаётгандек ва яна ҳеч нарса бўлмагандек тангани суриб қўяверди.

— Нима қиялпсиз? — дедим аччиқланиб.

— Менми? Нима қипман?

— Нега тангани суриб қўйдингиз?

— Хечам-да, ўзи шу ерда ётган эди, — дея қандайдир беписандлик билан,

анави Вадику Птахадан асло қолишмайдиган безбетона бир тарзда инкор қилди Лидия Михайловна.

Оббо! Ўқитувчи эмиш-а! Тангани суриб қўйганини ўз кўзим билан кўрдим-ку. Яна тегмадим, деб мени ишонтирмоқчи бўлади-я. Тагин, устимдан кулгани-чи! Нима, кўзи кўр деб ўйлаяптими мени? Ёки ёш бола фахмлаяптими? Француз тилини ўргатармишлар бу кишим! Кечагина атайин ютқазишга уринганини унутиб, яна ҳийла ишлатмасмикан бу, деган хавотирда унинг хатги-ҳаракатларини сергаклик билан кузатмоққа тушдим. Буни қаранг, Лидия Михайловна одамни лақиллатиб ўтирса-я!

Ўша кун биз ўн-ўн беш дақиқагина дарс қилдик, холос. Кейинги кунлари машғулотларимиз бундан ҳам қисқарди. Энди биз тамомила бошқа нарсага берилиб кетган эдик. Лидия Михайловна менга озроқ матн ўқитар, баъзи қамчиликларимни айтиб, яна бир такрорлатиб кўрар эди-да, сўнг чўзиб ўтирмай ўйинга ўтиб қўяқолардик. Икки марта оз-оздан ютқазганимдан кейин мен ҳам юта бошладим. Бу ўйинни ҳам жуда тез ўрганиб, миридан-сиригача — қаерга, қандай уришни, тангани ўлчовга солмаслик учун нима қилиш даркорлигини пухта билиб олган эдим.

Яна пулли бўлиб қолдим. Яна бозордан сут сотиб ола бошладим. Энди махсус идишчадаги яхлатилган сутдан олардим. Юзасидаги қаймоқни авайлабгина сидириб, эрий бошлаган бўлагини апил-тапил оғзимга солардим. Мазасидан бутун танам яйраб кетарди, кўзларимни юмиб олардим. Кейин идишини тўнкариб, пичоқ билан ура-ура қолганини ҳам кўчирардим-да, эригунча кутиб, қора ноннинг устидан ичиб юборардим.

Харқалай, бир амаллаб куним ўтиб турарди. Яқин келажакда, яъни уруш асоратлари битгач, бахтли ҳаётга эришувимиз ваъда қилинган эди.

Лидия Михайловнанинг қўлидан пул олаётиб жуда хижолат бўлардим. Лекин буни ҳалол ютиб олдим-ку, деган ўй ҳамиша менга таскин берарди. Келинг, ўйнайлик, деб мен таклиф қилмайман-ку, ташаббус доим Лидия Михайловнанинг ўзидан чиқади. Мен эса рад этишга журъат қилолмайман. Назаримда, ўйиндан у роса маза қиларди: мени тортқилар, қулар, хуллас, жуда яйрар эди.

Оқибати нима бўлишини билганимизда-ку...

...Рўпарам-рўпара тиззалаб олганча ҳисоб устида талашаётган эдик. Сал олдин ҳам нимагадир тортишиб олган эдик ўзи.

— Тушунсанг-чи, хой хомкалла, — дея қўлларини пахса қилиб Лидия Михайловна менга гап уқтирмоқчи бўларди. — Сени алдаб нима қиламан? Ҳисобни мен чиқараман ахир, сен эмас, ҳар ҳолда, сендан яхшироқ билсам керак буни. Мен кетма-кет уч марта ютқаздим, ундан олдин “чикка” бўлган эди.

— Унисини қўйиб турунг.

— Нега қўяр эканман?

Бир-биримизга гал бермай бакир-чакир қилиб ётганимизда хайратангиз, аммо қатъий, жарангдор овоз эшитилди:

— Лидия Михайловна!

Қотиб қолдик — эшик олдида Василий Андреевич турарди.

— Лидия Михайловна, нима гап? Бу ерда нима бўляпти ўзи?

Лидия Михайловна секингина ўрнидан турди. Юзлари бўғриқиб, тўзғиб кетган сочини текислаган бўлди:

— Василий Андреевич, киришдан олдин эшикни тақиллатсангиз бўларди...

— Тақиллатдим. Хеч ким жавоб бермади-да. Хўш, айтинг-чи, нима бўляпти бу ерда? Директор сифатида билишга ҳаққим бордир.

— Ўйин ўйнаётган эдик, — деди Лидия Михайловна хотиржамгина.

— Пулга ўйнаясизми? Шу билан-а?! — деди менга ишора қилиб Василий Андреевич. Қўрқанимдан бирон ерга беркиниб оларман дея эмаклаганча тўсиқ орқасига ўтиб кетдим. — Ўқувчингиз билан ўйнаясизми? Шунақа шекилли?

— Ҳа, шунақа.

— Биласизми... — Худди ҳаво етишмаётгандек директор бўғилиб колди.

— Тўғриси, ҳозир сизга нима дейишга ҳам ҳайронман. Бу — жиноят! Йўлдан озиш. Ёш болани ахлоқсизликка бошлаш дейдилар буни. Яна, яна... Ўйгирма йилдан бери мактабда ишлаб хали бунақасига дуч келмаган эдим... — У таажжубдан қўлларини боши узра кўтарди.

* * *

Уч кундан сўнг Лидия Михайловна жўнаб кетди. Кетишидан бир кун олдин, мактабдан қайтишимни кутиб турган экан, мени уйгача кузатиб келди.

— Юртимга — Кубанга бораман, — деди у хайрлашаётиб. — Тинч-хотиржам ўқийвергин, анави бемаъни воқеа учун ҳеч ким сенга ғиқ этолмайди. Ҳаммасига мен сабабчи. Сен фақат ўқишни ўйла. — У сочимни бир тўзғитиб қўйди-да, кетди.

Шу-шу, қайтиб уни кўрмадим.

Қиш кунлари эди, таътилдан сўнг мактабга менинг номимга почтадан бир кути келди. Мен яна зина остидан болтани олиб уни очдим у бир текисда зич қилиб терилган макаронни кўрдим. Тагидан эса пахтага ўроғлик уч дона қизил олма чиқди.

Мен олмани расмдагина кўрган эдим, лекин ҳозир қўлимда ушлаб турган нарса олма эканини дарров билдим.

ШОҲСАНАМ таржимаси



КИТОВ СЎТМОҚЧИ БО'ЛГАН ОДАМ

Ривоят

Бу узундан-узоқ йўлканинг охири йўқдай эди. Қишин-ёзин эрта тонгдан кеч шомгача бу ердан одам оёғи узилмас, нимадир сотиб, нимадир олаётган кишилар гала-говури тинмас эди.

Йўлка адоғида қартайиб, битта-яримта шохлари қурий бошлаган чинор остида тўқсонни қоралаган чол ўтирар, бир оз букчайган кенг елкалари, нуроний чехраси у бир вақтлар жуда ўктам йигит бўлганидан далолат берар эди. Тап-тақир қирилган бошидаги нимдош мовут кулоҳ, узун симоби яқтак унга улуғвор тус берар, кекса чинор ва ундан-да кексароқ чол ола-говур йўлканинг бамисоли таркибий қисмига айланган, йил-ўн икки ой бу ердан ўтиб-қайтадиган оломон эски шолча устида ўтирадиган қарияга эътибор ҳам бермай қўйган, унинг бор-йўқлигини ҳеч ким сезмас ҳам эди. Миршаб, солиқчи, паттачиларнинг ҳам у билан иши йўқ эди гўё. Чол бу дунёи дунда шунчалар кўп яшаб қўйган эдики, кунлар, ойлар у ёқда турсин, йиллар, ўн йилликлар саногидан адашиб кетган, қай юрт, қай мамлакатда яшаётганини ҳам билмасди, чамаси.

Унинг ёнида жигарранг саҳтиён муқоваси титилиб, саҳифалари сарғайиб кетган бир китоб ётар, бу матоҳга ҳеч ким қиё ҳам боқмас эди.

Қўлида егулик, ичгулик яна алланималарни кўтарган одамлар оқими бир зум ҳам тинмас, чол эсини таниганидан буён шу эски китобни сотмоқчи бўлар, лекин сира харидор топилмас эди.

Онда-сонда тўхтаб, китобнинг у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрадиган зиёлинамо кишилар у нима ҳақида эканини сўраб қоларди. Чол хира тортган кўзларини ерга тикиб, “билмайман” дея тан олар, сўнгра ўзини оқламоқчи бўлиб бидилларди:

— Тўғри, бир вақтлар бу китобда нималар ёзилганини билардим. Бобом айтиб берган эдилар. Ҳозир эсимдан чиқиб кетган... Қайта ўқий десам, кўзим ўтмайди... Мен, ахир, бу дунёда қарийб юз йилдан бери яшайман. Юз йил!..

Қариянинг овози қалтирар, қаршисида безрайиб турган кимса бу китобни барибир харид қилмаслигини яхши билганидан, кўзларини яширмоқчи бўларди. Нурсиз кўзларида эса мудом ёш йилтирар, бу қарилик оқибатими ёинки аламданми, билиш мушкул эди.

— У кўп йиллар мобайнида чинор остида ўтириб, ёнидан мутассил ўтиб-қайтиб турган оломон табиатини яхши ўрганган, унча-мунча одамга китобни таклиф этмас, кўнглида ўзининг бу ноёб буюмини сота олишига андак умид пайдо бўлгандагина паст товушда илтижо қиларди. Шундай пайтларда чуқур ажин қоплаган юзини аллақандай илохий нур ёритгандек бўлар, бироқ ғала-ғовур заифгина овозини ямлаб-ютиб, яна бир лоқайд кимса эътибор қилмай ўтиб кетгач, қариянинг чехраси мотамсаро тус оларди.

У баъзан умидсизланиб, этагини қоқиб, туриб кетмоқчи бўларди-ю, бобосининг васияти ёдига тушиб шаштидан қайтарди: “Болам, бу ноёб китобни отангга эмас, сенга қолдираман. Отанг бунинг қадрига етмаса керак. У қорин бандаси... Сеннинг йўригинг бўлак, ўғлим. Сен бу китобни одамларга етказишинг лозим. Китобда одамзодни бало-қазолардан асрагувчи буюк сир бор. Ҳа, Буюк сир!.. Сен уни эгасига етказишинг даркор. Китобнинг ҳақиқий эгаси ким эканини мен билмайман... Зора, Оллоҳ марҳамати ила сен бу ишнинг уддасидан чиқсанг...”

Бобосининг сўнги нафасида айтган ана шу сўзлари кулоқлари остида садо берар, у хушёр тортиб, атрофга илинж билан боқар ва ўша, китобнинг ҳақиқий эгасини сабр-тоқат ила кутишда давом этар эди.

Қарилик қурсин, қарилик! Баъзан ички туйғуси панд бериб, китобдан мутлақо йироқ кимсалардан умид қилар, оқибатда ўсал бўлиб қолар эди.

...Ўшанда чинор энди барг ёза бошлаган, кун ниҳоятда илиқ ва нурли эди. Эрта тонгдан қариянинг кўнгли ҳам баҳор осмонидек ёришиб кетди. Бир маҳал истараси иссиқ ўртаяшар бир киши чол ўтирган ерга яқинлаша бошлади.

Китоб сотувчининг юраги ҳаприқиб, ўзининг азалий илтижосини такрорлади.

Сипо кийинган ҳалиги киши унинг овозини эшитдим, йўқми, буниси номаълум, лекин ҳарқалай бир муддат тўхтаб, чолга, унинг олдидаги очиқ китобга парвосиз нигоҳ ташлади. Сўнгра чўнтагидан пул олди-да, уни китоб устига ташлаб, йўлига равона бўлди.

Чолнинг бошидан бир челак совуқ сув қуйилгандек бўлди. Унинг китоби ҳеч кимга керак эмас! Унга садақа бердилар, холос!

У ғижимланган пулга қарадию бўғзига тикилиб келган аччиқ бир нарсани ютолмай, безовта бўлди. Кўзёшлари китобнинг сарғайган саҳифаларига чак-чак томар, чолнинг букчайган елкалари силкинар эди.

Китоб сотувчининг чинор остидаги узоқ йиллик ҳаётида ҳар хил ҳодиса рўй берган, аммо ҳали ҳеч нима тиланчи деб берилган бу садақачалик уни таҳқирламаган эди. Баҳорнинг бу нурли кунда шўрлик чол истарали одамдан бунчалик бедодликни кутмаган эди.

Қария ҳар қанча кўзёш тўкмасин, ҳаёт ўз измида давом этар ва унинг шафқатсиз қонунияларида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмасди. Сирасини айтганда, кимдир кимгадир садақа берса ва қандайдир чол қандайдир китоб узра кўзёш тўкса, нима бўпти? Ахир, дунёда кўзёш тўкаётганлар камми?!

Шу тариқа кунлар, ойлар, йиллар ўтаверди. Чолнинг овози тобора заифлашиб, кўзларида нур сўниб борар, лекин у ўзининг ноёб китобини сотишдан ҳамон умидвор эди.

Йил фасллари бир-бири билан алмашар, азим чинорнинг қуриган шохлари кўпайиб борарди. Чинор остида ўтирган чол ҳаётида эса бирор ўзгариш бўлмаган, ҳамон у қаерда тунаб, қаерда овқатланишини ҳеч ким билмасди.

Ниҳоят, кеч кузнинг совуқ ёмғирли намчил оқшомида чол бир қарорга келди шекилли, ёнидан ўтиб кетаётган зиёлинамо кишининг ёмғирпўши этагидан маҳкам ушлаб, ўзига тортди. Ҳалиги киши қалқиб кетиб, жаҳл билан ўги-



рилди. Ўгирилди-ю, чолнинг мунгли чехрасини кўргач, бир оз жахлдан тушди. Бу гал чолнинг ички туйғуси панд бермаган, рўпарасида ижирганиб турган кимса ҳақиқатан ҳам зиёлинамо киши эди.

— Бўтам, — дея илтижо қилди чол, — шу ноёб китобни сиз олақолинг. Шундоқ, текинга... Эҳтимол, бу китобдаги сирнинг тагига сиз етарсиз... Шунда ҳаётнинг кўп тилсимотлари очилса не ажаб...

Зиёлинамо киши ёмғирнўши этагини унинг қўлидан шахт билан тортиб олдию ўшқирди:

— Ҳой, мияси айниган чол! Мен китоб ўқимаيمان! Мен китоб ёзаман, билдингми?!

Чол қалқиб тушди, қўллари билан бошини пана қилганча мунгайиб қолди. Бу дағдага унинг шунча йиллар чинор тагида ўтириб, тўлмаган сабр косасига томган сўнги томчи эди. Боёқиш букчайганча сассиз йиғлар, узоқлашиб бораётган қадам товушлари садоси миясига гурзидек уриларди.

Шу изгирин оқшомда чол ғойиб бўлди. Эртасига чошгоҳ маҳали унинг ўрнида етти-саккиз ёшлар чамасидаги нимжонгина бир қизалоқ пайдо бўлди. Ориқ, ёрқин кўзлари катта-катта қизча жуссасига ярашмаган ширали бир товушда ўша эски китобни мақтаб, харидор изларди.

Қизчанинг кўзлари, ширали товуши ғойиб бўлган чолга жуда-жуда ўхшаб кетарди.

Чинор остида юз берган бу ўзгаришни йўлкани супуриб юрадиган фаррош кампирдан бўлак ҳеч ким пайқамади.

Мудом қаёққадир шошилган, ниманидир сотиб, ниманидир олиш илинжида бўлган оломоннинг ҳеч қанақа ўзгариш, китоб ва сир-синоат билан иши йўқ эди.

Одамларнинг сўнгсиз оқими денгиз мисоли гувиллаб, қизчанинг товушини ютиб юборарди, бебош шамол сарғайган саҳифаларни титкилаб, хуштак чаларди. Ёмғирнинг муздек оғир томчилари заъфарон япроқларни ерпарчин қилган, яримьяланғоч шохлардаги қарғалар қағиллаши юракларга ваҳима солар, лоқайдликнинг қалин пардаси аро ҳамон ўша илтижоли товуш акс садо берар эди.


— Амакижон! Бу жуда зўр китоб! Унда Буюк сир бор! Энг Буюк сир!.. Бу китобни бобом менга васият қилганлар, уни албатта ўз эгасига етказишим керак...

Ёмғир товуши борган сари кучаяр, қизалоқ илтижосини ҳеч бир қулоқ эшитмас, ола-ғовур йўлка зулмат қўйнига фарқ бўлиб бормоқда эди.



Мўмин ҲОШИМҲОНОВ

MASHRABNI ANGLASH



Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди адабиёт ва унга ёндош соҳа олимлари томонидан кўп тадқиқ қилинган. Бу мавзуда монография ва рисолалар, илмий мақолалар ёзилган, диссертациялар ҳимоя қилинган. Лекин бу дегани Машраб адабий мероси ҳар томонлама пухта ўрганилди, уни англаб етдик дегани эмас, албатта. Чунки шоир ижоди билан боғлиқ жуда кўп илмий муаммолар, мунозарали масалалар борки, улар муттасил изланишлару алоҳида тадқиқотларни тақозо этади.

Машрабшунослик ҳақида сўз кетар экан, марҳум устозимиз, филология фанлари доктори, профессор Исматулла Абдуллаев хизматларини алоҳида таъкидлаш зарурати сезилади. Кўп йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида фаолият кўрсатган олим умрининг сўнгги кезларида киндик қони тўкилган Наманган шаҳрига бориб, университет талабаларига сабоқ бериш баробарида, Машраб ижоди бўйича изланишларини давом эттирди, шоирнинг “Мабдаи нур” (“Нурнинг манбаи, чиқиш жойи”) асарини сўзбоши ва илмий изоҳлар билан нашрга тайёрлади. Ушбу китоб 1994 йили “Фан” нашриётида беш минг нусхада босилиб чиқди.

“Мабдаи нур”га ёзилган сўзбошида Исматулла Абдуллаев бу асарнинг адабий-илмий қийматини, унинг муаллифи Машраби Рўзибойи соний эмас, Бобораҳим Машраб эканини ишончли далиллар асосида исботлаб берган. Ўтган муддат давомида амалга оширилган тадқиқотлар ҳам буни тасдиқлади. Бу борада заҳматкаш олим Жалолиддин Юсуповнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир. У “Мабдаи нур”нинг Бобораҳим Машраб асари экани ҳақидаги янги далилларни, асарнинг даярли тенг ярми зикр этилган нашрга қирмай қолганини аниқлади. Машраб дунёқараши ва руҳий олами ўрганишда алоҳида ўрин тутадиган бу асарнинг Жалолиддин Юсупов тайёрлаган тўлиқ наشري наинки “Мабдаи нур”ни, балки улуг мутасаввиф ижодий меросини тадқиқ этишда ҳам янги босқични бошлаб бериши шубҳасиз.



Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Мабдаи нур”нинг ўн уч нусхаси мавжуд. Шахсий кутубхонасида ўн тўққиз нусхаси борлигига қарамай, Жалололидин Юсупов Бухородан ушбу асарнинг йигирманчи нусхасини топиб келди. Машрабнинг “Меҳрибоним, қайдасан?” номли шеърлар тўплами сўзбошисида бу фидойи инсон ҳақида устозлари Файбулла ас-Салом ва Наҳмиддин Комилов куйидаги фикрларни ёзган эди: “Жалололидин Юсупов машрабона рутбали, камтарин, дарвеш йигит. У бирон бир илмий даражага даъвогар ҳам эмас. Меҳнатидан топган даромадининг бир қисми ва бутун бўш вақти Машраб учун бахшида. Жалололидин фидойи тадқиқотчи, классик шеърининг нозикфаҳм билимдони, шунинг баробарида, хуснихат соҳиби — истеъдодли хаттот ҳам... Жалололидин бу билан қаноатланмоқчи эмас...”

Дарҳақиқат, машрабона рутбали зиёли бу билан қаноатланмади. Машраб меросини тўплаш, оммалаштириш устида муттасил изланиш олиб борди. Улуғ мутасаввиф шоир ижодининг шу пайтгача маълум бўлмаган намуналарини аниқлади, мингга яқин ана шундай шеърларини нашрга тайёрлади.

2005 йил эрта кузида Жалололидин Юсупов хонадонидида меҳмон бўлдим. Меҳнат қилиб катта боғни обод этаётган боғбон мураббий суҳбатидан кўп баҳра олдим. Қалби ёниқ, Машраб айтганидек: *“Бошдин оёқ туташиб хирмани оташ...”*. Суҳбатимиз икки кеча-кундуз давом этди...

Фидойилик шунчалар бўлар, 1990 йили “Меҳрибоним, қайдасан?” тўпламини нашр эттириш учун Жалололидин ака “Москвич” машинасини, уйидаги новвосларини сотган, хуллас, топганини сарфлаган эди. Бу сафар биргаликда Хатирчи туманининг навқирон ҳоқими Эркинжон Турдимовга учрадик. Барака топсин, маърифатга ҳомийлик қилишга бажонидил рози бўлди. Натижада Машрабнинг салмоқли “Девон”и “Янги аср авлоди” нашриётида тўрт минг ададда босилиб чиқди. Девон матнини нашрга тайёрлагани, унга сўзбоши ва шарҳ ёзгани, қарийб эллик саҳифали луғат тузгани Жалололидин Юсуповнинг бу китобни юзага чиқариш учун нечоғлиқ заҳмат чеккани далилидир.

Ҳозирги кунда Жалололидин Юсуповнинг қўлида Машрабнинг янги аниқланган яна етти юз-саккиз юз шеъри тўпланиб қолди. Уларни Жалололидин ака куйидагича тасниф этган: лирик шеърлар, “Мабдаи нур”, “Кимё”, “Қиссаи Вайс ул-Қараний”, “Қиссаи меърож”. Заҳматкаш олим бу асарларни нашрга тайёрламоқда. Фақат, бир муаммо бор: уларни чоп эттирадиган Эркинжон Турдимов сингари валломат топилармикан?!

Машрабнинг “Кимё” асари илмий ўрганилиши ва оммалашувида Исмадулла Абдуллаевнинг хизмати катта. Олим бу асарни ҳам биринчилардан бўлиб сўзбоши ва илмий изоҳлар билан нашр эттирди, оммалаштирди. Бундан ташқари, унинг изланишлари туфайли шоирнинг сара шеърларидан ташкил топган “Машраб ғазалиёти” китоби дунё юзини кўрди.

Бу каби асарлар нашри зоҳиран осонгина кўриниши мумкин. Таассуфки, бунинг замирида қанчалик заҳматли меҳнат ётганини, ҳатто тайёрлагандан кейин ҳам китоб ҳолида нашр эттириш нечоғлиқ мураккаб эканини ҳамма ҳам сезавермайди. Исмадулла Абдуллаев домла ўзи нашрга тайёрлаган Машраб асарларининг юзага чиқишида не машаққатлар чеккақини сўзлаб бергани ёдимда. Устоз вилоят миқёсидаги катта бир амалдорнинг қабулига борганида унга ҳатто эътибор беришни ҳам лозим кўрмаганлар. Ёрдам сўраб келган бир чол-да, деган нуқтаи назардан қарашган. Олим асарларининг библиографиясини эсдаликка қолдирган. Буни кўрган мансабдор “Ҳалиги мўйсафид қани?” деб сўраган. Лекин у кетиб бўлган эди. Шундан кейин ҳам, аслида олимни излаб топиб, унга ҳомийлик қилиш вазифаси бўлган мансабдор бу масалага масъулиятсизлик билан қараган...

Машрабнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари бўйича олиб борган илмий изланишларим натижасида келган хулосам шуки, шоир ижоди ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Олимларнинг бир-икки авлоди ҳам бу меросни мукамал тадқиқ этишга қодир эмас. Лекин улуғ мутасаввиф шоир асарларида қуйланган ғояларни кенг омамага, айниқса, ёш авлод онги ва шуурига етказиш мутахассислар олдидаги бурчдир, масъулиятдир.

Шоҳ Машрабнинг пири комили Офок-хожа “Машрабга озор берманглар, у Фаргона замини дардини кўтаради”, деган экан. Ваҳоланки, Машраб нафақат Фаргона замини, бутун олам изтиробини кўтаришга тайёр авлиё бўлган. Бу муболаға эмас, ўқиганларимдан уққаним. “*Бу олам аҳли ичра дилпаридон ўлмасун ҳеч ким!*” Мана, унинг фалсафаси. Бу мисрани Иброҳим Ғафуров одамзодга юборилган манифест деб атагани бежиз эмас.

*Барчалар ёнди гунаҳдин, мен-чи,
ёнамасман ҳануз,
Аё дўзах, мени куйдур, халойиқ
куймасун ҳаргиз!*

Қайси манифестдан кам шоирнинг бу нидоси! Шу боисдан ҳам Иброҳим Ғафуров Машрабни “башар фарзанди” деб ата-са, Нажмиддин Комилов унинг “камоли нури раҳмат” эканини таъкидлайди.

Машраб — ягона Ҳақнинг, Яратганнинг ошиғи. Шеърят ва тасаввуф бобида мўътабар мақомга кўтарилган. Шоирнинг мана бу мисралари ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Ошиқи нуктадон манам, пири
ҳидояхон манам,
Шуҳрати шеър бобида Машраби
мўътабар ўзум.*

Машраб ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши ҳануз талаб даражасида эмас. Тўғри, Иброҳим Мўминов, Ғафур Фулом, Иззат Султон, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Ғайбулла ас-Салом, Нажмиддин Комилов сингари олимлар бу мавзуда эътиборга молик илмий асарлар яратган. Бироқ шоир ҳаётининг қарийб йигирма йилидан кўпроқ даври ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Асарларини бугунги кўзқараш асосида таҳлил ва тадқиқ этиш зарурати ҳамон кун тартибиде турибди.


Наманган шаҳрида ҳар йили май ойида машрабхонлик кунлари ўтказилади. Наманганликларнинг улуғ шоир меросига бўлган ҳурмати чексиз. Наинки мутахассислар, ҳатто деҳқонлару ҳунармандларнинг ҳам Машраб ғазалларини ёд билиши, бу бе-

баҳо меросга эътиром билан қараши қувонарли, албатта. Бироқ машрабхонлик тадбирини янада юқори савияга кўтариш ҳаётий эҳтиёждир. Серхарж зиёфатларга сарфланаётган маблағларнинг ҳечқурса бир қисми Машраб асарларининг янги нашрлари учун ажратилса, асосий эътибор тадбирнинг маърифий савиясини оширишга қаратилса, улуғ мутасаввиф руҳи кўпроқ шод бўлар эди, назаримда.

Машраб ижоди бўйича изланиш олиб бораётган бир мутахассис сифатида шоир ижодини ўрганишнинг қуйидаги илмий муаммолари борлигини таъкидлаган бўлар эдим: улуғ мутасаввиф ижодининг манбалари, уни юзага келтирган омиллар, шоир асарларининг салафлар мероси билан қиёсий таҳлили, диний-тасаввуфий ва таълимий-ахлоқий қарашларини ўрганиш. Буларни тадқиқ этиш, асосли илмий хулосалар чиқариш зарур.

Ана шундай муаммолардан яна бири шоирнинг таваллуд санасига аниқлик киритишдир. Машрабшунос Жалолиддин Юсупов шоир девонига ёзган сўзбошида бундай дейди: “Яна бир далил шуки, Исҳоқ Боғистоний “Тазкираи қаландарон” асарида “ҳазрати шоҳ Машраб мавтлари айёминда 58 сана кечуб эрди” дейдилар”. Бу фикр тўғри кўринади. Зеро, Исҳоқ Боғистоний фикрига ишонмасликка асос йўқ. Раҳимбобонинг Балх ҳукмдори Маҳмудбий Қатагон амрига кўра Қундузда дорга осилгани манбалардан маълум. Бу машъум воқеа 1711 йили рўй бергани ҳам аён. Модомики 58 ёшида қатл этилган бўлса, Машрабнинг таваллуд санаси 1653 йил бўлиб чиқади. Демак, унинг 71 ёшида қатл этилгани ҳақидаги фикрлар ҳақиқатга зид. Шу боис улуғ шоирнинг таваллуд санасини қатъий далил асосида 1640 эмас, 1653 йил деб ҳисоблашга етарли асослар бор. Бундан келиб чиқадики, жорий йилда шоҳ Машраб таваллудига 355 йил тўлади.

Шоҳ Машрабни англаш — маърифатни англаш демақдир. Уни англаш ва англашиш, биринчи навбатда, миллат зиёлилари, мутахассислар зиммасидаги вазифадир. Табиийки, бу осон иш эмас, унга заҳмат ва машаққат эвазигагина эришмоқ мумкин. Машрабни англаш кўнгилларга кўр, шуурларга нур бағишлайди. Бундай саодат учун ҳар қанча заҳмат чекилса арзийди.



"NAVOIY, ANGLAKI! BOBI VAFO YOZILMAYDUR..."

Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний"си таркибидан тўртинчи "Фавойиб ул-кибар" девонида *"Вафо тариқида улким тиларки, қилса сулук// Керакки, тутса вафо аҳли шевасин маслук"* матлаи ила бошланган ғазал куйидаги байт билан тугалланади:

*Навоий, англаки, боби вафо ёзилмайдур,
Агар "Фусус" дурур, гар "Нусус"у йўқса "Фукук".*

Бу ғазалида шоир вафо, унинг моҳияти, вафо аҳлининг тўғри йўлдан бориши, бормаслиги, замона аҳлининг вафони тарк этгани; ҳатто фалак ҳам вафога сочини ёйиб, қора кийиб аза тутган эса, бечора халқ нечук тирик юргай, агар малак вафо ҳақида лоф уриб сўзласа, менга қадаҳ келтир, чунки у ҳам бешак бахтсиз, толесиздир; Навоий, сен англагил, бўлсин хоҳ "Нусус", хоҳ "Фусус", йўқ эса "Фукук" бўлсин, уларда вафо боби ёзилмайди, дея армонли фикрларни баён этади.

Ғазалдаги "маслук" (тўғри йўлни қабул қилмоқ), "мулук" (шоҳлар, ҳукмдорлар), "атрук" (тарк қилинган), "сук" (йиғи, фарёд), "мафлук" (бахтсиз, бечора), "машкук" (шубҳали, зиддиятли) қофиялари байтлар моҳиятини равшанлаштиради. Айни чоқда мисра охиридаги сўзларга маъно урғуси тушишини тақозо қилади.

Вафо тушунчаси, вафо аҳли, вафо лофини урганлар шоир наздида қандайлиги баён этилгач, шоир "Фусус", "Нусус" ва "Фукук"ни ёдга олади. Булар ғоят машҳур асарларнинг мухтасар номи бўлиб, ҳозирги ўқувчига номаълум экани изоҳ талаб қилмайди.

“Фусус” арабча “фасс”нинг кўплиги бўлиб, унинг луғавий маъноси узук кўзига ўрнатилган қимматбаҳо тошларни англатади. Навоий назарда тутган асар “Фусус ал-ҳикам” деб аталади. Уни машҳур олим, ориф, Ибн ал-Арабий номи билан танилган Абу Бакр Муҳйиддин Муҳаммад ибн Али ал-Хотамий ал-Андалусий (лақаби Шайхи Акбар) ёзган. Ибн ал-Арабий Испаниянинг Мурсия шаҳрида 560/1164-1165 йил дунёга келган. Ашбилада (Севилья) таҳсил кўрган. Ўттиз ёшида Испанияни тарк этиб, Тунис, Макка, Бағдод, Халаб, Мосул ва Кичик Осиёга сафар қилган. 638/1240-1241 йили Дамашқда дунёдан ўтади. У “Шаҳар ташқарисидаги Қосюн тоғ этагида дафн этилган ва ҳам ул мавзе “Солиҳия”га машҳур” (*Алишер Навоий*).

“Фусус ал-ҳикам”дан олдин Ибн ал-Арабий “Футухоти Маккия” номли 560 фаслдан иборат, ирфоний ақидалар шарҳлаб берилган асар ёзган. Банда Оллоҳга маҳкам эътиқод бошлаганидан сўнг унга зоҳирий ва ботиний неъматлар, ризқлар, ибодат илмлари, маърифий кашфлар ва бошқалар очила боради, дейилади.

Тасаввуф алломалари “Футухот” — дилдир, “Фусус” — жондир, деб таъриф этганлар. Ибн ал-Арабий “Фусус”ни мухтасар ҳолда “Нақш ун-нусус” дея номлаб, алоҳида китоб қилган.

“Фусус”даги ирфон ва тасаввуф усуллари, илоҳий ҳикмат, ҳақиқат рамзлари, маънолари шарҳи ва изоҳи, Абдурахмон Жомий фикрича, бошқа китобларда топилмайди. Шу боис бу асарга жуда кўп шарҳлар битилган. Масалан, Садриддин Қунавий (вафоти 1274-75) асарнинг услубий таҳқиқига оид шарҳлар ёзган. Абдурахмон Жомий “Фусус”даги уч рубоийнинг мазмунини шарҳлаб, рисола битган ва уни “Нақши Фусус” деб номлаган.

1494 йилдан 1784 йилга қадар “Фусус”га 19 ориф, тасаввуф тадқиқотчилари, жумладан, Заҳириддин Бобур авлодидан (Хумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон) Муҳаммад Доро Шукӯҳ ҳам шарҳ битган.

“Фукук” (*араб тилида қаттиқ назарни билдиради*) — Ибн ал-Арабийнинг “Ал-Фукук фи мустаноди ҳикам ал-Фусус” деб номланган асарига Садриддин Қунавий шарҳ ёзган.

“Нусус” (*арабча далил демақдир*) Садриддин Қунавийнинг Ибн ал-Арабий “Нақш ун-нусус”ининг услубий таҳқиқига оид асаридир (*тўлиқ номи — “Ан-Нусус фи-таҳқиқ ат-тавр ал-маҳсус”*).

Ибн ал-Арабий “Фусус” асари билан тасаввуф фалсафасида ваҳдати вужуд таълимотининг асосгузори бўлди. Ваҳдати вужуд ҳақиқий борлиқ бу — Мутлақ Зот — Парвардигорнинг яккаю ягона вужудидан иборат, бошқа барча мавжудот шу вужуднинг ижоди, инъикосидир, деган таълимотни англатади (*Нажмиддин Комилов*).

Юқоридаги асарларни ва ёдга олинган шарҳларни яхши билган, уларнинг моҳиятини етук идрок этганлар ҳам зоҳирий, ҳам ботиний эзгуликлар ва эътиқод мустаҳкамлигига ноил бўлади.

Алишер Навоий мазкур байти зимнида унинг руҳиятини ҳамиша бевозта қилган, юраги тубига дардли армон бўлиб чўккан вафо ҳақидаги тушунчаларни ҳам ёзгудек бўлсалар, мазкур асарларда маҳсус боб ажратилган бўларми эди, дейдики, ихом санъати воситасида ўз фикрини баён этади.

Суйима ФАНИЕВА

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР



KITOBLAR BILAN BAHS

Zuhriddin ISOMIDDINOV mutolaa qiladi

Одамлар дунё кезади: Швейцария, Канар ороллари, Австралия... Дунёнинг мен кўрмаган жойи қолмади, деб айтади. Орадан талай йиллар ўтиб, Косон ё Косонсойдаги, Кува ё Кувасойдаги бирон дам олиш уйида бўлиб қайтади-да, эҳ-ҳэ, юрган эканмиз-да ҳар жойни кезиб, жаннатмисол жой дегани ўзимизда экан-ку, дейди...

Ҳар йили дунёдаги юзлаб тилларда бир неча юз минг номда китоб чоп этилади. Бирон бир валломат йўқки, уларнинг лоақал мингдан бирини ўқиб чиқа олса. Энг ашаддий китобхўр, нари борса, улар орасидан ўзи билган бир-икки тилда юзтами, юз элликтасиними хатм қилади, холос. Ўшанда ҳам, кўнглига тўғри келганини.

Мен ўзимни китоб ўқишга хийла нўноқ деб биламан. Ўсмир чоғи қўлга нима илинса, устига мук тушиб, тунлари ухламай мутолаа қилган вақтларимиз бўлган, ҳозир эса сал совигандайман. Яна махфий қолмасин, бирон асар янги чиққан бўлсаю уни “жаҳон адабиётида янгилик” деб таърифласалар ҳам, дарров қидириб топиб, ётволиб ўқийдиган одатим йўқ. Нега, деб сўрарсиз. Билмадим. Эҳтимол, бунга қай бир йиллари Темур Пўлатовнинг алмойи-алжойи роману қиссалари Венгрияда шунчаки бир китоб бўлиб эмас, “Жаҳон адабиёти дурдоналари” туркумида босилганини газеталардан ўқиб, “дурдона” деганларидан ҳам кўнглим қолгани сабаб бўлгандир.

Бир ёқдан, адабий дунёқарашимнинг ана шу тариқа торроқлиги, қолаверса, ҳар бир асар аввало ўз адабий муҳитида баҳолангани дуруст, деган андишада, бошқа халқлар сўз санъатига мансуб асарларни кўятуриб, миллий адабиётимизнинг бир неча намунасига оид қуроқ фикрларимни улаб, мулоҳаза билдирсам дейман. Булар ҳам бирон асар ҳақида тугал фикрлар эмас, гўёки китоб жавонини очиб, ундаги бир-икки китоб устига қўнган чанг-чунгни артишдай гап.

НАВОИЙ ЖУМБОҚЛАРИ

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Тошкент, “Фан” нашриёти. 1987-2003.

Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006.

Китоб ҳақидаги гапни ҳазрат Навоий асарларидан бошласак тўғри бўлар. Чунки ўзини таниган ҳар қандай миллат мутафаккирлари сил-силасида Навоий каби сиймолар алоҳида, мунаввар бир ҳалқани таш-кил этадики, улар асарларининг ҳар галги нашри шу халқ ҳаётидаги улкан воқеа бўлади.


Ҳаммамиз ҳам миллат қуёши — Навоий асарларини ўқишни, ўқиганда эса уқишни хоҳлаймиз. Лекин Навоийни англаш осон эмас. Тилининг оғирлиги бир сари бўлса (“То олам аҳли билгайларким, Султон соҳибқиронғаким, мажолисда пайдар-пай хуб абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқеъ бўлур дағи маврусийдирким, нисбатин ул жадди бузрукворга тузатурким, ул бирининг макони равзаи жинон ва бу бири жаҳон мулкида жовидон бўлсун!”), фикрнинг ўта қуюқлиги, араб ёзувида бир неча сўзнинг бир шаклда ва бир сўзнинг бир неча шаклда ёзилиши каби китобхонни қийнайдиган ҳолатлар сабабли келиб чиқадиган сакталиклар... Боз, ўзбек тили, барча туркий тиллар сингари, динамик — тез ўзгарувчан табиатга эга. Бир ўзбек ўқувчиси бу тилда уч аср аввал ёзилган асарни ўқиб тушунишидан кўра, турғун тилли тожик китобхони етти аср аввалги асарни осонроқ ҳазм қилади. Шундан, англаш мушкул бўлган ёки янаям чатоғи — мутлақо тескари тушунилаётган нукталар бизда бисёр. Аммо Навоий асарлари учун шoir кўзи тириклигидаёқ луғат тузилганини эсласак, ўтмиш адабиётимиз тили ўша замондаги ўқувчилар учун ҳам “ҳолвайтар” бўлмаганини пайқаймиз.

Ул зотнинг асарларини, масалан, илми ҳисобга қиёсласак, бошқа шоирлар арифметика каби соддароқ, Навоий эса бамисоли олий математика — ҳамманинг ҳам фаҳми етавермайди. Шу сабаб, Навоий ўтган асарларда ҳам оммавий шоир бўлмаган. Унга етиш учун мактаб-мадрасаларда аввал бошқа адиблар ижоди ўқитилган. Бугун ҳам Навоийни англамоқ учун миллат маърифати юксалиши лозим. Шу маънода, Навоий замони энди келса ҳам ажаб эмас.

2006 йилда Масковда ўтган халқаро китоб кўргазмасида Навоий “Хамса”сининг янги нашри олий ўринга лойиқ деб топилди. Бу аллома шоир асарларининг биздаги сўнгги нашри. Аммо назаримда, бу нашрга ҳам, унинг шундай юқори баҳо олганига ҳам эътибор камроқ бўлгандек. Лоқайдроқмиз-да. Шоирнинг бундан аввал босилиб чиққан “Мукаммал асарлар тўплами” ҳам ана шу тарзда “қизгин” кутиб олинган эди. Ҳолбуки, Навоийнинг 20 жилдлиги ўзбек маънавий ҳаётида улкан ҳодиса эмасмиди?

Албатта, ундай кўргазмаларда мутахассислар аввало китобат санъатига — нашр техникаси, рассомлар маҳорати, қоғоз сифати, бадиий безак, дизайн деганларига кўпроқ эътибор қилади. Лекин мазкур манба билан танишиб, бу китоб бежиз шундай баҳоланмаган экан, деб қўйдим.

Тўрт йил аввал “Навоийнинг бенаво нашри” деган бир мақола ёзиб, унда улуғ шоирнинг асарлари илк бор йигирма жилд бўлиб жамлангани зиёлилар учун бир байрам экани, аммо кўп кутилган ушбу нашр аввало полиграфик жиҳатдан ниҳоятда ғариблиги, бунинг тостига, уни тайёрлашда илмий асосланган муайян принцип йўқлиги, юзлаб хато ва янглишувлар борлигини дарж этиб, таассуф билдирган эдим.



Бугун эса ўқувчи ёшларни кўзда тутиб лотин алифбосида босилган бу китобларда аввалги нашрдаги талай нуқсонлар бартараф этилганини кўриб, хурсандлигимни изҳор қилмоқчиман. Мана, бир мисол:

*Чарх эрур шўъбада санж, эй кўнгил,
Топма фирибе била ганж, эй кўнгил...*

Ҳийла билан бойлик (ганж) топма, деб уқтириляптими? Бу... жўн бир насиҳат эмасми? Қолаверса, шоир аввалги мисрада ўзи дунё шунақа алдамчи, деб турибди. Мантӣк кўринмайди-ку? Аммо янги нашрда “ҳол” ўзгача экан:

*Чарх эрур шўъбадасанж, эй кўнгил,
Топма фирибе била **ранж**, эй кўнгил...*

Яъни, дунё алдамчи, унинг фирибига учиб, ранж тортиб қолма...

*Сунбули бежон бўлиб афъи мисол,
Ғунча анинг нишидан озурдахол.*

Сунбул сочи илон каби жонсиз (?) бўлиб, ғунча унинг нишидан озорланиб... Бунинг маъноси нима? Навоий эса “бежон” эмас, “печон” (ўралувчи) деб ёзган экан. Сунбул сочи баданига илон каби ўралиб, бу ғунча унинг нишидан озорланиб!.. Мана буниси тушунарли, жумбоқ эмас.

*Зулф анга сунбули мушкин бўлиб,
Юз била енг лолау насрин бўлиб.*

Ёрнинг сочи хушбўй сунбул каби, юзи ва енги (?) эса лола билан насрин каби... Юзнинг лолага ўхшатилиши мақбул, шоирона, аммо енг... қандай қилиб насрин, яъни настаринга менгзалсин? Ўзи, енги насринсифат либос бўлганмикан?

*Зулф анга сунбули мушкин бўлиб,
Юз била **энг** лолау насрин бўлиб.*

Э-ҳа, “енг” эмас, “энг” (ёноқ) экан бу. Ана энди ўрни-ўрнига тушди.

*Зоҳир агар бўлди бориб дурднўш,
Фосиқ агар бўлди келиб хирқапўш.*

Тағин муаммо. Ҳатто ўтмиш адабиётида муаммо ёзган адиблар ҳам бунинг чигалини ечишдан ожиз қолиб, ҳайрат бармоғини тишлаб қоларди. Аслида, биргина сўз хато битилган экан. Яъни, “зоҳир” эмас, “зоҳид”. Вассалом! Зоҳид арақхўр бўлса, фосиқ эса хирқа кийиб, зуҳдга берилса... демоқчи шоир.

*Саҳни фалак боғидек ораста,
Ҳар гули онинг маҳи навкоста.*

“Маҳи навкоста” — янги синган, янги чиққан ой демак. Гул... янги чиққан ойга ўхшатиладими? Унақа эмасдир-ов. Шоир гулни фақат “маҳи нокоста”га — синмаган (тўлин) ойга ўхшатиши мумкин.

*Чун кўрди бу сурмадин очилди,
Мақсуд тилаб назора қилди.*

Аммо... “кўрди-очилди”да маъно йўқ. Шоир аслида “Чун кўзи бу сурмадин очилди” деб ёзган экан. (Сурма — кўзга шифобахш деган ҳадис бор.) “Кўз”ни “кўр” деб ёзиб, соғ кўзни кўр қилишга тайёр мисол-ку бу.

*Паридин ноқилу афсонадурмен,
Не тонг сув ўлсаким, девонадурмен...*

Яъни, бир паридан нақлу афсона сўзлайман, сув бўлса не ажаб, ахир мен девонаман... Тавба, бу нима дегани бўлса экан? Тагин янги нашрга қараймиз. Унда “*Не тонг сахв ўлсаким, девонадурмен*” деб битилган экан. Ана энди ҳамма гап ойдинлашди. Бояги ибора билан айтганда, “бу сурмадин кўзлар очилди”. Йўқса, хатони тўғри деб тушунар, Навойнинг шоҳбайтлари бизга тикон-бутоқли шоҳ байт бўлиб туюлар эди.

Ана шундай бепарволиклар оқибатида биз энг улуг шоиримиз она тилимизда битган мисралар мазмунини англамай қоляғимиз. Навойни нега тушунмаймиз, деб куйиниб, унинг жавобига тилимиз тез ўзгариш хусусиятига эга, боз, орадан шунча замон ўтди, дея “илмий далил”ларни ўйлаб топиб, ўзимизни овутиб юрибмиз. Ҳолбуки, Навойга давру даврондан эмас, мендан кетгунча, қабилдаги ёндашишларимиздан “осибе” етяпти.

Бундай мисолларни яна кўп келтирсак бўлади. Улар янги нашрнинг ютуқлари, албатта. Аммо мақсад ким хато қилганию ким уни тузатганини айтиш эмас. Асосий гап шуки, Навойда жумбоқ йўқ, уни ўзимиз тўқиб чиқаряпмиз ва сўнг, мана, бартараф етяпмиз. Чамаси, Навойни ана шу тарзда поғонама-поғона англаб, тадрижий яқинлаша борамиз шекилли...

БОБУРНИНГ БИР ЖУМЛАСИ

Б о б и р н о м а. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1960.


“Бобурнома”... Қуриганда ҳам ҳиди гуркираб турадиган дасторбошга ўхшайди бу асар — ҳар гал кўлга олганда янгитдан ифор таратади. Шунинг учун уни бот-бот ўқийман. Тилининг бир оз мураккаблиги шунга даъват этса ҳам ажаб эмас. Аммо ҳар галги мутолаа чоғида аввалгисидан англамаган ё чала уққан маъноларни топиб завқ қиламан. Ҳозир бутун бошли “Бобурнома” эмас, ундаги бир жумла ҳақида фикрлашмоқчиман.

Бунга эса яқинда ўқиганим Комил Авазнинг “Тонг эпкини” деган китоби сабаб бўлди. У ўндан ортиқ ҳикоя, ўнтача эссе, яна шунча мақолаю бир неча мактубдан ташкил топган. Албатта, бу ҳикоя ва эсселарнинг ўз фазилату нуқсонлари бор. Гап бунда эмас. Китобнинг охирида, илова қисмида Набижон Боқийнинг Комил Авазга ёзган мактуби ҳам берилибди. Набижоннинг хатида “*Бобурнома*”да ўз жонига қасд қилмоқ ҳолати бор. *Нашр асносида уни “Кўналга” романингизга “едириб” юборсангиз бўлади*” деган тақлиф битилган экан. Бу фикр Комил Авазга ҳам маъқул тушиб, у “*Бобур... “Ўзумни ўлумга қарор бердим”, дея жонига қасд қилиш учун бог гўшасига боради...*” деган гапларни дарж этади. Демак, Набижон ҳам, Комил оға ҳам Бобур ўзини ўлдириш ниятида бўлган, деб тушунбдилар.

Наҳот шундай бўлса?!

Ажабки, Бобур сўзларини ўз жонига суиқасд маъносида деб тушунганлар фақат икки киши эмас. Айримлар бояги жумлани “*Ўзумни ўлумга (ўлдиришга) қарор бердим*”, дея қавс орасида изоҳлаб тақдим этади.

Улуг шоиру мутафаккирлар асарларидаги бир мисра ёки жумла ҳам гоҳо ниҳоятда эътиборли бўлади. Шу парча унинг ҳаётидаги нафақат муҳим бир паллани, балки умрлик эътиқодини ойдинлаштиришда ҳам фавқулудда аҳамият касб этиши мумкин.



Ғарб илмида даҳо адиблар ижодидаги биргина сўз ёки парча талқинига оид бундай мисоллар беҳисоб. Ўзбек адабиёти тарихи майдонида эса бир жумла устидаги тадқиқотларга эҳтиёж янада кўп.

Шифоталаб Бобур азбаройи ихлосидан Хожа Аҳрорнинг “Волидия” асарини назмда таржима қила бошлайди. “Ушбу ният била “рамали мусаддаси махбуни аруз” ва “зарбоғи махбуни маҳзуф” вазнидаким, мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг “Субҳа”си ҳам бу вазндадур, рисола назмига шуруъ қилдим, ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди”, деб ёзади у. Яъни, таржима Жомийнинг “Субҳа” асари билан бир хил вазнда. Аммо Бобурни бизга тушунтирмоқчи бўлган баъзилар ўзи уни тушунмай, “Бобур Хожа Аҳрорнинг “Волидия”сини ҳам, Жомийнинг “Субҳа”сини ҳам ўгирган” деб уқтирадики, оқибат, илмда янглиш ахборот пайдо бўлади...

Албатта, араб алифбоси “инжиқлик”ларию қўлёмалардаги бадхатликлар орқасида келиб чиқадиган чалкашликлар бисёр. Аммо бугун биз сўз юритмоқчи бўлган масала қўлёмаларгаю услубга умуман дахлдор эмас. Гап шундаки...

Кимдир биров қай бир масалада янглишади. Банда беайб эмас. Орадан бир қанча вақт ўтиб ўзга бир одам ўша хатони такрорласа, бунгаям чидаш мумкин — балки бояги янглиш фикрни тўғри деб билгандир, ёки бўлдир, ўзи янгитдан хатога йўл қўйгандир. Бироқ шу хато фикр ҳали у, ҳали бу одам томонидан айтилаверса, нақд ҳақиқат деб эътироф этилиш даражасига келса, ундай “аксиома”ни бартараф қилган маъқул. Айниқса, бундай қарашлар улуғ адиб ёки алломанинг эътиқодини, ҳаётий аъмолини талқин этишга оид бўлса.

Кейинги вақтда айрим мақола ва бадиий асарларда гўё Бобурнинг бир пайтлар “ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган”и ҳақиқатдай очик ёзила бошлади. “Бобурнома”дан олинган парча бунга “далил” қилиб келтирилади.

Бобурнинг “Ўзумни ўлумга қарор бердим” деган жумласига таянган муаллифлар буни шоирнинг оғир изтироблари натижаси, дея ўйлагандир. Бу “икрор”дан шундай ҳукм чиқаришдан осони йўқ. Аммо...

Тоҳу тахт талашида Бобурнинг бошига оғир, таҳликали кунлар кўп тушган. Неча марта нақд ўлим чангалидан қутулиб ҳам кетган. Буларни у “Бобурнома”да саргузаштлари тавсифи сифатида эмас, ўшандай пайтда кишининг хаёлидан ўтадиган изтиробларни тасвирлаш, ўзини бу вартага ташлаган “дўст”ларнинг кирдикорларини қоралаш ва чин эътиқоднинг ҳалоскорлик қудратини далиллаш учун эслаб ўтади.

Ана шундай ҳолатлардан бири 1502(3) йили бўлиб ўтган.

Ҳар томони баланд девор билан ўралган бир кўрғон ичига душманлар қамаб олган, ёнида биронта ҳам қўлдоши қолмаган Бобур қаттиқ кўрқади: “...Муни дегач, манга ғариб ҳолате бўлди. Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш. ...Ўзумда бетоқатлиге фаҳм қилдим. Кўптум, боғ гўшасига бордим. Ўзум била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса, охир ўлмак керак.

Агар сад сол мони, в-ар яке рўз,

Бибояд рафт аз ин хоҳи дилафрўз.

Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракаат намоз ўқудум, бошимни муножотқа кўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур...” (174-175).

Яъни, Бобур ўлимни бўйнига олади. Бу ўзини ўлдиришга қарор қилади, дегани эмас, балки душман томонидан ўлдирилишига амин бўлиб, ўлимига иқрор бўлади. Бу — мусулмон киши учун фазилат. Чунки мусулмоннинг шеvasи “қазога розию балога собир”лик. Шунинг учун ҳам, Бобур нақд ўлим олдида таҳорат олиб, икки ракаат намоз ўқийди. “Меҳробдан чаён” романида Мирзо Анвар ҳам Худоёрхон жаллоди қўлида бўғизланишга тайёрланаркан, қатл майдонида икки ракат намоз адо этгани ёдингизда бўлса керак.

Бу намознинг тарихи шундайки, мушрикларни исломга даъват этиш учун юборилган бир неча муслим асирликка тушиб қолиб, ўлдирилади. Ўлим олдида уларнинг бири — Ҳубайб

сўнги тилаги сифатида икки ракаат намоз ўқишга изн сўрайди. Бу илтимос қондирилади. „Кейин Ибн ал-Харас ул кишини қатл қилди. Шу кундан эътиборан, тутқунликда қатл қилинаётган ҳар бир мусулмон учун қатл олдидан икки ракаат намоз ўқимоқлик Хубайбдан одат бўлиб қолди“ (Бухорий. Ал-жоми ас-саҳиҳ, 2-жилд. Тошкент, 1997, 307-бет).

Ўз жонига қасд қилиш эса исломда энг оғир гуноҳлардан. Ўзини ўлдирган одамга жаноза ўқилмайди, гўрда сўроқ-савол қилинмайди ва жони тўғри жаҳаннамга кетади, дейилади. Қуръони мажидни савоб йўлида ўз қўли билан кўчирган, исломнинг ҳар беш фарзини шеърий йўсинда батафсил баён қилган (бундан “Китоб ус-салот” нашр этилган), “ислом учун оворай ёзи бўлган” Мирзо Бобур наҳот ўз жонига қасд қилмоқчи бўлса?!

Душман ўраб турибди. Ўлдирувчилар — тайин. Нега энди шу ҳолатда одам ўз жонига қасд қилади? Башарти, Бобур ўзини ўлдирмоқчи бўлса (аслида, буни тасаввур этиш ҳам амримаҳол), икки ракаат намозни ўқимаган бўларди. Чунки ҳатто ислом йўлида жанг қилиб, кўп кофирларни ўлдирган, ўзи ҳам оғир яраланиб ўлаётган (демакки, шаҳид бўлаётган) бир одамнинг азобга чидаёлмай, қиличини кўкрагига ботириб ўз мамотини тезлаштиргани, яъни ўзини ўлдиргани учун Расулulloҳ уни “жаҳаннам ахлидан” эканини башорат қилган. Бу тарих Бобурга сизу биздан яхшироқ маълум эди ва Бобурнинг ўлимни бўйнига олиб ўқиган икки ракаат намози — шаҳидлар намози эди.

Ифода нуқтаи назаридан ҳам мазкур талқин хато. Чунки Бобур муаллиф дўстларимиз ундаётган ҳаракатга “кўнганида” “Ўзумни ўлдурмакка қасд қилдим” деб битган бўлар эди. Бобурнинг жумласи (“Ўзумни ўлумга қарор бердим”) эса “ўлимим муқаррар эканини билдим, ўлимимга иқрор бўлдим” дегани, холос (қарор, иқрор, муқаррар — бари бир ўзақдан). Гап битта жумла талқинидагина эмас, Бобурнинг эътиқоди, тийнати тайин этишда.

Бобур ўзини ўлдиришга қарор қилиши — ғалат ва унинг шаънига номуносиб. Бунақа хато тахминлар чин ҳақиқат тарзида талқин этиладиган бўлса, оммалашиб кетади, ҳатто олий ўқув юртига кириш имтиҳони тестларида “Бобур қачон ўзини ўлдирмоқчи бўлган? Жавоб: а) фалон йили; б) пистон йили...” каби саволлар пайдо бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

ҲАЖВИЙ РОМАН ОРЗУСИ

Илья И Л Ъ Ф, Евгений П Е Т Р О В. Олтин бузоқ. Тошкент, Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977; Ўн икки стул. 1978.

Яқинда Илья Ильф билан Евгений Петровнинг “Ўн икки стул” ва “Олтин бузоқ” романлари таржимасини тагин бир ўқиб чиқдим. Улар ғалати асар — ҳар мутолаа чоғида ўзимни ўтган асрнинг олағовур йигирманчи йиллари муҳитига тушиб қолгандек ҳис этаман. Яна, улар анъанавий “роман” қолипларига жилла мувофиқ келмайди: классик таърифун талабларга кўра, роман қаҳрамонларнинг муайян шарт-шароитда ўсиб-улғайишини кўрсатиши керак, аммо мазкур асарларнинг бош қаҳрамони, буюк мудаббир Остап Бендернинг характери бутун асар мобайнида қилт этиб ўзгармайди — ҳамиша хушчақчақ, уддабурон, топқир. Демак, агар бояги таърифга асосланадиган бўлсак, бош қаҳрамон Остап Бендер эмас, балки давр — ўтган асрнинг йигирманчи йиллари воқелигининг ўзи экан, деган хулосага келамиз.

Бу икки асарда кулги йўқ бирон саҳифани, кулгисиз тасвирланган бирон лавҳани тополмайсиз. Муаллифлар барча қаҳрамонлар, асарда тасвирланган жами одамлар устидан кулади. Бирон бир тасвир йўқки, кулгига олинмаган бўлса. Шу маънода айтиш мумкинки, Илья Ильф билан Евгений Петров давр устидан кулишади. Мана, ўзингиз бир қаранг, Масков темирйўл вокзаллари бирма-бир таърифланяпти: “...Бироқ йўловчиларнинг ғаройиблиги жиҳатидан ҳаммаси Рязань вокзалидан ўтаверсин. Бу





ерда оппоқ салла ўраб, анвойи тўн кийган ўзбекларни, қизил соқолли тожикларни, туркманлар ва бухороликларни кўриш мумкин. Буларнинг республикалари узра куёш абадий нур сочиб турибди". Сўнгги жумла Шўро давлати томонидан "серкуёш" деб таърифланган, аслида эса Масковга нисбатан илиқроқ бўлган Ўрта Осиё халқларини лақиллатиш қай даражадалигини кўрсатмоқ учун дарж этилган. Сокта ҳаёт вокзалда яна давом этади: "Рухсатнома олмаган олибсотарлар саватини бошига кўйиб, товукдай тумтарақай қочяпти...". Нақадар табиш манзара, шундай эмасми?

Ҳар икки романда қахрамонлар, янги ижтимоий-иқтисодий тузумга ўтиш жараёнидаги бошбошдоқликлардан фойдаланиб, мўмай пулни осонгина қўлга киритиш илинжида бутун мамлакат бўйлаб чарх уриб кезишади. "Ўн икки стул"да Остап Бендер собиқ дворянлар сардори Ипполит Матвеевич Воробьяниновга шерик бўлиб Петухова хонимнинг давлат мусодара қилган ўн икки стулни қидирса (улардан бирининг ичига бой хотиннинг гавҳарлари яшириб қўйилган бўлади), иккинчи асарда яширин миллионер Корейконинг пулидан бир қисмини тортиб олиш учун Остап янги ҳамтовоқлари Шура Балаганов, Адам Казимирович ва Паниковскийлар билан сафарга чиқади. Бирок ана шу саргузаштлар давомида мамлакатнинг ҳар тоифа аҳолиси бошдан кечираётган янги турмуш манзаралари ўқувчи кўз ўнгидан улкан бир полотнодаги тасвир сингари ўтиб боради. Мана, Ипполит Матвеевич билан Остапни эски замонни тиклаш учун курашувчи яширин ташкилот раҳбарлари деб ўйлаб уларга пул берган, эвазига шаҳар ҳокимиятида юқори лавозимларни олишни кўзлаган лақмалар, мана, етимхона пулини шилиб, унга ўзию хотинининг уруғ-аймоғини жойлаштирган муттахамлар; тирикчилик илинжида ёзилган шеър ребуслари билан журналларни тўлдириб ташлайдиган қўлбола шоирлар; мумтоз сахна асарларини "янги талқин"да бир чақалик қилиб сахнага олиб чиқаётган, мой-бўёқ ўрнига гайкалар, қозиқ михлардан, винтлардан мозаика ясашга ўтаётган "пролеткульт"чилар; черковини ташлаб, бояги ҳазина илинжида "риёзат" чекаётган руҳонийлар; инқилобчи лейтенант Шмидтнинг ўғлиман, деб турли ташкилотлардан моддий ёрдам олишга устаси фаранг бўлиб кетган такасалтанглар; корхона маблағини талон-торож қилиб қўлга тушган ҳамтовоқлар, эски замонни қўмсаб, ўлганининг кунидан идораларда ишлаётган "хизматчи"лар; собиқ тоғлик князь, ҳозирда "Шарқ меҳнаткаши" ҳисобланган Гигиенашвили сингари баттол ижарагирларга тўлиб кетган кўп хонадонли уйлар; бир-икки ой фаолият кўрсатиб сўнайдиган "ширкат"лар ва уларнинг ҳамिशалик раиси-Фунт каби устомонлар; "тозалаш"дан кўрқиб жиннихонага ётиб олган қаллоблар ва бошқа ўнлаб, юзлаб ҳажв оловида жизғанақ бўлаётган одамлар... Бу тасвирларда йигирманчи йиллардаги олақуроқ оломоннинг абсурд ҳаёти бор бўйи билан намоён бўлади.

Бунақа асарни бошқа тилга таржима қилиш ҳам осон эмас. Чунки кулгини ифода-лаш воситалари ҳар бир тилда бошқа-бошқа. Бинобарин, бир жойда бой берилган кулгини бошқа бир ўринда йўқ ердан бино қилиш ҳам керак. Асар воқелигига заҳа етказмаган ҳолда кулгисиз жойдан кулги топиш учун эса таржимон ҳам асар муаллифи даражасида қалам суриш қобилиятига эга бўлиши шарт. Ўзбек тилидаги таржиманинг ҳам қойилмақом эканини далиллаш учун раҳматли Миад Ҳакимов қаламидан чиққан бир-икки жумлани келтирайлик. Хотини пишираётган ғоз гўштини кутиб ўтирган инженер Брунсни таржимон "ғозталаб бўлиб ўтирган одам" деб таърифлайди. Қорни тўйган Брунсининг гапини қаранг: "Ҳозирги ғозларнинг ҳам ғози қолмабди, — деб тўнгиллаб қўйди инженер ичкари кирар экан". Булар — ўзбек тилининг ички имкониятлари ҳисобигагина юзага чиққан. Мана, Остапнинг бир кечалик куёв бўлиб Грицацёввага уйланиш тўйи тасвири: "Бева хоним Грицацёвванинг қасри олийлари кўзни қамаштиради. Тўй дастурхонининг тўрида ваъда қилинган қирол — турк фуқаросининг ўғли ўтирибди. Кўриниши башанг, кайфи тароқ. Меҳмонлар чуғурлашади".

Бу икки романни яна жавонга териб қўяётиб, ўйлайман: мана, XX асрнинг сўнги ўн йиллигидан бошлаб биз ҳам янги турмушга кирдик. Одамлар ҳаётида янгилик бисёр. Ҳўш, бу янгиликлар уларнинг онгида қай даражада акс этяпти? Кулги кўзгайдиган, захарханда уйғотадиган ҳолатлар келиб чиқмаяптими, ҳамма нарса дарров, оппа-осон ўзгариб қоляптими?..

Аслида, бу икки асарнинг сюжети изчил эмас — Петухова хонимнинг гавҳарларини қидириш ёки фарибгар Корейконинг бир жомадон пули ортидан изгишдан ташқари, замоннинг илллати бўлган ўнлаб бошқа воқеалар тафсилоти ҳам борки, улар алоҳида олганда, катта бир ижтимоий масалани кулги йўсинида юзага чиқаради. Икки пулга қиммат ребуслар тузиб газета-журналларга пуллайдиган Синицкий, ҳар қанақа мавзуда манзума тўкиб ташлай берадиган, “Гавриилнома” туркуми муаллифи шоир Ляпис, трамвай йўли очилишига бағишланган анчайин бир йиғинда ҳам асосий масалага муқаддима тарзида жаҳон революциясидан гап бошлаш удуми, рассомлар бўёқ ўрнига сулини матога елимлаб ёпиштириб, уни “инқилобий санъат” деб тақдим этишлари каби ўткир кулги тиғи санчилган воқелиklar сон-саноксиз!

Мана, “Ўн икки стул”дан олинган бир-икки жумла: “Вокзал пештоқидаги соатга қарашса, ўндан беш минут ўтибди. Ярославль вокзалидаги соат роппа-роса ўн. Иккала сайёҳ Рязань вокзалининг теласига қараб, ўн икки бурж тасвири туширилган нофармон соатни кўришсаки, вақт беш минута кам ўн.

— Қизларга ваъда берадиган жой экан! — деб қўйди Остап. — Ўн минут сийлови бор, кечиксанг гап тегмайди”.

Асарда шунчаки айтиб кетилган мана шу оддийгина эпизод кейинчалик бутун бошли бир асарга айлангани — Азиз Несиннинг “Майдондаги соатлар” деган ажойиб ҳажвиясига ҳамиртуруш бўлганини биларсиз? Мазкур икки романда бу хилдаги топилдиқлар беҳисоб...

Китобийроқ қилиб айтганда, адабий орзуларга бериламан: бизда қачон шундай асарлар пайдо бўларкан? Сираси, бу биргина менинг тилагим эмас, ўттиз йиллар муқаддам Озод Шарафиддинов домла ҳам Неъмат Аминовга шу гапни айтиб, каттароқ ҳажвий нарса ёзишга ундаган экан. Неъмат ака-ку ёзди, ёзгандаям қойилмақом қилиб ёзди “Ёлғончи фаришталар”ни. Унда қаламга олинган Баширжон, Шамси Тўраевич, Қирмизхон, Қиёмхон каби тиглар ҳам бетимсол. Аммо... бу асар, аввало, ёлғизлик қилиб турибди. Шериғи йўқ. Сониян, унда Бухоро маҳаллий колорити устунлик қилади, умуммиллий кўлам сал етишмайди. Бунинг устига, “Ёлғончи фаришталар”да сатира руҳи, ҳатто памфлет руҳи устунроқ. “Ўн икки стул” ва “Олтин бузук” романларида эса — юмор. Шунданми, улардаги персонажлар ўқувчи нафратини кўзғатамайди, балки уларнинг суюкли образи саналади. Бош қахрамон Остап Бендерга Одесса шаҳрида ҳайкал қўйилган, Масков телевидениесида “Ўн икки стул” кўрсатуви бор эди, “Литературная газета”да эса “Шохлар ва тўёқлар” артели (руқн) фаолият юритади. Ҳар икки асарнинг қойилмақом киноталқини бор, не-не улуг актёрлар бу фильмларда суратга тушишга даъвогар бўлган... Бу романларнинг қахрамони айтган “автомобиль хашам эмас, қатнов воситаси”, “Ҳамонки, мамлакатда пул айланиб юрар экан, кимнингдир қўлида у кўп тўпланиб қолади” сингари талайгина гаплар рус адабий воқелигида афоризм қатори бўлиб қолган.

Ўзбек адабиёти ана шундай бир кулги романга жуда-жуда муҳтож.



Ijtimoiy himoya — taraqqiyot asosi

Мустақилликка эришилгандан сўнг марказлашган режавий хўжалик тартиботидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишига айланди. Бинобарин, мамлакатимизда ўтказилаётган барча ислохотлар инсонга муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган. Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилнинг бири аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш экани ҳам айнан шу мақсад ифодасидир. Мазкур беш тамойил асосида ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўрилган зарур чора-тадбирлар одамлар турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда беқиёс аҳамият касб этди ҳамда мамлакатда осойишталик ва барқарорликни сақлашнинг асосий омилларидан бири бўлди.

“Ислохотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири аҳолининг кам таъминланган табақаси, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир” деган эди Президентимиз (И.Каримов. *Биздан оғод ва обод Ватан қолсин. Т., “Ўзбекистон”, 1996. 2-жилд, 309-бет*).

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мутлақо янги, демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятининг илғор тизими шакллантирилди. Жумладан, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, “Оила маркази”, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари; нодавлат ташкилотлар; айрим мулк эгалари, сармоядорлардан иборат кўнгилли ҳомийлар; халқаро ташкилотлар, инсонпарварлик ёрдами кўрсатадиган хорижлик ҳомийлар фаолияти учун зарур шароитлар яратилди.

Бугунги кунда муҳтожларга ажратилган нафақалар ва моддий ёрдамнинг муайян қисми ўзини ўзи бошқариш органлари орқали етказиб берилмоқда. Маҳалла ижтимоий тизим сифатида асосий мавқега эга бўлди. Бундай ён-

дашув умуминсоний қадриятлар, миллий анъаналар ва халқимиз руҳиятига мос, шунингдек, мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти талабларига, бу жамиятда оила институти эгаллаши лозим бўлган муносиб мавқега айнан мувофиқ келади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кекса авлод манфаатлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлод жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш ва бу борадаги ишлар кўламини жонлантириш ҳамда қучайтириш мақсадида 2006 йил 5 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Бундан кўзланган мақсад шундан иборатки, келажакда йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади. Иш билан банд бўлмаган аҳолининг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имкони яратилади. Натижада касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлаш мумкин бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мулкни хусусийлаштириш ва янги иқтисодий тизимни жорий этиш борасидаги ислохотлар жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мавжуд сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий мезонлар анिқ ҳисобга олингани билан ҳам ажралиб туради. Чунки ўтиш даврида қонунчилик ҳали тўлиқ шаклланмагани, баъзан эса мавжуд қонунларга бўйсуниб яшашга ҳали одатланмаганимиз натижасида турли суиистеъмоллик ҳоллари ҳам юз бериши табиий. Иқтисодий қонунбузарлик (фойдани яшириш, солиқдан қочиш) ва бошқа кўзбўямачиликлар оқибатида кимдир бойиб кетиб,

кимдир қашшоқлашиб қолиши мумкин. Ана шундай пайтда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли турли табақалари турмуш тарзининг адолатли мувозанатини сақлаб туришда давлат муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, аҳолини турли сиёсий бўҳронлардан асраб қолиш, уни ижтимоий муҳофазалаш, кескин табақаланишга йўл қўймаслик, яшаш ҳуқуқи каби олий ҳуқуқларни муқаддас тутиш — юртбошимиз инсонпарварлик сиёсатининг туб мазмунини ташкил этади.

Бу эса жаҳон жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланган беш тамойилдан бири —

ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи бўлиши қонидасининг изчил амалга оширилаётгани натижасидир.

Демак, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва қабул қилинаётган мақсадли йил дас-турларининг асосини ташкил қилади.

Турсунмурод МАМАТҚОБИЛОВ,

сиёсий фанлар номзоди,

Холмурод ХИДИРОВ,

тадқиқотчи

Barqarorlik va xavfsizlik kafolati

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адо-ғида совуқ уруш ниҳоят поёнига етди ва икки кутбди дунё тартиботи барҳам топди. Бунга қадар ер юзида сиёсий зиддиятлар асосан кучга таяниб баргараф этилган бўлса, энди унинг ўрнини янги — илмий ёндашув усули эгаллаб бошлади. Илмий ёндашувнинг кучга таянишдан асосий фарқи ва афзаллиги шундаки, бунда муаммо авж олиб бўлгач, зўрлик асосида бос-тирилмайди, балки у ҳали етилмай туриб, дар-ҳол олдини олиш чоралари кўрилади.

Бинобарин, ички ва ташқи сиёсатнинг ус-тувор йўналишларини белгилаш ҳамда улар юзасидан самарали қарорлар қабул қилиш асо-сига эндиликда илмий-тадқиқот, яна ҳам аниқ-роғи, ахборот-таҳлил марказлари тавсияси қўйилаётир. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, ахборот-таҳлил марказлари мамлакатнинг мил-лий манфаатлари ифодачиси сифатида намо-ён бўлиши, унинг барқарорлиги ва хавфсиз-лигини таъминлашга хизмат қилиши зарур.

Ахборот-таҳлил марказлари ички ва ташқи сиёсатнинг асосий субъектларига нисбатан яқин ёки олис истиқболда юзага келиши мум-кин бўлган ҳолатларни тадқиқ этиш билан шу-ғулланади ва айни ўринда “субъектлар” исти-лоҳи: аҳолининг асосий ижтимоий қатламлари; сиёсий партиялар ва сиёсий гуруҳлар; ҳар бир мамлакатдаги ҳукмрон синф; шунингдек, нокон-структив ижтимоий гуруҳларни ифодалайди.

Илм-фанда бундай тадқиқотлар функцио-нал-стратегик таҳлил номи билан юритилиб, унинг натижалари эса ечимлар ёки моделлар

шаклида бўлади. Бир неча босқичдан иборат ушбу жараён ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: ўта муҳим миллий манфаатларни бел-гилаш; бу манфаатларга нисбатан юзага кели-ши мумкин бўлган таҳдидларни ажратиш; мам-лакат ёки ҳукуматнинг асосий субъектлар би-лан бу борадаги шерикчилиги ва ҳамкорлиги-ни аниқлаш; ички ва ташқи сиёсатдаги ўзга-ришлар таъсирчанлигини баҳолаш; мамлакат истиқболига доир прогнозлар тайёрлаш, “сце-нарий”лар тузиш; ва бошқалар.

Функционал-стратегик таҳлил самарадорли-ги даставвал ахборот-таҳлил марказлари иши қандай ташкил этилишига боғлиқ. Шунга кўра, бундай марказлар фаолиятини уюштиришда қуйидаги омиллар инobatга олинаши зарур: би-ринчидан, мамлакат миллий манфаатларини ил-мий таснифлаш негизидан улар орасидан бир-ламчиларини ажратиш; иккинчидан, ахборотни таҳлил этишга жалб қилинган ходимларни икки йўналиш — мамлакатшунослик ва муаммошунос-лик бўйича ихтисослаштириш; учинчидан, ах-борот билан ишлаш мақсадида асосий манба-ларни белгилаб, ахборотни узатувчи ва уни сақловчи воситалар фаолиятини тизимлашти-риш; тўртинчидан, мавзу ва муаммога оид ах-борот мажмуини яратиш; бешинчидан, таҳлил тезкор суръатда, ўз вақтида ва ишончли тар-зда адо этилишини таъминлаш.

Функционал-стратегик таҳлил сиёсий қарорлар қабул қилиш тизимининг муҳим тар-кибий қисми бўлиб ҳисобланади. Америкалик олим Г.Лассуэл сиёсий қарорлар қабул қилиш-

ни олти босқичдан иборат мураккаб жараён сифатида кўрсатиб беради. Булар — муаммони аниқлаб, унга доир маълумотларни жамлаш; муаммонинг бир неча муқобил ечимларини ишлаб чиқиш; ушбу ечимлар орасидан энг мақбулини ажратиб олиш; қарор қабул қилувчи шахсни айнан шу ечим тўғрилигига ишонтириш; қабул қилинган қарор самарадорлигини назоратдан ўтказиш ва баҳолаб бориш; қарорга йўл-йўлакай тегишли тузатишлар киритиш, зарурат туғилганда эса, қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш босқичларидир.

Сиёсий қарорлар қабул қилиш тизими ҳақида ғарблик яна кўплаб тадқиқотчилар фикр билдириб ўтган. Чунончи, Д.Веймер ва А.Вайнинглар Г.Лассуэл қарашларига анча яқин нуқтаи назарни баён қилса-да, уларнинг тавсиясида баъзи фарқли жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, бу тадқиқотчилар муқобил ечимлар орасидан бирини энг мақбул деб танлаб олиш билан кифояланмай, у келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан чамалай билиш ҳам зарур, деб ҳисоблайди.

Ахборот-таҳлил марказларининг фаолият самарадорлиги масаласи ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаган. Улар бу борада ўз кузатишларига таяниб, талайгина тавсиялар ишлаб чиққан. Масалан, америкалик олим И.Янис сиёсий ва ҳарбий соҳалар бўйича тав-

сиялар яратувчи гуруҳлар тафаккурини тадқиқ этиб, баъзи эътиборга молик хулосаларни ўртага ташлайди. Унинг аниқлашича, бир таркибдаги гуруҳ вақт ўтиши билан малакасиз қарорлар қабул қилиш даражасига тушиб қолар экан. Демак, бундай гуруҳлар таркиби доимий равишда ўзгартириб ва янгिलाб турилиши лозим.

Америкалик бошқа бир олим У.Гордон ушбу соҳага давра суҳбатининг синектика деб аталган қизиқарли усулини тадқиқ этиш таклифи билан чиқади. Унинг кузатишича, ўта зукко экспертчи олимларга қараганда, юзакироқ билимга эга дилетантлар кўпинча тўғри қарорлар берар экан. Бундай вазиятларда ўз фанининг назариясидан четга чиқа олмаслик экспертчи олимларни янги ва фавқулодда йўлларни топиш имкониятидан маҳрум этади, деб ҳисоблайди олим.

Бугунги кунда илмий негизда сиёсий қарорлар қабул қилишга доир илғор хориж тажрибасини ўрганиш биз учун гоёта фойдалидир. Бу тажрибалар мамлакатимизнинг миллий манфаатлари ишончли ҳимоя этилиши, унинг барқарорлиги ва хавфсизлиги самарали таъминла-нишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Хайрулла УМАРОВ,
сиёсий фанлар номзоди

Kosmopolitizm tantana qiladimi?

Ахборот асрига қадам қўйган инсоният унинг кўплаб афзалликлари қатори талай зиддиятларига ҳам дуч келмоқда. Ана шундай зиддиятлардан бири — миллатлар глобаллашув шароитида ўзига хослигини сақлаб қола оладими ва башарти сақлаб қолаолса, бунга қандай йўл билан муваффақ бўлиш мумкин, деган хавотирли саволда ўз ифодасини топмоқда.

Жаҳон тамаддунининг янги даври маданияти ва мафурасига доир илк тадқиқотлар ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШ сиёсатшунослигида пайдо бўлган. Салкам қирқ йиллик тадқиқотлар хулосасига кўра, ер юзида иқтисодий интеграция тобора ўқори босқичга кўтарилмоқда ва бунинг самараси ўлароқ сиёсат ва маданиятда ҳам шу жараён рўй бермоқда. Иқтисодийнинг миллий сарҳадлардан ташқарига чиқиши сиёсат ва маданиятнинг ҳам бундай че-

гаралардан ошиб ўтишига сабаб бўлаётир. Ҳозирда миллий миқёсда тарқ этиб, миллатлараро миқёсга эришган маданият ва мафкурага нисбатан космополитизм атамаси ишлатилапти. Дастлаб АҚШда куч-қувват тўплаган космополитизм эндиликда Ғарб мамлакатларига ҳам тобора кенг ёйилмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу жараёнда иқтисодийнинг роли жуда муҳим ҳисобланса-да, у бирдан-бир омил эмас.

Айни чоқда космополитизмнинг ватанпарварликдан "афзал"лигини асослашга уринувчи олимлар сафи кенгайиб бораётгани ташвишланарлидир. Чикаго университети профессори М.Нуссбаум ўз ватанидан фахрланиш туйғусини "ахлоқан хавфли эмоция" деб ҳисоблайди ва бу "ҳақиқат"ни исботлашга зўр бериб ҳаракат қилади. У инсонларни бундан буён

“башарият ҳамжамиятига содиқ бўлиш учун онт ичиш”га даъват этади. АҚШлик бошқа профессорлар Э.Гутманн (Принстон), Р.Сеннет (Нью-Йорк), Ж.Лигсицлар (Сан-Диего) ҳам, ватанпарварлик — ўтмиш сарқити, дея хулоса ясаб, ундан воз кечишни ёқлаб чиқади.

Ҳўш, сайёравий яккахокимликка даъво қилаётган космополитизмнинг мафкура ва маданият сифатидаги мохияти нимадан иборат? Яна ўша уммон орти мамлакатли олимлари — З.Бжежински, Д.Белл, Э.Тоффлерлар фикрига асосланиб, буни шундай ифодалаш мумкин. Биз қадам кўяётган асрда ахборот сиёсий эмас, иқтисодий товарга айлана боради ва бу қонуний тарзда деидеологизация, яъни мафкурадан “халос” бўлишга олиб келади. Одамлар энди фақат ўз туйғу ва эҳтиёжларига таянувчи ҳаёт тарзини танлаш “хуқуқ”ини кўлга киритади. Хуллас, ахборот-коммуникация технологиялари ва халқаро алоқалар борасида ақл бовар қилмас даражада илгариллаб кетиш орқали хилма-хил давлат ва халқларнинг ҳаёт меъёри ва турмуш тарзини бир хиллаштириш мумкин, деб ҳисоблайди улар. Бундай бир хиллик эса, албатта, Фарб андозаларига асосланади.

Лекин айна чоғда дунё бўйлаб бунга қарама-қарши кайфият ҳам тобора кўчайиб бораётганидан кўз юмиш мумкин эмас. Гарвард университети профессори С.Хантингтон Фарб бошқа тамаддунларга бениҳоя улкан, айрим ҳолларда эса вайронкор таъсир ўтказган бирдан-бир цивилизациядир, дея таъкидлайди. Шунингдек, унинг эътирофича, Фарб маданияти тобора жозибдорлигини йўқотиб бораётир ва Фарбга мансуб бўлмаган аҳоли яна ўзининг асрий маданиятига ишонч билдириб, садоқат изҳор этаётир. Оқибатда Фарб билан қолган дунё ўртасидаги муносабатларда бир масала асосий муаммога айланмоқда, дея хавотир билдиради олим. Бу Фарб ва айниқса АҚШнинг универсал Фарб маданиятини ёйишга астойдил интилиши ва аксига олиб буни удалашга бўлган лаёқати тобора пасайиб бориши ўртасидаги номувофиқликдир.

Демак, ҳозир ер юзида мафкурага муносабат борасида икки ўзаро қарама-қарши нуқтаи назар мавжуд бўлиб, булар — сайёравий ва миллий ёндашувлардир. Ўзбекистон учун улардан қай бири афзалроқ: сайёравий мафкурами ёки миллий мафкурами? Бу саволга жавоб беришдан олдин мазкур соҳага оид Россия тажрибаси билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирда аксарият рус олимлари шуни яқдиллик билан таъкидламоқдаки, миллий маф-

кура масаласига беписанд қараш оқибатида кўпмиллатли Россия халқига ўзликини англаш борасида жуда катта қийинчиликлар рўпара бўлмоқда. Шу ўринда россиялик таниқли сиёсатшунос Э.Брондманнинг бир фикрига диққатни қаратамиз. Унинг ёзишича, сафарбар этувчи мафкурасиз миллат ҳам мавжуд эмас. “Миллий давлат мафкураси Россиянинг юксак тарихий макomini қайта тикловчи омилдир”, деб ёзади олим (Э.Брондман. *Глобализация и информационная безопасность общества. М., ГПИБ, 2007, стр. 148*).

Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон миллий истиқлол гоёси деб аталган гоёт муҳим ҳужжатни ишлаб чиқиб ва қабул қилиб, том маънода, тарихий ишни амалга оширди. Шуни ҳам ёдда сақлаш жоизки, бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мамлакатда ягона давлат мафкураси бўлишига йўл қўймаслик шароитида рўй берди. Айна пайтда ҳар бир оқил инсонга шу нарса ҳам аёнки, миллий мафкурасиз ҳозирги ахборот-глобаллашув оламида ҳеч бир миллат яшаб кетолмайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбарияти халқимиз миллийлиги сақланиб қолиши учун ўз вақтида самарали чора-тадбирлар кўрди.

Фарб нега Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонни ҳам ўзининг “икки ёқлама стандарт” дея ном олган демократлаштириш андозалари билан ўраб-чирмаб ташлашга зўр бериб интилмоқда? Бунинг бирдан-бир сабаби шуки, у бошқалар, хусусан, бизнинг ҳам ўзининг модели асосида тараққий этишимизни истайди. Чунки, шундагина биз Фарб ортдан эргашиб борувчига айланамиз ва мудом иккинчи даражали ролда қолаверамиз. Тобора Фарб яловига айланиб бораётган космополитизм Шарқ халқларини анъанавий турмуш тарзидан мутлақо адаштириб юборади, чунки улар космополитизм бағрида ўзини топа олиши душвор.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, ахборот асрига қадам қўйиш, унинг ҳавосидан нафас олиш ҳали бу бир ёки бир неча халқ бутун дунё аҳлига ўз қадриятларини зўр бериб тиқиштириши мумкин, дегани эмас. Бизнингча, ушбу чигал муаммо ечимини Фарб ва Шарқ, яна ҳам тўғрироғи, барча халқлар баҳамжиҳат бўлиб, вазминлик билан, далилларни ўзаро инobatга олган ҳолда изламоғи ва топмоғи даркор.

Шаҳодат МУРОДОВА,

*Давлат ва жамият қурилиши академияси
тадқиқотчи-докторанти*

Davlat siyosatining mustaqil turi

Бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш масаласи алоҳида давлат ва минтақалар миқёсидан чиқиб, глобал муаммолардан бирига айланди. Хозирда макон жиҳатидан глобал, минтақавий ва алоҳида давлатлар хавфсизлиги таснифланар экан, давлат хавфсизлигига нисбатан, одатда, “миллий хавфсизлик” атамаси қўлланмоқда. Полиэтник давлатлар шароитида эса “миллий” сўзининг этномаданий уюшмани ифодалашидан келиб чиқиб, “миллий давлат хавфсизлиги” атамасини қўллаш ҳам тавсия этилади (*Военная политология. М., 1993, стр. 167*).

Миллий хавфсизлик даражаси, одатда, давлат томонидан миллий манфаатлар асосида аниқланади. Бинобарин, миллий манфаатлар шахс, жамият ва давлат хавфсизлигининг бирдан-бир мезони ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсати ва стратегиясининг пойдеворини ташкил этади. Айни чоқда унинг давлат ва жамиятдаги соҳаларга мувофиқ сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, мафкуравий, маънавий ва маданий турлари ҳам мавжуд.

Бугунги кунда миллий манфаатларни шахс-жамият-давлат учлиги доирасида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

давлат даражасида — унинг суверенитети, худудий яхлитлиги, конституциявий тузуми, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, халқаро майдондаги обрў-эътибори, атроф-муҳити, табиий ва қазилма бойликлари, сиёсий, иқтисодий, интеллектуал, ҳарбий салоҳияти ва бошқалар;

жамият даражасида — ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва динлараро тотувлик, қатламлар ва гуруҳлар ўртасидаги консенсус, ижтимоий адолат тамойиллари, моддий ва маданий қадриятлар, маънавий ҳамда ғоявий юксалиш имкониятлари ва бошқалар;

шахс даражасида — конституциявий ҳуқуқ эркинликлари ва манфаатлари, маънавий ва jisмоний баркамоллик, ўз иқтидори ва қобилиятини эркин намоён этиши ҳамда такомиллаштириши, ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлаш имкониятлари ва бошқалар.

Давлатнинг аҳолини ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофазалашга доир бутун фаолияти унинг хавфсизлик сиёсати доирасида олиб борилади. Миллий хавфсизлик давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги манфаатларни ҳимоя қилиш билан таъминланиб, бир қарашда шу соҳалардаги давлат сиёсатининг тарки-

бий қисмидек кўринса-да, аслида мустақил сиёсат тури мақомига эга.

Миллий хавфсизликни таъминлаш ўзига хос тизимли фаолиятни тақозо этади. Мазкур тизимда давлат ҳокимияти органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассасалар, бирлашмалар, шунингдек, фуқаролар ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда фаолият юритиши лозим. Миллий хавфсизлик тизими ҳар қандай таҳдидни олдидан кўра билиш, юзага келган ҳолда уни бартараф қилиш ва оқибатларини тугатиш учун тезкор чоралар қўллаш салоҳиятига эга бўлиши лозим. Бунга эса алоҳида сиёсат ёки бошқарув орқалигина эришиш мумкин. Айни пайтда у глобал ва минтақавий хавфсизлик тизимларига мос бўлиши, бошқа давлатларнинг хавфсизлигига зид келмаслиги зарур.

Хавфсизлик сиёсатининг ҳуқуқий асосларини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари, тамойиллари, давлат қўшилган декларация, конвенция, шартнома ва келишувлар, мамлакат конституцияси, қонун ва қонуности ҳужжатлари ташкил этса-да, у ўзига хос меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат — миллий хавфсизлик концепциясига таянади. Хавфсизлик концепциясида мазкур тизимдаги барча субъектлараро мувофиқлаштирилган фаолиятнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топади.

Давлат ва жамиятнинг алоҳида соҳалари хавфсизлиги бўйича ҳам стратегия, дастур ва режалар мавжудлиги табиий бўлиб, миллий хавфсизлик концепцияси нафақат улар билан ёнма-ён амал қилади, балки айни чоғда устуворлик ҳам касб этади.

Бугунги кундаги илмий-назарий қарашларга таянган ва уларни бойитган ҳолда айтганда, хавфсизлик сиёсати қуйидаги вазифаларни амалга оширади.

Биринчидан — давлатнинг миллий хавфсизликни таъминлашдаги асосий фаолият йўналишлари, стратегия ва тактикасини белгилайди; миллий хавфсизлик концепцияси, хавфсизликни таъминлаш бўйича стратегиялар, дастур ва режаларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилишини назорат қилади; хавфсизлик юзасидан барча давлат органлари, мансабдор шахслар, ташкилотлар ва фуқароларнинг воқолат ҳамда вазифаларини қонуний асосда тақсимлайди; хавфсизлик соҳасида шахс, жамият ва давлат мажбуриятлари ҳамда манфаатларини ўзаро мувозанатга келтиради.

Иккинчидан — миллий хавфсизликка таҳдидни ўз вақтида аниқлаш ва прогноз қилиш механизмини яратати; миллий манфаатлар ҳимоясига доир чора-тадбирларнинг мавжуд ҳамда эҳтимол қилинган таҳдидларга мувофиқ ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини таъминлайди; ҳар қандай таҳдиднинг олдини олиш, уни бартараф этиш билан бир қаторда бундай таҳдидни келтириб чиқарувчи омиллар ва шарт-шароитларни йўқотиш бўйича тезкор, қисқа ва узоқ муддатли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиб, амалга оширади; ички, ташқи ва глобал таҳдидлар, хавфхатарлар, фавқулдда ҳолатлар тугилганда, уларга қарши дарҳол ишга солинувчи усул ва воситаларни шакллантиради.

Учинчидан — миллий хавфсизликка путур етказувчи ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олади ва бошқа ҳуқуқий-чеклов тадбирларини амалга оширади; таҳдидлар пайтида

уларнинг кўламини чеклаш ва оқибатларини тезкор бартараф этиш, шунингдек, қайта тиклаш ишлари юзасидан ялпи чора-тадбирларни кўради ва бошқалар.

Демак, хавфсизлик сиёсати фаолият йўналишлари, меъёрий-ҳуқуқий асослари, мақсад ва вазифаларининг ўзига хослигига кўра, давлат сиёсатининг алоҳида турини ташкил этади. Унга “давлат томонидан миллий хавфсизликни таъминлаш учун алоҳида концепция асосида амалга ошириладиган ҳамда хавфсизлик тизимининг барқарор ва самарали ишларини кафолатлаш орқали олиб бориладиган сиёсат тури” сифатида таъриф бериш мумкин.

Умид ЭГАМБЕРДИЕВ,

*Тошкент Кимё-технология
институтини аспиранти*

Фаолиятни yo'naltiruvchi kuch

Ватанимиз тарихидан аёнки, ўзбек дунёвий-маърифий давлатчилиги доимо цивилизацияга интилиб келган. Ҳозирги қарашларга кўра, цивилизация технократик ривожланишига эмас, аввало маънавий, ахлоқий ва маърифий юксалишдир. Дарҳақиқат, муқаддас ислом дини ҳам, муаззам шарқ фалсафаси ҳам бу ўлмас қадриятларни юксак эъвозлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг гарови деб билган. Қолаверса, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Мавлоно Лутфий, Ҳазрат Навоий асарларида инсон Яратгanning буюк ижоди, олам гултожи деб улуғланади. Уларда таъкидланишича, заковатли, адолатли, хушхулқ, ҳалол, бир сўзли инсонлар дунёнинг барча бойликларидан ҳам қимматлироқдир. Бинобарин, бизда цивилизациявий жараён дейилганда, маънавий, ахлоқий, маърифий фазилатлар устувор бўлган, диний ва фалсафий ғоялар уйғун қабул қилинган тараққиёт йўли тушунилади. Бундан маълум бўладики, цивилизация жараёнларида инсон омили марказий масала ҳисобланади. Аслида ҳам инсон нафақат цивилизация меваларидан баҳраманд бўлувчи, балки бу меваларни яратувчи кучдир. Шундай экан, бугунги жамиятимизда инсон демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, унинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси сифатида ҳам намоён бўлмоғи зарур. Фуқаролар эркин ва фаровон ҳаёт кечирадиган тузум барпо этиш мақсад қилинган экан, яни давлатчилик концеп-

циясида баён этилганидек, буюк давлатни соғлом ва баркамол инсонларгина ярата олади. Шу нуқтаи назардан, комил инсонни тарбиялаш ҳозирги даврда давлатимиз олдида турган муҳим вазифадир. Маърифат фидойиси Абдулла Авлоний таъбири билан айтилса, “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”.

Таълим ва тарбия жараёнининг уйғун олиб борилиши баркамол инсон шаклланишида бош омилдир. Чунки ҳар қандай чуқур билим гўзал ахлоқ билан уйғунлашсагина юксак маънавиятга асос бўлади. Ижтимоий онгнинг мураккаб шакли бўлган ахлоқ эса муайян жамият ёки муҳит учун намуна бўла оладиган инсон хатти-ҳаракатларининг мезонидир. Демак, таълим воситасида эгалланган чуқур билим тарбия воситасида яратилган гўзал ахлоқ билан бирикиб, инсонда олийжаноб мақсадларни юзага келтиради, уни бунёдкорлик ишларига даъват этади. Шу жиҳатдан олинса, маърифат билан бирга, маънавият асосини ташкил этувчи ахлоқ инсон ақли, ҳиссиёти, иродасини тартибга солувчи, унинг бутун фаолиятини муайян мақсадга йўналтириб турувчи ғоят муҳим кучдир.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, шахснинг камол топиши унинг ҳаётидаги фақат бир давр, яъни ёшликнинг ўзи билангина чегараланмайди. Бу жараён шахснинг бутун ҳаётини тўлатқис қамраб олади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов: “Фуқаролик жамияти асосла-

рини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат", дея таъкидлаганда ҳам ана шуни назарда тутган эди. Чунки, жамият тараққий эта боргани сари уни ҳаракатлантирувчи куч — инсоннинг ўзига ҳам талаб кучаяди, бу эса, ўз галида, уни таълим ва тарбия асосида янги маърифий-маънавий савияга кўтариш заруратини келтириб чиқаради. Бунда энг сўнги илмий асосланган технологияларни истифода этиш билан бирга кўп асрлик аждодлар меросига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур. Негаки, маънавият ва маърифат соҳасидаги ворислик ўтмиш, ҳозир ва келажак ўртасида ўзаро боғлиқликни вужудга келтиради. Ана шундай вобасталикдан маҳрум бўлган ҳар қандай жамият парокандаликка юз тутди ва муқаррар таназзулга учрайди.

Тарихга назар ташласак, буюк шахслар фаолияти нафақат ташкилотчилик салоҳияти ва ақл-заковат теранлиги билан, балки олийжаноб ахлоқ ва гўзал одоб билан ҳам юксак маъно-мазмун касб этганига гувоҳ бўламиз. Бундай инсонга куллик, мутелик, боқимандалик мутлақо ёт. У, аксинча, эркин, шижоаткор ва яратувчи шахсдир. Комил инсон ўзининг маслағига, Ватани ва халқининг манфаатига зид ҳар қандай хатти-ҳаракатдан оғох бўлади ва унинг пайини қирқади.

Маълумки, маънавият ва унинг асосида ётувчи ахлоқ ижтимоий муносабатлар, яъни инсонларнинг ўзаро алоқалари шароитида юзага келади. Шунга мувофиқ Ўзбекистон ке-

лажаги ҳисобланмиш баркамол шахсни тарбиялаш истиқболларидан бири жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳитини соғломлаштириш бўлиб, бунда шахсга амалий фаолият эркинлигини бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Фаолият кишилик жамияти мавжудлигининг зарурий шarti бўлиб, дунёни ўзининг мақсадига кўра ўзгартиришига қаратилган инсон хатти-ҳаракатидир.

Эркинлик ҳам, ўз навбатида, кишиларнинг табиат ва жамиятдаги объектив қонуниятларни ўрганиши асосида улар билан муносабатга киришишдан иборат заруратни ифодаловчи тушунчадир. Умуман олганда, эркинлик — инсоннинг ақлий-маънавий камолотга эришувининг зарурий шarti, англандилигидир. Эркинлик даставвал ахлоқий соҳада намоеён бўлади, сўнгра эса, сўз, виждон, матбуот эркинлиги шаклида рўёбга чиқади. Эркинлик тушунчаси ҳар қандай шахсга нисбатан эмас, балки ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва фаолияти учун жавобгарликни ҳис этадиган, маънавий жиҳатдан баркамол инсонга нисбатан қўлланилади.

Ҳозирги демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида ҳам аждодлар бизга туҳфа этган ноёб маънавий меросга ҳурмат-эҳтиром билдириб, уни чинакам ворис сифатида асраш ва бойитиш энг мақбул йўлдир. Зеро, миллий истиқлол гоёси ҳам бунёдкорлик сифатига эга бўлиш билан бирга ўтмиш тарихий тажрибаси билан йўғрилгандир.

Матлуба КАХҲОРОВА,

фалсафа фанлари номзоди

Tiklanayotgan qadriyatlar

Собик шўро даврида ягона совет халқини таркиб топтириш шиори остида миллатлар ва маданиятларни ўзига хосликдан маҳрум этиш, бутун халқни ялпи даҳрий қилишдек гумроҳларча сиёсатга зўр берилди. Ана шу тарзда сиқувга олинган миллий, маданий ва диний қадриятлар истиқлол даврига келибгина тикланиш сари юз тутди. Давлат мустақиллиги эълон қилинганидан янги аср ҳисоби бошлангунга қадар бўлган дастлабки ўн йилликни бу борада пойдевор тиклаш даври эди, дейиш мумкин.

Давлатимиз аввал-бошданок демократик тамойилларга содиқ қолган ва дунёвийлик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, диний конфессиялар билан муносабатни истиқболли изга солди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун, шунингдек, ушбу соҳага доир халқаро шартнома қоидалари ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини энг мақбул деб ҳисоблаш; динга эътиқод қилиш ёки қилмаслигидан қатъи назар, фуқаролар тенглигини таъминлаш; уларнинг ҳар иккала сабабга кўра ҳам таъқиб этилишига қатъиян йўл қўймаслик; маънавий тикланиш ва ахлоқий покланиш мақсадлари йўлида барча диний ташкилотлар имкониятидан фойдаланиш; диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик каби бир талай ҳаётий муҳим қоидалар белгилаб олинди. Давлат органлари ва диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини муво-

фиклаштирувчи тузилма мақомида 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Диний ишлар бўйича қўмита ташкил этилди.

Юртимиз аҳолисининг асосий қисмини қадимдан ислом динига эътиқод қилувчи фуқаролар ташкил этади. Диний қадриятларнинг қайта тикланиши эса ислом дини ривожига айнакса, жадал суръат ва кенг миқёс касб этди. 1991-2001 йиллар мобайнида юртимиз бўйлаб янгидан-янги масжидлар барпо этилди, аввалдан мавжуд бўлганлари эса таъмирланди ёки қайта тикланди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд сингари кўплаб дин ва тасаввуф намояндаларининг муборак саналари дунё ва мамлакат миқёсида байрам қилинди. Куръони карим ва Ҳадиси шариф қайта-қайта нашр этилди, уларга тафсир ва шарҳлар ёзилди.

Айни вақтда юртимизда мусулмонлар билан ёнма-ён ҳаёт кечириб, янги ҷамият барпо этаётган насроний, буддавий ва яҳудийлар, шунингдек, бошқа кўплаб диний эътиқод вакиллари ҳам диний қадриятларни қайта тиклаш борасида ислом ҷамоаси билан тенг имкониятларга эга бўлди. Шўро иттифоқи парчаланган кезларда жуда ночор ҳолга келиб қолган черков, синагога каби бу динларга тегишли ибодатгоҳлар ўзгача тусга кирди: улар ё тубдан таъмирланди, ё қайта тикланди. Бу ибодатгоҳларда ҳам фуқаролар ўз диний маросим ва урф-одатларини эмин-эркин адо этиш имконига эга бўлди.

Юртимиз қадим замонлардан буён диний адоват ва низолардан холи макон сифатида таърифлаб келинган. Истиқлолнинг дастлабки ўн йиллигида диний бағрикенглик муҳитида кўплаб диний уюшмалар расмий рўйхатдан ўтди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда, ислом динидан ташқари, 16 та диний конфессия қонуний равишда фаолият юритмоқда.

Диний конфессиялар ўртасида чуқур илдиз отган ўзаро мурося ва ҳурмат руҳи бу даврда бутун дунё эътирофига сазовор бўлди. 1995 йили "Ягона осмон остида умргузаронлик" шио-

ри остида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган динлараро форумга Бутун Жаҳон Черковлар Кенгаши номидан ташриф буюрган делегация вакиллари Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда бир ярим асрдан буён мусулмон ва православлар тотув яшаб келаётгани олам аҳлига ибрат қилиб кўрсатилса арзийди, деган фикрни таъкидлади. Айнан шундай баҳони 1996 йили Тошкент ва Урта Осиё Рус православ епархиясининг 125 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун юртимизга келган Москва ва Бутун Рус патриархи Алексий II ҳам эътироф этди.

Истиқлолнинг дастлабки ўн йиллиги христианлик, буддизм ва иудаизм динларини тадқиқ этиш борасида ҳам янги босқични бошлаб берди, дейиш мумкин. Бизнингча, шу ўринда 1993 йилда ташкил топган Ўзбекистон конфессиялараро Инжил ҷамияти томонидан муқаддас битикнинг Кўҳна Аҳд ва Янги Аҳд китобларини давлат тилига таржима қилиш ва нашрдан чиқариш бўйича ғоят кўламдор ишлар амалга оширилгани ҳамда "Ўрта Осиёда христианлик тарихидан (XIX — XX асрлар)" номли тўпламнинг дунё юзини кўрганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур китоб аслида христианлик динининг ўлкамиздаги равнақига бағишланса-да, у билан ёнма-ён амал қилаётган ислом, буддизм ва иудаизм динлари; Рим-католик, Янги апостол, Христиан-пресвитер ва Евангел-лютеран черковлари; Евангел христиан-баптистлари, Тўлиқ Евангел христианлари ва Баҳои диний ҷамоалари, шунингдек, Халқаро Кришнани англаш ҷамияти ҳақидаги маълумотларга ҳам ўз саҳифаларидан жой ажратган.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, Ўзбекистон турли-туман миллат, маданият ва диний эътиқодлар ўзаро туташган минтақада жойлашган бўлиб, унда миллатлараро тотувлик, маданиятлараро мулоқот ва динлараро бағрикенгликни қарор топтириш озод ва обод ватан барпо этиш борасидаги муштарак орзулар рўйиби учун хизмат қилади.

Жаҳонгир ҒАНИЕВ,

ЎзРФА Тарих институти
тадқиқотчиси

Shaxs mas'uliyati

Қадимги юнон файласуфи Афлотуннинг фикрича, масъулият тушунчаси шахснинг иш, фаолият жараёни натижасига нисбатан жавобгарлигини англатади. Айрим тадқиқотчилар шахсда масъулият ҳисси пайдо бўлиши учун муайян шарт-шароит яратилиши лозим деб

ҳисоблайди. Масалан, Э.Султонованинг фикрича, "демократик ҷамиятнинг қатор давлатларда ривож топаётган турли моделлари шахснинг ўз тақдирига бефарқ бўлмайдиган субъект даражасида юксалиши учун объектив шароит яратмоқда" (Э.Султонова. *Аёл сиёсат*

субъекти сифатида. "Жамият ва бошқарув" журнали. Т., 2-сон, 61-бет).

Айтиш жоизки, бундай объектив шароитлар мамлакатимизда ҳам қарор топган. Шунга қарамай, бизда, айниқса, ёшлар орасида бефарқлик, лоқайдлик ҳануз мавжудлиги ташвишли ҳолдир. Масалан, тадқиқотчи Ш.Эрматов ўтказган сўровномадаги "Давлат ва жамият бошқаруви ишларида иштирок этишни хоҳлайсизми?" деган саволга талаба-ёшлардан 69,5 фоизи — "хоҳиш бор", 22,4 фоизи — "ҳали ўйлаб кўрмадим", 5,5 фоизи — "йўқ", 2,6 фоизи эса — "билмадим" деб жавоб берган. Кўриниб турибдики, ижтимоий фаолият, хусусан, давлат ва жамият бошқаруви ишларига нисбатан бефарқлик, лоқайдлик даражаси анча юқори — 30,5 фоизни ташкил этади. Демографик маълумотларга кўра эса ёшлар мамлакат аҳолисининг 60 фоизини ташкил қилади. Агар масалага бугунги янгиланиш, модернизациялаш талаблари нуқтаи назаридан ёндашилса, ушбу кўрсаткич демографик жамиятни шакллантириш талабларини қондиrolмаслиги маълум бўлади.

Юртбошимиз шахсининг сиёсий фаоллигини кучайтиришнинг бугунги демократик янгиланиш шароитидаги ўрни муҳимлигини таъкидлаб, "Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари шарт. Ҳар бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши даркор", деган эди. Бунинг учун эса фуқаро, шахс аввало сиёсат субъектига айланиши лозим.

Бу борада кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг

фаолияти муҳимдир. Чунки бугунги кунда кучли фуқаролик жамиятини нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва аҳолининг турли қатламлари манфаатини ифодалайдиган сиёсий партияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айнан ушбу институтларда иштирок этувчи субъектлар ўсиб бораётган сиёсий масъулият тимсоли ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда беш мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ) мавжуд. Улар асосан фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар ва ёшлар фаоллигини ошириш ҳамда фуқаролик институтлари фаолиятини ривожлантириш йўлида хизмат кўрсатади. 2005 йили май ойида бўлиб ўтган умуммиллий фуқаролик форуми қарорига кўра Ўзбекистон ННТ миллий ассоциацияси ташкил топди. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари 16 йил давомида ўзининг тадрижий ривожланиш йўлини босиб ўтди, бу борада зарур ҳуқуқий ва ташкилий асос яратилди. Энг муҳими, давлат ва ННТ ҳамкорлигининг сифат жиҳатдан янгича шароитларини шакллантирувчи "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун ҳар бир фуқарога, шахсга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан бефарқ бўлмасликни, жамиятни янгилашга қаратилган давлат сиёсати унинг тақдирига ҳам бевосита алоқадор эканини аниқлашга кўмаклашади.

Севара ТҶХТАЕВА,

*Тошкент давлат Шарқшунослик
институтини аспиранти*

"Katta terror" fojialari

Ўтган асрнинг 20-йиллари сўнггида собик иттифоқ бўйлаб Сталин "раҳнамо"лигида бошланган оммавий қиргин 30-йилнинг охиригача давом этди ва "катта террор" номи билан тарихга кирди. Қатағон шу даражада кенг қамровли бўлдики, унинг тўлқини барча ижтимоий табақаларни ўз домига тортиди. Бунда асосий зарба раҳбар ходимлар ва зиёлиларга берилди.

Ўзбекистонда қатлиом 1929 йилда Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги "Миллий истиқлол" ташкилоти аъзоларини

махв этишдан бошланди. 1929-30 йилларда Саъдулла Қосимов раислигидаги Ўзбекистон Олий судининг, 1932 йилда эса Шамси Бадриддинов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Прокуратурасининг бир гуруҳ ходимлари қатағон қилинди. Айниқса, 1937-38 йилларда қиргин ниҳоятда авж олди — Ўзбекистон сиёсий элитаси ялпи қатағон қилинди. 1937 йил 17 июнда НКВД томонидан Файзулла Хўжаев қамоққа олинди. Шундан сўнг НКВД ходимлари юзлаб раҳбарларни бирин-кетин "халқ душмани"га

айлантира бошлади. Бу йилларда, Ўзбекистон Коммунистик партияси VIII съездида таъкидлаганидек, "Марказий Комитетнинг барча асосий раҳбар ходимлари душман сифатида фош қилинди ва жавобгарликка тортилди, уларга нисбатан аёвсиз чоралар кўрилди" (*Ўзбекистон республикаси ПДА, 58-фонд, 14-ёзув, 6-иш, 32-варақ*). Кейин навбат округ, шаҳар ва туман партия комитетларининг котибларига, шунингдек, халқ комиссарларига келди. Уларнинг деярли барчасига республикада совет тузумини ағдариб ташлашга қаратилган аксилинқилобий миллатчилик ҳаракатини олиб бориш, Ўзбекистонни иттифоқдан ажратиб, Англия, Германия ёки бошқа капиталистик мамлакатлар мустамлакасига айлантириш, республика иқтисодиётини издан чиқариш мақсадида террорчилик ҳаракатлари судир этиш каби айбловлар қўйилган эди.

Табийки, бу мудҳиш қиргинбарот нима учун керак бўлди, деган саволга жавоб берилгандагина биз унинг моҳиятини тўлиқроқ англашимиз мумкин. Биринчидан, 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг ўрнатилган совет ҳокимияти ҳуқуқий асосга эга бўлмай, зўравонлик йўли билан қурилган эди. Шахс, халқ ва айниқса, миллатлар манфаатига мутлақо ёт, зулмга асосланиб қурилаётган тузумга эса жадидчилик ғоялари руҳида тарбияланган, миллий ғурури, онги юксак шакланган сиёсий элита вакиллари, табиийки, керак эмас эди. Иккинчидан, В. Ленин томонидан асослаб берилган большевикча тузумни И. Сталин террор асосида қурди ва ўзининг яқка ҳукмронлигини ўрнатди. Янги тузум тенглик ва фаровонлик ҳақидаги дастлабки ваъдаларнинг ёлғонлигини кўрсатди ва бу, албатта, сиёсий элита вакиллари норозилигига сабаб бўлди. Натижада Сталин бу раҳбар ходимларни ОГПУ, НКДВ каби жазоловчи идораларга таяниб ва шу идоралар ўйлаб чиқарган айбловлар билан бирин-кетин маҳв эттирди.

Шу ўринда жазоловчи идораларнинг совет ҳокимиятининг жиноий процессуал кодексларига мутлақо амал қилмаганига эътибор қаратмоқ лозим. Қатагон қилинганлар НКДВ идорасида тўқиб чиқарилган ёлғон айбловлар билан қамоққа олинган. Терговда айбланувчи ўз айбини бўйнига олса қифоя эди, уни тергов ва суриштирув материаллари асосида тасдиқлаш шарт бўлмаган. Бунинг устига, ўша пайтдаги жазоловчи идора ходимлари терговда энг ваҳшиёна усуллардан фойдаланганки, натижада ҳар қандай шахс қилмаган ишини ҳам қилдим, деб бўйнига олишга мажбур бўлган. Шунинг учун ҳам 1938 йил март ойидаги суд жараёнида (бу жараёнда Файзулла Хўжаев ва Акмал

Икромов ҳам суд қилинган) Н. Бухарин айбдорни иқдор эттириш ўрта асрларга хос судлов тамойилидир деган эди. Бундан ташқари, тергов ва суд жараёнларига доир хатжилдлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ҳужжатлар айбдорга берилган жазога қараб кейинчалик тўғрилаб қўйилган.

НКДВ ходимлари маҳбусларни қанчалик қийноқ-азобларга дучор қилмасин, уларнинг иродасини бутунлай бука олмаган. Қамоққа олинганларнинг кўпчилиги қўйилган айбларни тергов пайтида, айниқса, суд жараёнида қатъий рад этган. Буни ўша қора кунларда тақдир фожиа билан тугаганлардан бири — Қорақалпоғистон область партия комитети котиби Давлат Ризаев мисолида ҳам кўриш мумкин.

1937 йил 3 августда троцкийчи сифатида қамоққа олинган Д. Ризаев айбловларга иқдор бўлмагани учун НКДВ ходимлари томонидан аёвсиз калтакланган. Оқибатда 1937 йил 1 октябрь куни умуртқа поғонаси синиб, Ўзбекистон НКДВси санитария қисмида вафот этган. НКДВ ходимлари томонидан унинг ўлими тўғрисидаги ҳужжатлар сохталаштирилиб, 1937 йил 7 октябрда "Д. Ризаев 1937 йил 30 сентябрда ўзини ўлдирган", деб қарор чиқарилган. Бу ёлғон қарорни НКДВ халқ комиссари Д. Аapresьян тасдиқлаган. Аммо Д. Ризаевнинг оиласига унинг 10 йилга қамалгани ва лагерга жўнатилигани тўғрисида маълумот берилган. 1956 йил 13 апрелда Д. Ризаевнинг қизи И. Ризаева Ўзбекистон Олий Совети Президиумига отасининг тақдирини билиш мақсадида хат йўллаган. Унга отангиз 10 йилга қамалган ва ўша ерда юрак хасталигидан вафот этган, деган мазмунда жавоб келган. Давлат Ризаев 1957 йил 26 июнда Туркистон Ҳарбий округ суди томонидан оқланган.

1937-38 йиллардаги қатлиом натижаида Ўзбекистон ваган ва миллат равнақи йўлида жон фидо қилган асл фарзандларидан маҳрум бўлди. Оқибатда тўла-тўқис собиқ иттифоқнинг "қизил мустамлакаси"га айланди, республикада мустабид тузум ҳар томонлама қарор топтирилди. 20-30-йилларда амалга оширилган машъум террорнинг асл мақсади ҳам шу эди.

Қатагон балоси фақат сиёсий элитани ўз домига тортиб қолмади. Бу қонли террорда юз минглаб зиёлилар ва ҳатто оддий меҳнатқашлар ҳам бегуноҳ қурбон бўлди. Хуллас, мудҳиш қатагон алангасида ҳўлу қуруқ баробар ёнди. Шу сабабли тарихчи-тадқиқотчилар олдида турган энг чигал масалалардан бири — 20-30-йилларда Ўзбекистонда қатагон қилинганлар сонини аниқлашдир. Афсуски, бунини аниқ ҳисоблаб чиқишнинг иложи йўқ. Чунки суд-тергов материаллари тўлиқ олиб

борилмаган ва қатағонга учраганларнинг кўпчилигига ҳатто жиноий иш очилмаган. Қолаверса, бир кишининг ўрнига бошқа киши ҳам ҳукм қилиб юборилаверган. Шунинг учун бу борада фақат тахминий рақамлар билан қаноатланиш мумкин. Олимларимизнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1937-39-йилларда 40 мингдан ортиқ киши давлат хавфсизлик идоралари томонидан қамалган, шундан 6 минг 920 нафари отиб ташланган. Бу эса “советларнинг давлат дарахти фуқароларнинг дарё-дарё қони эвазига кўркарган”ини кўрсатади (Н.Каримов. *Халқ хотираси олдида бош эгиз. Т., “Шарқ”, 2001, 23-бет*).

Истиклол йўлида шаҳид кетганларнинг мўътабар номини тиклаш, уларнинг хотирасини эъзозлаш ва абадийлаштириш борасида Пре-

зидент Ислом Каримов раҳбарлигида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Республикамизда “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси ташкил этилди. Тошкентда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи очилди. Буларнинг ҳаммаси зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларига ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Назира НОРЖИГИТОВА,

ЎзРФА Тарих институти катта
илмий ходими

O'tmishimizga oid qimmatli manba

Ўрта Осиё минтақаси ва бу ҳудуд аҳолисининг турмуши чет эл сайёҳ-олимларини қадимдан қизиқтириб келган. Шу ўринда XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида яшаб ижод этган машҳур француз олими Элизе Реклюнинг (1830-1905) ушбу минтақага доир маълумотлари, айниқса, қизиқарли эканини таъкидлаш лозим. Афсуски, ўзбек илм-фанида ҳозиргача унинг юртимизга оид асарлари ўрганилмаган.

Э.Реклю ярим асрдан кўпроқ муттасил дунё кезди ва географияга оид қимматли тадқиқотлар яратди. Олим шундан 20 йилини ўз ичидининг бош асари — “Умумий география” номи 19 жилдлик улкан тадқиқотга бағишлади. Дарҳақиқат, 1873-92 йиллар мобайнида йил сайин китоб дўконлари пештахтасида Э.Реклю асарининг биттадан қалин жилди пайдо бўлиб турди. Ҳар бир китоб қарийб 900 бетлик матн, кўплаб харита, расм ва жадвалларни ўз ичига оларди. Тадқиқотнинг илмий қимматини англаш учун шуни ёдга олиш kifояки, “Умумий география” пайдо бўлгунича Франция, Англия ва Германияда дунё географияси ҳақида бу каби йирик ҳажмли, маълумотларга бой асар йўқ эди. Э.Реклю ўз тадқиқотини Швейцариянинг Луганна шаҳрида бошлаб, Франциянинг Севр шаҳрида якунлайди.

Э.Реклю “Умумий география”нинг 5-10-жилдларини Осиё қитъаси мамлакатларига бағишлаган бўлиб, 6-жилдда Ўрта Осиё минтақа-

си ҳақида батафсил маълумотлар келтиради. Муаллиф Бухоро амирлиги ҳақида сўз юритиб, унинг номигагина мустақил экани, сиёсатини Петербург орқали амалга оширишини таъкидлайди. Дарвоз, Қоратегин, Шугнон, Кундуз ва Бадахшонни ҳам ўз ичига олган амирлик ерлари Франциянинг ярим ҳудудига тенг бўлиб (239 минг квадрат километр), аҳолиси эса 2 миллиондан ошишини қайд этади. Муаллиф Бухоро амирлиги Амударёнинг асосан ўнг қирғоғида жойлашгани тўғрисида гапириб, бу ҳудуд табиатига атрофлича тўхталади.

Руслар bosқинига қадар Сирдарё ва Амударё оралигида сиёсий ҳукмронлик мутараққий давлатчилик тизимига эга ўзбек миллатига тегишли бўлгани ва улар турк тилининг замонавийлашган шеvasида сўзлаши, Фарғонадан Хивагача ва Хивадан Ҳиндикушгача бўлган ҳудудда яшаётганларнинг барчаси ўзини “ўзбек” деб аташи ва бу билан фахрланиши ҳам маълум қилинган.

“Туркистон халқлари ичида ўзбеклар қизиққон ва ўз динига эътиқодли бўлиб, улар орасида бошқа халқларга қараганда иккиюзламлилик учрамайди.

Туркистон халқларининг ўндан тўққиз қисмини ўзбеклар ташкил қилиб, қолганлари эса форс, тожик, афғон ва араблардан иборатдир. Бу ҳудудларда ўзбеклар сиёсий ҳукмронлик қилади”, деб ёзади олим.

Муаллиф амирликка тобе бўлган Шахрисабз ҳақида эса куйидагиларни баён этади: “Шахрисабз — Ҳазрати Султон тоғларидан бошланувчи дарё бўйларида жойлашган бўлиб, ўз даврида Орол-Каспий текислигида муҳим роль ўйнаган. Шахрисабз аслида иккита мустақил шаҳар — Китоб ва ундан юқорирокдаги Шахрисабздан ташкил топган бўлиб, ҳар томондан деворлар билан ўралган ва эгизак шаҳарларни бир-биридан алоҳида-алоҳида жойлашган катта боғлар ажратиб туради. Шундан келиб чиқиб, Шахрисабз — “яшил шаҳар, яшилга бурканган шаҳар” номини олган. Шаҳарда 90 дан ортиқ масжид, гумбаз ва миноралар қад кўтарган бўлиб, йигирма мингга яқин аҳоли яшайди. Китоб аҳолиси эса ўн беш мингдан ошмайди. XIV асрнинг бошларида ҳозирги Шахрисабз ўрнида Кеш қишлоғи жойлашган бўлиб, 1336 йили шу ерда Амир Темир дунёга келган...

Улуғ соҳибқирон етишиб чиққан бу ўлка аҳолиси асосан кенагаслардан ташкил топиб, улар ўз ботирликлари билан бутун Туркистонда шуҳрат қозongan, бу юрт қизлари эса хуснда тенги йўқ бўлган. Шу сабабдан рус ҳукумати бу ўлкани забт этиш учун ўз харбий экспедициясини жўнатади. Аммо Шахрисабз халки ҳеч қачон ҳеч қандай зўравонга бўйсунмаган. Қашқа дарёси шаҳар ичидан ўтиб, унинг боғларини сугориб, мўл-кўлчиликни таъминлаган, шунингдек, аҳолини ташқи душмандан ҳимоя қилиб турган. Дарёга ўрнатилган тўғонлар... узоқ-яқиндаги шаҳар ва қалъаларни сув билан таъминлашга хизмат қилган.

Шахрисабзни Бухоро хонлигига қўшиб олиш иқтисодий томондан жуда қулай имкони-

ятга эга бўлишни англатар эди. Негаки, Қашқа водийсида буғдойнинг турли навлари, тамаки, пахта, мева ва сабзавотлар, тоғли ҳудудларида эса темир конлари мавжуд эди. Ҳисор тоғ ён бағирларидаги туз конлари Шахрисабздан жануби-ғарбда жойлашган бўлиб, Самарқанд аҳолисига ош тузини пешма-пеш етказиб берарди. Ҳисор, қолаверса, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари савдосига мўлжалланган бозор сифатида ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга эди”.

Шунингдек, Э.Реклю асарида Хива хонлиги ва Россияга тобе Туркистон вилояти ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар жамланган. Чунончи, Хива хонлиги аҳолиси 3 миллион киши, умумий ер майдони 57 минг 800 квадрат километр деб тавсифланади. Хонликда сугориладиган ерлар 10 минг 600 квадрат километрни ташкил этган ва Амударё сувининг 7 миллиард кубини шу ерларни сугоришга сарф қилинган, бу эса унинг ўзанидан бир йилда оқиб ўтайдиган сувнинг еттидан бир қисмини ташкил этган. Э.Реклю ушбу жилдга Ўрта Осиёнинг туркман чўллари, Хива хонлиги, Оролбўйи ҳудудлари акс эттирилган харитани ҳам илова қилган. Харита рангли тасвирда ишланган бўлиб, мазкур ҳудудларнинг аҳоли истикоматгоҳлари аниқ кўрсатилган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, буюк француз жуғрофининг мазкур асарини батафсил ўрганиб, чуқур таҳлил этиш Ватанимизнинг мустахлак даври тарихини янада теран тушунишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўйгун ЖУМАЕВ,

ЎЗМУ тадқиқотчиси

Navoiy ham adashganmi?

Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари беш қисмдан иборат. Муаллиф ҳар қисмга алоҳида вазифа юклаган. Жумладан, “Аввалги мақолат”да ўзи билан Жомий орасидаги устоз-шогирдлик муносабатлари ва ўзаро илтифотни ёритишни мақсад қилган. Айнан шу қисмда Навоий ўзи гувоҳ бўлган ёки унга бевосита боғлиқ воқеаларни баён этган. Шу ҳикоятларнинг бири Маҳмуд Ҳабиб деган бир девона Жомий ҳазратларига беадаблик қилгани оқибатида ўз жазосини топгани ҳақида.

Кизиғи, айнан шу воқеа асарнинг “Хотима” қисмида ҳам келтирилган. Бироқ бу ўринда муаллиф ҳикоятни тамоман бошқа мақсадда ёзган. Навоий Жомийга қаромат кўрсатиш имкони берилмагани, ул ҳазрат маломатия тариқатида экани ва буни сир тутишини айтган. Аммо шундай бўлса ҳам, баъзан у зот билан боғлиқ ғаройиб воқеалар юз беришини таъкидлаган.

Шу ҳикоятлар орасида биз мазмунини қисқача айтиб ўтган воқеа қайта келтирилади. Аммо бу ўринда ҳикоят “Аввалги мақолат”дан кўчирилмаган, балки муаллиф томонидан айна-

воқеа яна бир марта баён этилган. Қиёслаб кўриш учун иккала ҳикоятнинг ҳам асл матнини келтирамиз.

Аввалги мақолатнинг 6-ҳикояти:

“Бир кун алар йўл била борадур эрмишлар. Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонайи хуморийи абтарий бор эрди, маст ва ошuftа, аларга йўлуқуб, беадабона сўзлар айтиб, балки сафоҳатлар қилубтур, ammo мутлақ илтифот қилмайдурлар, даги анинг сари боқмайдурлар.

Яна бир кун фақир алар хизматида борадур эрдим. Ҳамул девона фақирни алар билан кўрдиким, борадурмен. Ул ердинким, жунун аҳли ва абтар халойиқ фосид хаёлоти бўлғай соғинмиш бўлғайким, алар анинг туно кунги беадабликларидан фақирга шаммайи изҳор қилғайлар ё қилмиш бўлғайлар. Аларга бетакриб сўз қотиб, узрхоҳликлар бошлади. Фақир таажжуб қилиб, алардин истифсор қилдимким: “Бу девонанинг паришон узрхоҳликлари оё не жиҳатдин эркин?”

Алар сўзни ўзга сори юткаб, туно кун ўтган ҳолатдин ҳеч нима изҳор қилмадилар. Ammo асхобдин туно кун ўтган сўз маълум бўлди. Ул девона безътидолликлар қилса эрди, анга таъзир ва адаб қилилур эди. Фақир тиладимки, анга адаб буюрғаймен.

— Сен ҳеч нима демагилким, анга адаб етгусидир.

Бир неча кун ўтмадиким, яна бир девона ани уриб ўлтурди” (Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. Т., “Фан” нашриёти, 19-бет).

Энди шуни хотиманинг 3-ҳикоятида келган матн билан солиштириб кўрайлик:

“Бир панжшанба куни алар хизмати Гозургоҳдин қайтиб келиладур эрди. Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонайи фосиқи абтарий шаҳарда бор эрдиким, доим маст юрур эрди ва йўлуқгон элга ташниълар ва сафоҳатлар қилилур эрди. Бу фақирни чун алар хизматида кўрди, аларга абтар ва девоналиғ юзидин узромиз ҳикоятлар дей бошлади. Чун андин бу хилофи маъхуд эди. Фақир таажжуб қилдимким, девонани не нима мунга тутуб эркиним, одмиёна ва хушмандона сўзлар андин зоҳир бўладур? Баъзи мулозимлардин сўзин тақрир қилдиларким, туно кун девонайи абтарийи усрук аларга йўлуқуб, кўп беадабона ҳарзалар деб, оғзига келган сафоҳат қилгон эркандур. Буқунким, фақирни алар хизматида кўрубтур, бу хаёл биланим, ногоҳ алар туно кунги ҳолни фақирга изҳор қилсалар, фақир девонайи абтарга изо қилғаймен деб кўрқунчдин мулоямат қиладур эрмиш. Фақир бу сўзни эшитгач, беихтиёр бар он бўлдумким, анга изо қилғаймен. Алар манъ қилиб, айттиларким:

— Ул ўз сиёсатин топқусидир, сен ҳеч нима дема.

Ҳамул беш-ўн кунда абтар девонани бўзaxonада яна бир ўзидек абтар бўйнини чопиб ўлтурди” (Ўша асар, 74-бет).

Бу иккала ҳикоятда айнан бир воқеа тасвирланган. Лекин бир воқеанинг алоҳида-алоҳида баёни бир-бирини тўлдирган. Айниқса, “Хотима”даги ҳикоятда фактлар кўпроқ ва аниқроқ келтирилган. Масалан, бир пайшанба куни Гозургоҳдан қайтилаётган пайт экани, Жомийни Навоий билан бирга кўрган Маҳмуд Ҳабиб жазо беради, деб кўрқиб кетгани (чунки Навоий амалдор бўлган), девонани бўзaxonада ўзига ўхшаган яна бир жинни бўйнини чопиб ўлдиргани ёзилган. Бу фактлар “аввалги мақолат”да йўқ, унда воқеанинг мағзи айтилган, холос, муаллиф тафсилотга тўхталмаган. Бир воқеанинг икки жойдаги баёнида бир-бирига зид факт ё далил йўқ.

Бир воқеа икки марта ҳикоя қилинишига сабаб нима бўлишидан қатъи назар, ўқувчи учун фойда. Чунки бунда биз адиб маҳоратининг ажойиб ва камдан-кам учрайдиган қиррасини кўраимиз. Икки ҳикоятни Навоий тамоман икки хил тарздаги тил ва ифода билан қоғозга туширган.

“Беш ҳайрат”нинг ҳар бир қисмида алоҳида мавзуларни ёритишни истаган муаллиф, бир ҳикоятни икки жойда тамоман бошқа мақсадларда, яъни бирида ўзи гувоҳ бўлган воқеа сифатида, иккинчисида эса Жомийнинг кармати сифатида ҳикоя қилган, деган фикр ҳам туғилиши мумкин. Бироқ бу ҳикоят кўпроқ “Хотима” қисмининг талабларига жавоб беради. Чунки айнан шу қисмда Жомийга ёмон муносабатда бўлгани боис жазосини олган Музаффар, Мажидуддин, Ноҳиқий каби шахслар ҳақида ҳам ҳикоятлар келтирилади.

Шунга қарамасдан, бир хулосага келиш мумкинки, Навоий айна воқеани икки марта сўзлашни атайлаб мақсад қилмаган кўринади. Бизнингча, “аввалги мақолат”да ёзган ҳикоятини шунчаки унутган. Негаки, ҳажман унчалик катта бўлмаган асарда бир ҳикоятни икки карра келтириш Алишер Навоийнинг ижодий тамойилига мос тушмайди.

Навоий ижоди — ўта мукамал. Унда на бир сўз ортик, на бир сўз кам. Айнан шунинг учун ҳам “Хамсат ул-мутаҳаййирин”даги бу такрор дарров диққатимизни тортиди. Асар муаллифининг устози ва пири ҳақида беш ҳайратни баён этишга бағишланган. Биз таҳлил қилган ҳодиса эса ўқувчида яна бир ҳайрат уйғотса, не ажаб.

Фаррухбек ОЛИМ,

ЎзРФА Тил ва адабиёт институти аспиранти



SUMMARY

As is known, morality and culture have so far been the most important values in the development of any society. Thus, nowadays almost all developed countries try to preserve cultural identity and ancient traditions. Apart from recognized advantages of the process of globalization, which is widely spreading, there are also some disadvantages too, which can be seen in the area of culture. Researcher Ulughbek Saidov's article entitled "The culture of a crowd" is dedicated to the influence of the process on national cultures.

The progress of a fatherland, nation, country and society always depends on courageous and patriot people. Thus, from ancient times it was important for a society to select and bring up people who possess special qualities. Researcher Kopaysin Alieva's "Individual and society: harmony of interests" is an article where this issue is raised. The author touched on views of philosophers of the East by pointing out their positive personal qualities.

Hereditry is central to who an individual comes to be, but on the other hand, social environment and education also have a weighty impact. Views on the effect of family environment, school, and community on upbringing of a child, and associated problems can be found in an article entitled "Upbringing is the job of the community" by Barno Hamroqulova, a scholar.

It seems that on the surface, the notion of “freedom” is nothing but an ordinary word. A deeper analysis, however, finds that it is a valuable thing for humankind. No society flourishes without it. Thus it should be regarded as an important philosophic matter. Philosopher Bahodir Zokir’s “The perfection of freedom” is an article where the roots of the term “freedom” are researched. It also touches on the issue of how this notion has been interpreted in different doctrines throughout the evolution of socio-philosophic thought.

Valentine Rasputin is one of the leading representatives of a Russian literary genre of the XX century known as “village prose”. His pieces, promoting Russian national identity and raising painful problems of the time, were translated into many world languages. The writer’s story entitled “French lessons” is one of his literarily miracles that can emotionally agitate any reader. The story is kindly presented to a reader’s attention.

Writer Jora Fozil’s narrative entitled “The person who wanted to sell a book” once more confirms that the world and humanity are full of secrets and miracles, and comprehending them fully is a very difficult and almost impossible task: “Life continues on its course. It doesn’t matter whether someone makes donations to charity or whether an old person grieves for not being able to sell a book. After all, there is no shortage of people like him. The world is full of merciless regularities. It continues to be so.”


It is one of the important tasks of literary science to thoroughly study the works of well known gurus of our classic literature and their masterpieces. For instance, there are lots of issues and scientific problems that are yet to be studied about Mashrab’s works. Candidate of philosophic sciences Momin Hoshimkhonov’s article, “Understanding Mashrab”, is about this.



Рустам БОБОВ. Сайилгоҳ



Бобониёз ҚУРБОНОВ. Тоққа йул



СЕЙРАН. Кекса тут



Шокир ЗОКИРОВ. Хўрозга миниб



Бахтиёр РАМАЗОНОВ. Тоj кийиш маросими

Талай вақт Ўзбекистонда яшаб, илк ижодини шу ерда бошлаган, кечаги асрнинг мураккаб саксонинчи йиллари воқелигига бағишланган туркум романлари билан шухрат қозонган русийзабон адиб Рауль Мирҳайдаров бошқа санъат турлари қатори рангасвир мўъжизасига гоъят ишқибоз, салмоқлигина шахсий коллекцияси ҳам бор.

Ушбу саҳифада она шу коллекцияга доир, журналимизга лутфан тақдим этилган репродукциялардан намуналар кўриб турибсиз.

3760e

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 2/2008

